



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ 2024

Тошкент 2025

ҚИСҚАРТМАЛАР

ACCA	Association of Chartered Certified Accountants (<i>Сертификатланган Дипломли Бухгалтерлар Ассоциацияси</i>)
AFI	Молиявий оммабоплик альянси
ARIMA	Autoregressive integrated moving average (<i>Эконометрик модел</i>)
BigTech	Йирик технологик корхоналар
CFA	Chartered Financial Analyst (<i>Сертификатланган молиявий таҳлилчи</i>)
CIR	Операцион самарадорлик кўрсаткичи
DSGE	Динамик стохастик умумий мувозанат модели
DSTI	Кредит тўловининг даромадга нисбати
ESG	Environmental, social, and governance (<i>Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув</i>) рейтинг
IPO	Initial Public Offering (<i>Акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш</i>)
LCR	Ликвидлилики қоплаш меъёри (<i>Банк тизимида қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи</i>)
LTV	Кредит суммасини гаров суммасига нисбати
MIDAS	Mixed-data sampling (<i>Эконометрик модел</i>)
NFC	Near field communication (<i>Қисқа масофали контакtsiz тўлов технологияси</i>)
NPL	Nonperforming Loan (<i>Муаммоли кредитлар</i>)
NSFR	Соф барқарор молиялаштириш меъёри (<i>Банк тизимида узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи</i>)
OTP	Бир марталик тасдиқлаш коди
PMI	Глобал иқтисодий фаоллик индекси (<i>Purchasing Managers' Index</i>)
PwC	“PricewaterhouseCoopers” халқаро аудиторлик ташкилоти
ROA	Банк тизими активлар рентабеллиги
SupTech	Марказий банк тизимида самарали ва юқори технологик назорат тизимини
АЖ	Акциядорлик жамияти
АИТБ	Акциядорлик инновация тижорат банки
АТ	Акциядорлик тижорат
АТБ	Акциядорлик тижорат банки
АТИБ	Акциядорлик тижорат ипотека банки
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ДҚҚ	Давлат қимматли қоғозлари
ЕТБ	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
ИНИ	Истеъмол нархлари индекси
ИЧНИ	Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси

КАТМ	“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси” МЧЖ
ҚҚС	Қўшилган қиймат солиғи
МБК	Молиявий барқарорлик кенгаши
МТБ	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар
МУНИС	Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими
МҲХС	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари
МЧЖ	Масъулияти чекланган жамияти
НКТ	Нобанк кредит ташкилотлари
НОК	Нархларни онлайн кузатиш тизими
ОАВ	Оммавий ахборот воситалари
ОПЕК+	Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти
СДР	ХВЖдаги маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар
ФАТФ	Financial Action Task Force on Money Laundering <i>(Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ)</i>
ФЗТ	Федерал резерв тизими
ХАБ	Хусусий акциядорлик банки
ХАТБ	Хусусий акциядорлик тижорат банки
ХВЖ	Халқаро валюта жамғармаси
ХМИ	Халқаро молия институтлари
ХМТ	Халқаро меҳнат ташкилоти
ЮЛА	Юқори ликвидли активлар
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
I. 2024 ЙИЛДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР	14
1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши.....	14
1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар.....	14
1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори	19
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши	25
1.2.1. Глобал иқтисодиётдаги тенденциялар ва кутилмалар	25
1.2.2. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар	32
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар.....	36
1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари	40
II. 2024 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ	46
2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлик ҳолати.....	47
2.1.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси	51
2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар таҳлили.....	56
2.1.3. Банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда қўлланилган пруденциал ва макропруденциал чора-тадбирлар.....	60
2.2. Кредит ва тўлов ташкилотлари инфратузилмаси.....	65
2.2.1. Фаолият юритаётган кредит ва тўлов ташкилотлари	65
2.2.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти	66
2.2.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш	70
2.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятининг самарадорлиги	72
2.4. Кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	84
2.4.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	84
2.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	88
2.4.3. Кредит ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	91
III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ	99
3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш	99
3.1.1. 2024 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили	99
3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар	103
3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари	104
3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	106

3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялари таҳлили	109
3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили	109
3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари.....	112
3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият	116
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили.....	116
3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили	120
3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати	123
3.4.1. Пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати	123
3.4.2. Жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашда коммуникация инструментларидан самарали фойдаланиш	124
IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОFAЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК	128
4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти	128
4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши	132
4.3. Тўлов хизматлари бозорида тўлов ташкилотлари фаолияти.....	137
4.4. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш	139
4.5. Марказий банк тизимида рақамли технологияларини жорий этиш ва фаолиятни рақамлаштириш	141
4.6. Марказий банкда самарали ва юқори технологик назорат тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш	144
V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	146
5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар.....	146
5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши	149
5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар	151
VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ	153
6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш	153
6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш	154
6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	156
6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.....	161
VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	164
7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик	164
7.2. Халқаро рейтинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик	168

VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ	171
8.1. Ташкилий тузилма.....	171
8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш	171
8.3. Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар	172
8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш	174
8.5. Марказий банк фаолиятидаги таҳлил ва тадқиқотлар	175
8.6. Ички аудит ва комплаенс-назорат хизмати фаолияти	177
IX. ИЛОВАЛАР	182

КИРИШ

Марказий банкнинг 2024 йилдаги фаолиятида асосий эътибор:

иқтисодиётда инфляцияга ялпи талаб томондан бўлган босимларни юмшатиш, аҳолининг жамғариш фаоллигини рағбатлантириш ҳамда ўрта муддатли истикболда инфляциянинг белгиланган таргет кўрсаткичига етишини таъминлаш,

банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбуллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва банклар бардошлигини ошириш,

банк хизматлари ва ҳисоб-китоб операцияларига кибертаҳдидларни ва фирибгарликларни олдини олиш мақсадларига йўналтирилди.

Ҳисобот йилининг март-апрель ойларида базавий инфляция пасайиб бориши ҳисобига умумий инфляция даражаси ўзининг сўнгги йиллардаги энг паст кўрсаткичини қайд этган бўлсада, иккинчи чоракда энергия ресурслари нархлари эркинлаштирилиши, тиббий хизматлар ва дори воситаларига қўшилган қиймат солиғи жорий этилиши инфляция даражасини сезиларли ўсишида намоён бўлди.

Иккинчи ярим йилликда умумий инфляция бироз пасаяувчи динамикага ўтиб, йил якунида йиллик **9,8** фоизни ташкил этди ва бунда энергия ресурслари нархлари оширилишининг бирламчи таъсирисиз инфляция даражаси **6,3** фоиз доирасида шаклланди.

Инфляциянинг кутилаётган динамикаси ва инфляцияни оширувчи хатарларнинг камайганлигини инобатга олиб, июль ойида асосий ставка **14** фоиздан **13,5** фоизга пасайтирилди ҳамда йил давомида ушбу даражада ўзгаришсиз сақлаб қолинди.

Асосий ставка даражасининг ўзгаришсиз сақланиб қолиниши ҳамда инфляциянинг октябрь ойдан пасайиб боровчи тенденцияга ўтиши пул бозоридаги реал фоиз ставкаларининг **2,2-5,1** фоиз оралиғида шаклланишига ва иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини таъминланишига хизмат қилди.

2024 йилда Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларига бўлган талаб банкларда тизимли ликвидликнинг кўпайиши фонида ортиб борган бўлса, ликвидликни тақдим этиш операцияларига бўлган талаб нисбатан мувозанатлашиши кузатилди.

Бунда, Марказий банк томонидан 2024 йилда ойлик ўртача 4 трлн сўмлик ликвидлик жалб этиш операциялари амалга оширилиб, ликвидликни тақдим этиш операциялари доирасида эса банкларга ойлик ўртача 1,1 трлн сўмлик ликвидлик тақдим этиб борилди.

2024 йилнинг июнь-декабрь ойларида банк тизимида юзага келган ортиқча ликвидликнинг пул бозоридаги фоиз ставкалари ҳамда инфляция даражасига эҳтимолий босимини юмшатиш мақсадида 17 трлн сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилди.

Пул бозоридаги операциялар ҳажми 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 31 фоизга ошиб, жами 507 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, депозит операциялари ҳажми динамикасида пасаяувчи тенденция давом этиб, жами 25 фоизга қисқарган бўлса, ўз навбатида, РЕПО операциялари ҳажми 3,6 баробарга ошди.

РЕПО операцияларининг пул бозоридаги улуши 54 фоизни ташкил этиб, 2024 йил давомида муомаладаги давлат қимматли қоғозлари ҳажми 2 баробардан зиёдга ошди ва йил якунида 44 трлн сўмга етди.

2024 йилда пул-кредит сиёсати операцион механизмини такомиллаштириб бориш, унинг трансмиссион каналини яхшилаш, банк тизими ликвидлигини самарали бошқариш ва пул бозорида фоиз ставкаларининг тўғри шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш мақсадида ҳар куни асосий ставканинг қуйи чегарасида овернайт депозит операциялари, ҳафтанинг пайшанба кунлари эса асосий ставкада чекланмаган миқдорда депозит аукционлари ўтказиб борилди.

Хорижий валютадаги депозитлар учун шакллантириладиган мажбурий захира талаби 2024 йил 1 июлдан аввалги 18 фоиздан 14 фоизгача пасайтирилди ва ўртачалаш меъёри 80 фоиздан 100 фоизгача оширилди ва мазкур ўзгартиришлар натижасида банкларга **қўшимча 3 трлн сўм ликвидликни тасарруф** этиш имконияти яратилди.

Молия бозори иштирокчиларининг фоиз ставкалари ва макроиктисодий кутилмаларини ўрганиш, қарз мажбуриятлари бўйича муддатлар ва фоиз ставкалари ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида маълумот тақдим этиш ва иқтисодиёт субъектларининг инвестицион қарор қабул қилишига кўмаклашиш мақсадида **Давлат қимматли қоғозлари даромадлилик эгри чизиғини** ҳисоблаш ва эълон қилиш амалиёти жорий этилди.

Қайд этиш жоизки, 2024 йилда банкларнинг тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтиришдаги ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳисобот йилида иқтисодиёт тармоқларига ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун ажратилган кредитлар миқдори 2023 йилга нисбатан 35,8 трлн сўмга ошиб **287,1** трлн сўмни, иқтисодиётдаги умумий кредит қўйилмалари қолдиғи эса 14 фоизга ўсиб, **566,2** трлн сўмни ташкил этди.

Бунда, тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 389,8 трлн сўмни, аҳолига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 176,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан мос равишда 11,8 ҳамда 18,9 фоизга ошди.

Кредитларнинг 26,4 фоизи саноатга, 13,4 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 7,1 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, 2,8 фоизи қурилишга ҳамда 2,5 фоизи транспорт ва коммуникация соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган.

2024 йилда Марказий банкнинг макропруденциал сиёсатида асосий эътибор банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг ликвидлилик ва капитал буферларини шакллантириш орқали юзага келиши мумкин бўлган хатарларларга бардошлилигини ошириш, кредит портфели сифатини яхшилаш, кредитлаш амалиётларидаги мавжуд заифликларни бартараф қилиш, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш масалаларига қаратилди.

Банк тизимида ликвидлик ҳолати таҳлили ва юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик рисклари ва уларнинг банклар молиявий барқарорлигига таъсири юзасидан “асосий” ва “хатарли” сценарийларда стресс-тест ўтказилди.

Банкларнинг кредит портфеллари сифатини яхшилаш, кредитларнинг қайтмаслик хатари олдини олиш мақсадида банклар кредит портфеллари мунтазам равишда банклар, ҳудудлар, соҳалар ва сегментлар кесимидаги таҳлиллар такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, банкларнинг капитал буферларини шакллантириш ҳамда устав капитали миқдорини қонун талаблари доирасида мувофиқлаштириш чоралари кўрилиб, 14 та банкнинг устав капитали миқдори 500 млрд сўмга етказилди.

Таваккалчиликка асосланган банк назорати кучайтирилиб, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмагида Молиявий секторни баҳолаш дастури (*FSAP*) ўтказилди ва банклар фаолиятини назорат қилиш тизими Базель талабларига мувофиқлиги баҳоланди.

Банк тизими фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга йирик таваккалчиликларни бошқариш ва уларнинг эҳтимоллий таъсирини баҳолаб бориш мақсадида банк тизими кредит портфелидаги **ТОП-50** та қарздорларнинг банклар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиш амалиёти жорий этилди.

Назорат тадбирлари доирасида тажриба тариқасида қўлланилган 4 та банклар андозалари асосида 14 та банкларнинг риск-профиллари баҳоланди. Бунда, мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб тижорат банкларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди ва мавжуд заифликларни бартараф қилиш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилмаган банклар ва микромолия ташкилотларига нисбатан улар томонидан кўрсатиладиган айрим операцияларни тўхтатиш ҳамда жарима ундириш каби турли таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Хусусан, валюта, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги, иқтисодий меъёрлар талаблари бажарилмаганлиги ҳолатлари учун 28 та тижорат банклари ҳамда 24 та микромолия ташкилотларидан жами 16,6 млрд сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Ҳисобот йилида, тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талабларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали банкларнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Бунда, мазкур қарз олувчиларга банклар томонидан микромолиялаштириш фаолияти доирасида кўрсатилган хизматлар бўйича **таваккалчилик даражалари** 100 фоиздан 75 фоизгача пасайтирилди.

Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, автокредитлар ва микроқарзларнинг сифат жиҳатдан даврий ўзгариши ўрганилиб, кредитларнинг риск даражасини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган потенциал муаммоли кредитларни аниқлаш чоралари кўриб борилмоқда.

Мазкур ўрганишлар давомида айрим банклар кредит портфелларида жисмоний шахсларга ажратилаётган маълум бир турдаги кредитлар концентрацияси ошиб кетганлигини инобатга олган ҳолда банк тизимида кредит хатарларини олдини олиш, банклар кредит портфеллари таркибини диверсификация қилиш чоралари белгиланди.

Хусусан, аҳолига ажратилаётган микроқарзларнинг концентрацияси юқори бўлган банкларга нисбатан 2025 йил давомида хатарларни олдини олиш бўйича чоралар кўриб борилиши, ушбу кредит маҳсулотидан ортган маблағлар устувор равишда **кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга** йўналтирилиши белгилаб олинди.

Бундан ташқари, капитал монандлигини ҳисоблашда таваккалчилик даражалари жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари ва автокредитлар бўйича қарз юки кўрсаткичи (*DSTI*) ва кредит суммасининг таъминот (*гаров*) суммасига нисбати (*LTV*) асосида, бошқа кредитлар бўйича қарз юки кўрсаткичи (*DSTI*) асосида ўрнатилиши белгиланди.

Қарздорларга йўналтирилган макропруденциал сиёсат воситаларини такомиллаштириш доирасида аҳоли қарз юки даражасининг ошиб кетишини олдини олиш, шунингдек банклар, микромолия ташкилотлари ва ломбардларда кредит хатарларини камайтириш мақсадида қарзга хизмат кўрсатишни даромадга нисбати чеклови 2025 йил 1 январдан бошлаб 50 фоизгача пасайтирилди.

Шунингдек, аҳоли қарз юки билан боғлиқ хатарларнинг ортишини жиловлаш мақсадида истисно тариқасида, банклар томонидан ажратиладиган кредитларга юқорироқ таваккалчилик даражаларини белгилаш амалиёти жорий этилди.

Ҳисобот йилида микромолиялаштириш соҳасини такомиллаштириш ва бунда, тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ҳудудларда молиявий хизматларга бўлган талабни ўз вақтида қондириш борасида зарур чоралар кўриб борилди.

Жумладан, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳаси қабул қилиниб, унда жисмоний шахсларга ажратиладиган микроқарзнинг энг кўп миқдорини 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача оширилди.

2024 йилда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг кўчар активларга асосланган инструментларини ривожлантириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда молиялаштириш операцияларидан фойдаланишнинг янги механизми – **факторинг тизими** жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларига ташриф буюрмаган ҳолда факторинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсадида 2024 йил сентябрь ойидан бошлаб **электрон рақамли факторинг платформалар** фаолияти йўлга қўйилди.

2024 йилда амалга оширилган факторинг хизматлари ҳажми 1,9 трлн сўмга етиб, шундан 1,6 трлн сўми (85%) тижорат банклари ва 0,3 трлн сўми (15%) микромолия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади.

2024 йилда тўлов тизимлари ишлашининг узлуксизлиги ва инфратузилмасини яхшилаш борасидаги фаолиятда асосий эътибор нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтиришга ва бунда, ушбу тизимлар фаолиятига хавф солаётган кибертахдидлар ва фирибгарликларни олдини олишга қаратилди.

Хусусан, банк тизимида тўловлар узлуксизлиги ва тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш вақти узайтирилди.

Бунда, ҳар қандай электрон тўлов ҳужжатларни соат 8-00 дан 17-00 гача, тижорат банклари ўртасидаги пул бозори операцияларига оид электрон тўлов ҳужжатларни 17-00 дан 17-30 гача, Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги пул-кредит операцияларига оид электрон тўлов ҳужжатларини эса 17-00 дан 18-00 гача узатиш жорий этилди.

2025 йил 1 январь ҳолатига Face ID технологиясидан фойдаланадиган тижорат банклари сони 28 тага, тўлов ташкилотлари сони эса 15 тага етган бўлса, банклар ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали рақамли идентификациядан ўтган мижозлар сони 5,4 млн тага ортган ҳолда, ҳисобот йили якунига келиб 12,2 млн тага етди.

Онлайн кредит (*микроқарз*) расмийлаштириш билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида вақтинчалик тартиб ишлаб чиқилди ва унда кредит ташкилотлари томонидан ажратилган онлайн кредит (*микроқарз*)лар фирибгарлар кўлига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида **48 соатгача бўлган вақт давомида қайта тасдиқлаш амалиёти** жорий қилинди.

Мазкур чекловлар ноябрь ойидан бошлаб кучга кирди ва йил якунига қадар 28 138 та ҳолатда ажратилган 304,1 млрд сўм миқдоридаги пул маблағлари мижоз ўз шахсини тасдиқлаш учун қўшимча идентификациядан ўтмаганлиги сабабли кредит ажратиш жараёни тўхтатилди ва маблағлар банк ҳисобига қайтарилди.

Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари бўйича фуқаролардан Марказий банкка келиб тушган мурожаатлар юзасидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида 2024 йил давомида 9,5 млрд сўм миқдоридаги пул маблағлари блокранишига эришилди.

Банк карталари билан боғлиқ шубҳали фрод операцияларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида, Марказий банкда марказлашган антифрод тизими тест-синов тариқасида жорий этилиб, ушбу ахборот тизимида 34 та банк ва 9 та тўлов ташкилоти интеграция қилинди.

2024 йилда Марказий банкнинг рақамли технологиялари инфратузилмаларини ривожлантириш ва фаолиятни рақамлаштириш борасида ҳам муҳим чоралар кўриб борилиб, маълумотлар алмашилишида интеграциялашувни жадаллаштириш, замонавий ва юқори технологик ечимларни татбиқ этиш бўйича муайян лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 апрелдаги “Ташқи савдо операциялари бўйича активлар репатрацияси ва солиқ мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 251-сонли қарорига асосан қўмитанинг **“Е-контракт”** ахборот тизими билан тижорат банклари ахборот тизимлари интеграция қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг **“Масофавий аудит”** автоматлаштирилган ахборот тизими ва Марказий банк ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Марказий банк мутахассислари учун “Matrix BI” тизими харид қилиниб, “Кредит ахборотининг давлат реестри” маълумотлари базасидан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди. Бунда, ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни автоматик равишда шакллантиришни таъминловчи қўшимча дастурий модулар ишлаб чиқилиб, “Matrix BI” дастурига интеграция қилинди ва тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг барча ахборот тизими ва маълумотлар базалари маълумотларини таҳлил қилиш, ҳисоботларни шакллантириш ва дашбордлар яратиш имконини берувчи Qlik Sense бизнес-таҳлилий воситаси орқали амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йилида молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ушбу механизмларни такомиллаштириш ҳамда банкларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича фаолиятини тартибга солиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тижорат банкларида мижозлар мурожаатларини кўриб чиқиш ва улар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш ва банкларнинг бу соҳада масъулиятини ошириш борасидаги тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар такомиллаштирилди.

Мазкур янги қоида ва талабларнинг амалиётга жорий этилиши истеъмолчиларнинг мурожаатлари сифатли ва самарали кўриб чиқирилишига ҳамда мурожаатларни умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида банкда истеъмолчиларнинг эътирозини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ҳисобот йилида, шунингдек, банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳамда молиявий оммабопликни ошириш каби бошқа йўналишларда ҳам муҳим ишлар давом эттирилди.

Ушбу ҳисоботнинг кейинги бўлимларида юқорида келтирилган фаолият йўналишларидан ташқари банк тизимида 2024 йил давомида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Марказий банкка юклатилган вазифалар ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

I. 2024 ЙИЛДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР

1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар


Ҳисобот йилида ҳам иқтисодиётни молиялаштиришда асосий урғу аҳолини барқарор даромад олиш имкониятларини кенгайтириб боришга йўналтирилаётганлиги уй хўжаликларининг истеъмол харажатларини юқори суръатларда ошишида намоён бўлди. Бу эса, ЯИМнинг харажатлар томонидан шаклланишида асосий ҳаракатлантирувчи омил бўлди.

2024 йилда ЯИМ ўсиши 6,5 фоизни ташкил этиб, якуний истеъмол харажатлари ўсиши 2023 йилдаги 5,9 фоиздан 6,4 фоизгача, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари 7 фоиздан 7,5 фоизгача, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши 23,4 фоиздан 27,6 фоизгача тезлашди.

Бунда, 2024 йилда ЯИМ таркибида уй хўжаликлари истеъмолининг улуши 67 фоиз атрофида сақланиб қолиб, ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 2023 йилдаги 4,8 фоиз банддан 5,1 фоиз бандгача кўтарилди.

1.1.1.1-чизма

Харажатлар усулида ҳисобланган ЯИМ компонентларининг ўсишга қўшган ҳиссаси



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Шунингдек, мамлакатда инвестицион фаолликнинг юқори даражада сақланиши ва қулай бизнес муҳитини шакллантиришга қаратилган чоратadbирларнинг амалга оширилиши натижасида 2024 йилда инвестицияларнинг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси 2 фоиз бандни ташкил этди.

2024 йилда импорт суръатларининг қисқариши натижасида ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси **0,6** фоиз бандга тўғри келди (2023 йилда -6,1 фоиз банд).


Давлат харажатларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси барқарор сақланиб қолиб ($\sim 0,1-0,5$ фоиз банд), бу, ўз навбатида, мувозанатли фискал сиёсатнинг амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, 2024 йилда ҳам глобал иқтисодиётда сақланиб қолаётган мураккаб иқтисодий ҳолат ҳамда ташқи молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ортиб бориши ва ташқи ресурсларни жалб этиш бўйича рақобатнинг кучайиши шароитларида, 2024 йилда хусусий инвестициялар ва фискал харажатлар, иқтисодиётга йўналтирилган кредитларни ўсиб бораётганлиги талаб томондан иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлиб қолмоқда.

Ҳисобот йилида иқтисодиётдаги барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори **493,6** трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан реал ҳисобда **27,6** фоизлик ўсиши, марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2023 йилга нисбатан **32,8** фоизга ўсиши (**441,8** трлн сўм) ҳисобига таъминланди.

1.1.1.2-чизма

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзгариши



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

Шунингдек, ҳисобот йилида **марказлашган инвестицияларнинг** жами ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 2023 йилдаги 14 фоиздан 10,5 фоизгача қисқарган бўлса, **марказлашмаган инвестициялар** улуши 86 фоиздан 89,5 фоизгача ошган.

Марказлашган инвестициялар ҳажмининг реал ўсишида секинлашиш кузатилган бўлсада, унинг таркибидаги тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қилинган инвестициялар қарийб **1,6 баробарга** ошган.

Марказлашмаган инвестицияларнинг ўсиши тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг **59** фоизга ошганлиги ҳисобига шакллانган.

2024 йилда глобал иқтисодиётда юқори даражадаги ноаниқликлар сақланиб қолган шароитларда жаҳонда молиявий ресурслар нархларининг ошиши ҳамда ушбу ресурсларнинг асосан **ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига йўналтирилаётганлиги** кузатилди.

Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги хатти-ҳаракатлар, хусусан, давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш белгиланган миқдорий бюджет параметрлари доирасида давом эттирилди.

Натижада, 2024 йилда умумий фискал дефицитнинг ЯИМга нисбати 3,3 фоизни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 11,4 трлн сўмга қисқарган. Ушбу проциклик фискал сиёсат нисбатан қатъий монетар сиёсат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, фискал ва монетар сиёсатлар ўзаро мувофиқлашуви имкониятарини кенгайтди.

Ҳисобот йилида давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатлари 2023 йилга нисбатан 11,3 фоизга ўсиб, 361,1 трлн сўмга етди.

Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатлари таркибида ижтимоий соҳа 42,2 фоизни, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари 10,6 фоизни ҳамда ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастурларига йўналтирилган маблағлар қарийб 8 фоизни ташкил этди.


Юзага келаётган ташқи шокларнинг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган пул-кредит сиёсатининг юритилиши ҳамда макропруденциал сиёсат инструментларининг кенгайтирилиши ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг банклар томонидан кредитлаш имкониятларини оширмоқда.

2024 йилда иқтисодиёт тармоқларига ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун **287,1** трлн сўм (2023 йилга нисбатан 35,8 трлн сўмга кўп) миқдорида кредитлар ажратилди.

Ўз навбатида, иқтисодиётдаги умумий кредит қўйилмалари қолдиғи эса ўтган йилга нисбатан 14 фоизга ўсиб, **566,2** трлн сўмни ташкил этди. Бунда, **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи **389,8** трлн сўмни, **аҳолига** ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи **176,3** трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан мос равишда 11,8 ҳамда 18,9 фоизга ошган.

1.1.1.3-чизма

Ажратилган кредитларнинг иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Кредитларнинг 26,4 фоизи **саноатга**, 13,4 фоизи **савдо ва умумий овқатланишга**, 7,1 фоизи **қишлоқ хўжалигини** ривожлантиришга, 2,8 фоизи **қурилишга** ҳамда 2,5 фоизи **транспорт ва коммуникация** соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган.

2024 йилда **аҳолига** 104,7 трлн сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, ушбу кредит маблағларининг 43,8 фоизини **микроқарз**, 17,7 фоизини **истеъмол кредити**, 16,6 фоизини **микрокредитлар**, 16,3 фоизини **ипотека** кредитлари ташкил этди.

Ҳисобот йилида ҳам аҳоли даромадларини кўпайтириш ва бу орқали иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий фаолликни оширишга қаратилган давлат дастурлари давом эттирилди.

2024 йилда аҳоли умумий даромадлари 2023 йилга нисбатан реал ҳисобда **8,1** фоизга ошиб, **896,3** трлн сўмни ташкил этди.


Мазкур ўсиш асосан иқтисодиётда ўртача реал иш ҳақи миқдорининг 7 фоизга, пенсия ва нафақалар номинал миқдорининг **15** фоизга, трансфертлар ҳамда меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг мос равишда **1,1** ҳамда **1,2** баробарга, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг¹ **1,4** баробарга ошиши ҳисобига шаклланди.

¹ Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган, уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган ўз уйида яшаи хизматларининг шартли ҳисобланган қиймати киради. Ўзбекистонда бу хизмат ҳажми фойдаланувчиларнинг харажатлари усулида баҳоланади, яъни уй эгалари ўз уйлари ижарага беришлари керак бўлганда, бозор баҳоларидаги ижара нархини белгилаш учун тегишли харажатлар элементлари ҳисобга олинади.


1.1.1.4-чизма

1.1.1.5-чизма

Аҳоли даромадларининг шаклланиш манбалари улуши



Аҳоли даромадлари ўсишига манбаларнинг қўшган ҳиссаси



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар улуши **60** фоиздан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ўз навбатида, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 26 фоизга тўғри келиб, таркибида асосий қисмни халқаро пул ўтказмалари ташкил этади.

Меҳнат миграцияси географияси таркибида юқори даромадли давлатлар улушининг ортиши ҳисобига 2024 йилда халқаро пул ўтказмалари ўтган йилга нисбатан **30** фоизга ёки 3,4 млрд долларга ортиб, **14,8** млрд долларни ташкил қилди.

2024 йилда меҳнат фаолиятдан олинган даромадларининг аҳоли умумий даромадлари ўсишига қўшган ҳиссаси 2023 йилга нисбатан 5,4 ф.б.дан **4,4** ф.б.га пасайди. Ҳисобот йилида аҳоли даромадларининг ўсиши асосан доимий бўлмаган манбалар – ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар (+1,8 ф.б.) ва трансфертлар (+1,0 ф.б.) ҳисобига таъминланди².

Қайд этиш жоизки, юқори иқтисодий фаоллик ҳамда ишчи кучи унумдорлиги нисбатан паст бўлган шароитларда иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар аҳоли даромадларининг ошиши ялпи талабни рағбатлантирувчи омиллардан бири бўлиб, ўз навбатида, инфляцион босимни яратмоқда.

² Ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг умумий даромадлар ўсишига қўшган ҳиссасининг ошиши эҳтимолан статистик ўзгаришлар ҳамда ҳисоб-китобларда яширин иқтисодиётни инобатга олиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.


1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори

2024 йилда тадбиркорлик фаолиятини узлуксиз қўллаб-қувватлаш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган давлат сиёсати давом эттирилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, иқтисодиётни рақамлаштириш ҳамда жозибador инвестицион муҳитни шакллантириш шароитларини кучайтириб, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари тезлашишига имкон яратди.

Юқори инвестицион фаоллик ҳамда ялпи талабнинг ошиб бориши натижасида иқтисодий ўсиш 2023 йилдаги 6,3 фоиздан **6,5** фоизгача тезлашишган ҳолда 2024 йилда ЯИМнинг номинал қиймати **1 454,4** трлн сўмни ташкил қилди.

1.1.2.1-чизма

Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

2024 йилда ЯИМнинг **6,5** фоизлик ўсишига **хизматлар соҳаси** – **3,4** фоиз, **саноат тармоғи** – **1,6** фоиз, **қурилиш** – **0,6** фоиз ва **қишлоқ хўжалиги** – **0,6** фоиз ҳисса қўшди. Бунда, хизматлар соҳаси ва саноат тармоғининг қўшган ҳиссасида 2023 йилга нисбатан ўсиш кузатилган бўлса, қишлоқ хўжалиги ҳиссасида қисқариш кузатилди.


Иқтисодиёт тармоқларидан **хизматлар соҳаси (+7,7%)** ва **саноат тармоғида (+6,8%)** юқори ўсиш кузатилиб, 2024 йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий тармоқлардан бўлди. Шунингдек, **қурилиш** ишлари ҳажми **8,8** фоизга ҳамда **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотларини етиштириш **3,0** фоизга ўсди.

Хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши ва аҳоли реал даромадларининг юқори ўсиши натижасида юзага келган ички талаб **ишлаб чиқариш** тармоғида ўсиш суръатларини тезлашишига шароит яратди.

Саноат асосий тармоқлари – **ишлаб чиқариш** тармоғида ўсиш суръатлари 2023 йилдаги 6,7 фоиздан **7,7** фоизгача, **тоғ-кон саноати** 1 фоиздан **1,9** фоизгача ҳамда **сув билан таъминлаш ва канализация тизими** 1 фоиздан **5,5** фоизгача тезлашган бўлса, **электр, газ ва буғ билан таъминлаш** тармоғи 9,7 фоиздан **5,3** фоизгача секинлашди.

1.1.2.2-чизма

Ишлаб чиқариш саноатида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

Тоғ-кон саноати ўсиш суръатлари тезлашган бўлишига қарамасдан, унинг таркибидаги **нефть** қазиб олиш **-8,5** фоиз ва **табiiй газ** қазиб олиш **-4,5** фоизга қисқарди. Шунингдек мазкур тармоқ таркибидаги **кўмир** (+26,3%) ҳамда **газ конденцати** (+1,4%) қазиб олиш соҳаларида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолган ҳолда 2023 йилга нисбатан тезлашди.

Мазкур ҳолат юқори иқтисодий фаоллик ва ўсиб бораётган ялпи талаб натижасида энергия манбаалари импортига бўлган юқори талаб сақланиб қолишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига шароит яратди.

Ишлаб чиқариш саноати таркибида тармоқларнинг ўсиш суръатлари **тўқимачилик** маҳсулотларида **11,1** фоизгача, **кимё** маҳсулотларида **3,4** фоизгача ҳамда **бошқа нometалл минерал маҳсулотлари**да **18** фоизгача тезлашди.

Шунингдек, ўсиш суръатлари **озиқ-овқат** маҳсулотларида 2024 йилдаги 6,2 фоиздан **4,5** фоизгача, **электр ускуналар**да 14,8 фоиздан **4,5** фоизгача ҳамда **автотранспорт воситалари**да 13,8 фоиздан **4,5** фоизгача секинлашган бўлса, **ичимликлар** 1 фоизгача ва **фармацевтика** маҳсулотлари **7,5** фоизгача қисқарди.

Бундан ташқари, **металлургия** саноати (+6,3%) ва **кийим** ишлаб чиқариш (+9,4%) тармоқларида юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди.

Қурилиш секторида иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш материалларига бўлган талабнинг ўсиб бориши **бошқа нometал минерал маҳсулотлар**нинг ишлаб чиқариш ҳажмиини юқори ўсишига олиб келди.

Шунингдек, **кимё маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажмини тезлашиши бу турдаги маҳсулотларга ташқи бозорларда талабнинг ошиши, энергетика маҳсулотлари импортини юқори ўсиши ҳамда ички талабнинг барқарор ўсиб борганлиги билан изоҳланади.


Кўрсатилаётган хизматларнинг оммабоплиги ошиб бориши ҳамда аҳоли даромадларининг юқори суръатларда ўсиши бозор хизматларига талабни оширган ҳолда бу тармоқдаги юқори ўсишга иқтисодий шароит яратди.

Ахборот ва алоқа (+25,8%), **молиявий хизматлар** (+20,6%), **транспорт хизматлари** (+8,6%) ва **савдода** (+11,8%) юқори ўсиш қайд этилиб, мазкур тармоқлар хизматлар соҳаси умумий ўсишининг тезлашишига хизмат қилувчи асосий соҳалардан бўлди.

2024 йилда **яшаш ва овқатланиш** хизматлари ўсиши 13,5 фоиздан **10,6** фоизгача, **таълим** хизматлари ўсиши 23,1 фоиздан **13,4** фоизгача ҳамда **тиббиёт** хизматлари ўсиши 12,3 фоиздан **9,4** фоизгача секинлашди.

1.1.2.3-чизма

Хизматлар соҳасида асосий турлар бўйича хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўзгариши



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

Таълим хизматларидаги секинлашишини, бир томондан, янги хусусий олий таълим муассасаларини очиш талабларининг қатъийлаштирилиши, бошқа томондан, хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларининг кенгайиши билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, хизматлар соҳаси таркибида **кўчмас мулк** билан боғлиқ хизматлар (+0,7 ф.б.) ва **ижара** хизматлари (+3,1 ф.б.) кўрсатиш ҳажмлари ўсиши тезлашди.

Иқтисодиётни рақамлаштиришга қаратилган тадбирлар, рақамли давлат хизматлари қўламини кенгайтириб бориши ҳамда ёшларни ИТ соҳасидаги фаолияти фаол қўллаб-қувватланиши **ахборот ва алоқа** хизматларида юқори ўсишни қайд этилишига сабаб бўлган ҳолда, бу турадги хизматлар кўрсатиш ҳажмлари ўсиши тезлашди.

Банк тизимида рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда рақамли банк хизматлари қўламларини кенгайтиришга қаратилган чоралар ҳам **молиявий хизматлар** кўрсатиш соҳасида юқори ўсиш суръатларини сақланиб қолинишига хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи таркибида **деҳқончилик** маҳсулотларини етиштиришнинг ўсиш суръати 2023 йилдаги 4,3 фоиздан **2,2** фоизгача секинлашган бўлса, **чорвачилик** маҳсулотларини етиштиришнинг ўсиш суръатлари 2023 йилдаги 3,7 фоиздан **4** фоизгача тезлашди.

Деҳқончилик маҳсулотлари таркибида **донли экинлар** етиштириш 2023 йилдаги 5,8 фоиздан **4,8** фоизгача, **полиэ экинлари** етиштириш 2023 йилдаги 5,5 фоиздан **5,1** фоизгача секинлашган бўлса, **картошка** (+4,0%), **сабзавотлар** (+3,8%), **мевалар** (+4,8%) ҳамда **узум** (+5,4%) етиштириш ҳажмлари ўсиши ўтган йилга нисбатан юқори даражаларда бўлди.

Чорвачилик маҳсулотлари таркибида **мол ва парранда гўштини** етиштиришнинг (+3,9%) ўсиш суръатлари ўзгаришсиз барқарор ҳолда сақланиб қолган бўлса, **тухум** етиштириш ҳажмининг ўсиш суръати 2023 йилдаги 4,4 фоиздан **3,7** фоизгача секинлашган. Шунингдек, бу тармоқдаги **сут** маҳсулотларини етиштириш 2,9 фоиздан **4** фоизгача ошган.

Иқлим ўзгаришларига қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи корхоналарнинг мослашиш жараёнларида юзага келаётган қийинчиликлар, деҳқончилик учун сув захираларининг етишмаслиги ҳамда ноқулай об-ҳаво шароитларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятига салбий таъсири, бир томондан, тармоқда ўсиш суръатларини секинлаштираётган бўлса, бошқа томондан, ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишига туртки бермоқда ва барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинишига замин бўлмоқда.


1-ҳавола

Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳолати

Хукумат томонидан яширин иқтисодиётга қарши амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда унинг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, кузатилмайдиган иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилдаги 45,1 фоиздан 2024 йилда **34,8** фоизгача қисқарди (*-10,3 ф.б.*).

1-чизма.

2017-2024 йилларда Ўзбекистонда кузатилмайдиган иқтисодиёт ўзгариши динамикаси (ЯИМдаги улуши)



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлар учун расмий секторда фаолият юритиш тобора жозибадор ва даромадлироқ бўлиб бораётгани ҳамда норасмий фаолият юритиш имкониятларнинг чекланаётганлиги ҳисобига норасмий иқтисодиёт улуши ҳам мос равишда 37,8 фоиздан **26,4** фоизга (*-11,4 ф.б.*) пасайган. Энг катта қисқариш саноат (*17,1 фоиздан 5,1 фоизга*) ва қурилиш (*41,1 фоиздан 31,3 фоизга*) соҳаларида кузатилди.

Бироқ, мазкур даврда хизматлар соҳасида яширин иқтисодиёт улуши 13,9 фоиздан **15** фоизга ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса норасмий иқтисодиёт юқори даражада сақланиб қолмоқда (*63,6%*). Бу яширин иқтисодиётга қарши кураш усуллари янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тизимли чора-тадбирларни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари тезлашган бўлиб, тармоқ таркибида юқори ўсиш **фуқаролик объектлари** қурилиши йўналишида (*+24,7%*) кузатилди. Шунингдек, тармоқ таркибидаги **бино ва иншоотлар** қурилиши ҳажмлари **5,5** фоизга ҳамда **ихтисослаштирилган қурилиш ишлари** ҳажми эса **6,4** фоизга ўсди.

Қурилиш ишларининг **23,5** фоизи **йирик қурилиш ташкилотлари** томонидан ҳамда **46,2** фоизи **кичик корхона ва микрофирмалар** томонидан амалга оширилган. Йирик корхоналар томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми **19,9** фоизга ҳамда кичик корхоналар томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми **5,6** фоизга ошди.


Қурилиш соҳасида юқори инвестицион фаоллик, шаффофликка қаратилган чора-тадбирлар, инфратузилмани яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширилиши ҳамда аҳолига ажратиладиган кредитлар ҳажмларининг ошиб бориши юқори ўсиш суръатларини қайд этилишига хизмат қилди.

2024 йил давомида шаклланган юқори иқтисодий фаоллик савдо ҳажмларининг барқарор ўсишида ҳам намаён бўлди. 2024 йилда **чакана савдо** ҳажмининг ўсиш сураъти 9,1 фоиздан **9,9** фоизгача тезлашган бўлса, **улгуржи савдо** ҳажми 2023 йилга нисбатан **11,4** фоизга ошди.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда умумий омил самарадорлигининг³ (УОС) пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2024 йилда УОС ўсиш суръатлари манфий бўлиб, **-1,1** фоизни ташкил қилди (2023 йилда +0,1%).


1.1.2.4-чизма

ЯИМга ишлаб чиқариш омилларининг қўшган ҳиссаси



1.1.2.5-чизма

Умумий омил самарадорлиги ўзгариши



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари, Марказий банк ҳисоб китоблари

Капиталга киритилаётган инвестициялар УОС пасайишини қисман копламоқда. Жумладан, капиталнинг ЯИМга қўшган ҳиссаси 2023 йилдаги 5,1 фоиз банддан 2024 йилда **6,8** фоиз бандгача ошди. Бир томондан, капиталга йўналтирилган инвестициялар ўсиб бораётган бўлса-да, УОСнинг пасайиши молиялаштирилаётган инвестиция лойиҳаларини самарадорлик даражаси билан изоҳланиши мумкин.

2017-2024 йилларда меҳнат кучининг иқтисодиётга қўшаётган ҳиссаси барқарор **1** фоиз банд атрофида шаклланиб келмоқда.

³ Умумий омил самарадорлиги (TFP – Total Factor Productivity) иқтисодиётда мавжуд ресурслар (капитал ва меҳнат)дан қанчалик самарали фойдаланилаётганини ифодалувчи кўрсаткич ҳисобланади. Ўзбекистонда капитал ва меҳнат ресурсларининг иқтисодиётга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш мақсадида Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланилган.

1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

1.2.1. Глобал иқтисодиётдаги тенденциялар ва кутилмалар

Ҳисобот йилида глобал иқтисодиёт ўзининг янги феноменлари – жаҳон иқтисодиёти ва молия бозорларида деглобализация, қарз даражасининг ўсиши, рақамлаштириш ва демографик ўзгаришлар таъсирида шаклланиши кузатилди.

Иқтисодий ўсиш. 2024 йилда глобал ЯИМ ўсиш суръатлари хизматлар соҳасига бўлган талабнинг барқарор сақланиб қолиши, дезинфляцион жараёнларининг давом этиши, янги йўналишлардаги (*яшил иқтисодиёт*) инвестицион фаолликнинг ошиши ва жаҳон савдосининг тикланиши ҳисобига таъминланди.

Глобал иқтисодий фаолликни акс эттирувчи РМІ индекси хизмат кўрсатиш соҳасида фаолликнинг юқори сақланиб қолиши ҳисобига ўртача **52,5** ни ташкил этди (*2023 йилда 51,7*). Хусусан, **хизматлар** соҳасида мазкур индекс қиймати 2024 йилда ўртача **53,1** га тўғри келган бўлса, **ишлаб чиқариш** соҳасида юқори ўзгарувчанлик кузатилганига қарамай кўрсаткич **50** атрофида шакллانган⁴.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотига кўра, 2024 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2023 йил даражаси атрофида шаклланиб, **3,2** фоизни ташкил этган. **Ривожланаётган** мамлакатларда иқтисодий ўсиш 2023 йилдаги 4,4 фоиздан **4,2** фоизгача секинлашган бўлса, **ривожланган** иқтисодиётларда мазкур кўрсаткич **1,7** фоиз даражасида сақланиб қолган⁵.

Шу билан бирга, 2024 йилда **глобал иқтисодий кутилмаларда** оптимистик динамика сақланиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилдаги 2,1 дан **2,6** га ошди. Хитойда ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз қолиб, **4,5** ни ташкил этган бўлса, АҚШда эса сезиларли ўсиши кузатилиб, индекс 1,3 дан **2,1** га кўтарилди. Европа Иттифоқида тикланиш суст кечаётгани сабабли, индекс 0,6 дан **1,0** га ошиб, ўртача ўсиш тенденциясини намоён этди⁶.

Халқаро экспертларнинг прогнозларига кўра, 2025 ва 2026 йилларда глобал ЯИМ ўсиши **3,3** фоизни ташкил этади.

⁴ РМІ индексининг қиймати 50 дан юқори бўлганида ишбилармонлик фаоллигининг яхшиланиб боришини, 50 дан паст даражада шаклланганда эса иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувини акс эттиради.

⁵ International Monetary Fund. 2025. World Economic Outlook – Global Growth: Divergent and Uncertain. Washington, DC. January.

⁶ Иқтисодий кутилмалар индекси (*ММ Economic Expectations Index*) бир нечта мамлакат учун ЯИМ ўсишига оид баҳолар ўзгаришини акс эттиради. Ушбу индекс Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда етакчи таҳлилий марказлар томонидан тақдим этиладиган ЯИМ прогнозларининг ўртача тортилган кўрсаткичи ҳисобланади. Индекснинг ўсиши бозорнинг кейинги 12 ой ичида иқтисодиётга нисбатан оптимистик муносабатда эканлигини билдиради.

2-ҳавола

Глобал иқтисодиётнинг постпандемик ривожланиш циклининг якунланиши – янги босқич бошланиши

Халқаро молия институтлари, хусусан ХВЖ жаҳон иқтисодиётининг **постпандемик цикли** якунланганини ва янги босқич – йирик иқтисодиётлар ўртасидаги тафовутнинг кучайиш даври бошланганини таъкидламоқда.


Шу билан бирга, глобал ЯИМ 2024 йил ва келгуси йилларда ўз потенциали доирасида шаклланиши кутилмоқда, глобал инфляция динамикаси эса пандемиядан олдинги трендига қайтди.

Янги циклнинг асосий хусусияти – дунёнинг йирик иқтисодиётлари орасида, хусусан, АҚШ, Европа ва Хитойда иқтисодий ўсиш ва инфляция динамикалари турли йўналишларда шаклланаётганлиги билан характерланади⁷.

Хусусан, 2023–2024 йилларда АҚШда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача **2,8** фоизни ташкил этган бўлса, Европада эса ушбу кўрсаткич атиги **0,6** фоиз бўлиб, бу асосан Германия иқтисодиётининг икки йил кетма-кет қисқариши билан боғлиқ.


1-чизма

Глобал ЯИМ ўсиш суръатлари




2-чизма

Глобал инфляция



3-чизма

Йирик иқтисодиётларнинг ЯИМ потенциал ўсиши



Манба: ХВЖ

Иқтисодий ривожланишдаги циклик тафовут вақт ўтиши билан йўқолиб бориши, бироқ таркибий фарқлар ҳисобига узоқ муддатли тафовут сақланиб қолиши тахмин қилинмоқда.

АҚШдаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг, айниқса технологик тармоқларда, ошиши, бизнес муҳити ва ривожланган капитал бозорлари ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция оқимларининг кучайишига ҳамда АҚШ долларининг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, Еврозона ва Хитой иқтисодий ўсишининг секинлашиши ва паст инфляция хавфи билан дуч келаётган бир пайтда, АҚШ учун асосий таҳдид – инфляциянинг тезлашиши ҳисобланмоқда.

Бу хавф, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун долларнинг курс тебранишлари туфайли **инфляцион босимнинг кучайиши** ва Хитойда ички талабнинг сусайиши натижасида **иқтисодий ўсишнинг секинлашиши** орқали сезилиши мумкин.

⁷ Gourinchas Pierre-Olivier, *As One Cycle Ends, Another Begins Amid Growing Divergence*. January 17, 2025, IMF

Халқаро савдо. 2024 йилда глобал товар ва хизматлар савдоси 2,7 фоизга ошди. 2024 йилнинг иккинчи ярмида савдо суръатлари тезлашди, бу савдодаги мавжуд хавфлар – АҚШдаги юк ташиш ва сақлаш хабларида иш ташлашлар ва тарифлар сиёсатининг қатъийлаштирилиши – сабабли товарлар захираларини шакллантирилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин⁸.

Савдо суръатларининг жонланиши фонида сув орқали етказиб бериш нархлари ошиб бориши (*пандемия давридаги даражалардан паст даражада бўлсада*) кузатилди. Хусусан, 40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи 2023 йил якунидаги 2,7 минг доллардан ҳисобот йили якунида 3,9 минг долларгача ёки қарийб **1,5 баробарга** ошди.


Давом этаётган деглобализация ва фрагментация жараёнлари фонида, 2024 йилда янги савдо чекловлари сони 2010–2019 йиллар давридаги ўртача кўрсаткичдан **5 баробарга** ошди. Айниқса, “Ғарб” ва “Шарқ” позицияларидаги давлатларда бу чекловлар 2015 йилдан бери **5 баробарга**, нейтрал мамлакатларда эса **2 баробарга** кўпайган.

Шунингдек, глобал савдо сиёсати ноаниқлик индекси 2000–2009 йилларда ўртача 30 ни ташкил этган бўлса, 2020–2024 йилларда **2,3 баробарга** ошиб, 70 га етган.

Шу билан бирга, 2025 йилда жаҳон савдоси ҳажмларининг ўртача 3,1 фоизга ўсиши кутилмоқда, бироқ бу пандемиядан олдинги 4,5 фоизлик ўртача кўрсаткичдан пастроқ бўлиб, асосан (*Еврозона, Япония ва Хитойдан ташқари*) ривожланаётган иқтисодиётлар ҳисобига таъминланади.

1.2.1.1-чизма

40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи, ҳафталик динамика



Манба: Drewry.co.uk

1.2.1.2-чизма

Глобал савдо шароитларига таъсир қилувчи чоралар сони



Манба: Global Trade Alert, Жаҳон банки

⁸ World Bank. 2025. Global Economic Prospects, January 2025. Washington, DC: World Bank

Жаҳон хомашё бозорларидаги ҳолат. Ҳисобот йилида жаҳон бозорида хомашё товарлари нархлари савдо шароитларини қатъийлашуви, Европа ва Осиёда ишлаб чиқариш фаоллигининг секинлашиши, геосиёсий омиллар ва спекулятив кутилмалар таъсирида шаклланиб, умумий ҳисобда **2,7** фоизга пасайди.


Хусусан, ўғитлар нархи 2023 йилга нисбатан **23,4** фоизга (2023 йилда -34,9%), энергия манбалари **5,1** фоизга (-29,9%), бошқли дон маҳсулотлари **15,2** фоизга (-11,5%) **пасайган** бўлса, қимматбаҳо металллар **22,3** фоизга (+7,7%) ва асосий металллар **4,7** фоизга (-11,0%) **ошиши** кузатилган.

2024 йилда нефть таъминотининг ортиши ва талабнинг секин ўсиши геосиёсий хавфларни юмшатиб, нефть (*Brent маркаси*) нархи ўртача **80,7** доллар атрофида шаклланишига шароит яратди (2023 йилга нисбатан -2,3%). 2025 йилда ОПЕК+ га аъзо бўлмаган давлатлар томонидан нефть казиб олиш ҳажмининг оширилиши ва глобал талабнинг пасайиши ҳисобига нефть нархи **72** доллар, 2026 йилда эса **71** доллар бўлиши прогноз қилинмоқда.

2024 йилда Европада ер ости газ омборларининг юқори даражада тўлдирилганлиги, нисбатан илиқ об-ҳаво шароитлари ҳамда газга бўлган талабнинг сунъий равишда чекланиши ҳисобига **табиий газ** ўртача нархи 16 фоизга қисқариб, 1 ммБиБ учун **6,6** долларни ташкил этди. 2025 йилда газ нархлари юқори талаб ҳамда етказиб бериш қисқариши ҳисобига 11 фоизга ошиши, бироқ 2026 йилда суюлтирилган табиий газ таклифининг кўпайиши билан 8 фоизга пасайиши прогноз қилинмоқда.


1.2.1.3-чизма

2020-2023 йилларда асосий хомашё товарлари нархларининг ўзгариши, 2010 йил базавий йил



1.2.1.4-чизма

2024 йилларда асосий хомашё товарлари ўртача нархларининг ўзгариши



Манба: Жаҳон банки маълумотлари

2024 йилда алюминий ва мис таклифи чеклангани сабабли **металл нархлари 4,7** фоизга, олтинга хусусий ва давлат талаби юқори бўлгани туфайли **қимматбаҳо металллар 22,3** фоизга қимматлади. 2025-2026 йилларда асосий металллар нархлари барқарор сақланиб қолиши кутилмоқда.

2024 йилда ҳосилдорликнинг юқори даражада шаклланиши ҳисобига **озик-овқат нархлари 7,6** фоизга пасайди. 2025 йилда кўшимча **5** фоизга тушиши, 2026 йилда эса барқарорлашиши кутилмоқда. Бироқ, экстремал об-ҳаво шароитлари нархларнинг ошишига сабаб бўлиши мумкин бўлган асосий хавфлар орасида таъкидланмоқда.


Глобал инфляция. Хомашё нархларининг пасайиши ҳамда олдинги даврда олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсатининг кечиккан таъсири ҳисобига глобал инфляция даражаси босқичма-босқич секинлашишда давом этмоқда.

Хусусан, **глобал инфляция** суръатлари ҳисобот йилида 2023 йилдаги 6,7 фоиздан **5,7** фоизгача секинлашиб, ривожланган мамлакатларда **2,6** фоизни, ривожланаётган мамлакатларда **7,8** фоизни ташкил этган. Шунингдек, глобал инфляция 2025 йилда 4,2 фоизга, 2026 йилда 3,5 фоизгача секинлашиши кутилмоқда.

Инфляция даражаси аксар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мақсадли кўрсаткичларга (*таргет*) яқинлашиб, инфляция даражаси мақсадли кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар улуши камайиб бормоқда. Жумладан, 2024 йилда таргетга эришмаган давлатлар улуши **45** фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич **30** фоизга тушиши прогноз қилинмоқда.

1.2.1.5-чизма


**Глобал пул-кредит
сиёсати индекси**



Манба: Global Monetary Policy Tracker

1.2.1.6-чизма

**Асосий ставкани оширган
Марказий банклар улуши**



Манба: MacroMicro

1.2.1.7-чизма

**Инфляцияси таргетдан
юқори бўлган мамлакатлар
улуши,**



Манба: Жаҳон банки

2024 йилда глобал пул-кредит сиёсатининг юмшатиш фазаси давом эттирилиб, глобал пул-кредит индекси қиймати йил бошидаги -0,4 дан йил якунида **-8,5** гача пастлади⁹ ва мазкур тенденция 2025 йилнинг биринчи ярмида ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Шу билан бирга, ҳисобот йилида Марказий банклар томонидан асосий ставкаларини пасайтириш жараёнлари фаоллашиб, 2024 йил январда 36 фоиз марказий банклар пасайтирган бўлса, декабрь ойида бу кўрсаткич **69,3** фоизга етди.

3-ҳавола

Норасмий сектор: глобал миқёсидаги тенденциялар

Анъанавий қарашларга кўра, иқтисодиёт ривожланган сари расмий секторда иш ўринлари ва имкониятлар кўпайиб бориши ҳисобига норасмий секторнинг қисқариши кузатилади. Бироқ, 146 та мамлакатнинг сўнгги 20 йиллик маълумотлари асосида амалга оширилган янги тадқиқот бу қарашни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.


Мазкур тадқиқотнинг биринчи хулосасига кўра, иқтисодий ўсиш ҳар доим ҳам норасмий иқтисодиёт улушининг камайишига олиб келмайди. Аксарият паст даромадли давлатларда иқтисодий ўсиш даврида норасмий сектор қисқармасдан, аксинча, кенгайиб борган. Яъни, ушбу ҳолатда норасмий фаолият расмий сектор билан узвий боғлиқ бўлиб, у билан бирга ривожланади.

Хусусан, сўнгги 20 йилда норасмий секторнинг ривожланиши мамлакатларга қараб фарқ қилди. Хитой ва Туркияда у изчил равишда қисқарган бўлса, Ҳиндистонда аксинча, ошиб борган. Грецияда 2010 йилгача пасайиб, кейин қайта ўсган ва 2017 йилдан буён яна камая бошлаган.

Шунингдек, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам турли хил ўзгаришларни намоён этган: Хитой ва Туркияда жон бошига ЯИМнинг ўсиши норасмий сектор қисқаришига олиб келган бўлса, Греция ва Италияда эса норасмий секторнинг камайиши иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши билан боғлиқ бўлган (*норасмий иқтисодиёт улуши Хитой ва Туркияга нисбатан аввалдан кичик бўлган*).

1-чизма

Норасмий иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улуши



⁹ Глобал пул-кредит индекси 0 дан катта бўлганда марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсати қатийлаштирилиши, 0 дан кичик – юмшатилишини англатади.

Иккинчи хулосага кўра, 2010 йиллардан кейин глобал миқёсда норасмий сектор қисқариш суръатлари тўхтаб, сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсишга қарамай, аксинча, уларнинг улуши ортиб бормоқда.

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйича норасмий иқтисодиётнинг ўртача улуши 2013 йилдаги 33 фоиздан **34** фоизга ортган. Паст даромадли мамлакатларда охириги 10 йил ичида бу кўрсаткич 50 фоиздан **60** фоизга яқинлашган, аксинча, ривожланган мамлакатларда у деярли икки баробарга камайиб, **10** фоиз атрофида шаклланган. Ривожланаётган давлатларда эса норасмий сектор улуши ўзгармасдан 33–34 фоиз даражасида сақланиб қолмоқда, бу эса ўртача жаҳон кўрсаткичига мос келади.

Yao, J. (2024). Unveiling the Informal Economy: An Augmented Factor Model Approach (No. 2024/110). International Monetary Fund.

Давлат қарзи. ЮНКТАДнинг ҳисоб-китобларига кўра, глобал давлат қарзи 2023 йилда **97** трлн долларга (*2022 йилга нисбатан +5,6 трлн доллар*) етди. Ривожланаётган мамлакатлар ривожланганларга нисбатан икки баробар тезроқ қарз юкини ошириб бормоқда ва ҳозирда уларнинг умумий қарзи ҳажми **29** трлн доллар ёки глобал қарзнинг **30** фоизини ташкил этмоқда¹⁰.

Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳануз юқори даражада сақлаб қолиниб, 2022 йилда мазкур харажатлар **365** млрд долларга етди. Шу билан бирга, кўплаб мамлакатлар янги кредитларни жалб қилишдан кўра, мавжуд қарзлар бўйича кўпроқ тўловларни амалга оширмоқда. Жумладан 2022 йилда 49 млрд долларлик соф капитал чиқими кузатилган.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар АҚШга нисбатан 2-4 баробар, Германияга нисбатан эса 6-12 баробар қимматроқ (*юқори ставкада*) қарзлар жалб қилмоқда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзининг **61** фоизи **хусусий кредиторлар** ҳиссасига тўғри келмоқда, бу эса уни реструктуризациясини қийинлаштиришини англатади.

Ўз навбатида, қарз юкининг ўсиши ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 46 та мамлакатда қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари соғлиқни сақлаш ҳамда таълим харажатларидан ошиб, бу эса ижтимоий тенгсизликни кучайтирмоқда.

Халқаро молиявий ёрдам таркиби ҳам ўзгармоқда. 2022 йилда молиявий кўмакларнинг умумий ҳажми 164 млрд долларни ташкил этган бўлсада, бунда **ёрдам грантлардан кўра кўпроқ кредитлар шаклида** тақдим этилмоқда. Жумладан, қарзлар улуши 2012 йилдаги 28 фоиздан 2022 йилда 34 фоизга ошди, шу билан бирга, қарзларни кечиш ва реструктуризация учун ажратилган маблағлар 14 баробарга камайиб, 4,1 млрд доллардан 300 млн долларга тушган.

¹⁰ UNCTAD (2024). A World of Debt 2024: A Growing Burden to Global Prosperity. United Nations Conference on Trade and Development.

1.2.2. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар

2024 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатларида ички иқтисодий трансформацион жараёнларнинг давом этиши кузатилиб, иқтисодий ўсиш суръатларида 2023 йилга нисбатан секинлашиш динамикасига қарамасдан иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинди.

2024 йилда **Россия** иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш суръати 2023 йилдаги 3,6 фоиздан **3,8** фоизгача тезлашди. Бунда, бир томондан, давлат инвестициялари, жумладан, муҳофаа соҳасидаги инвестициялар иқтисодий фаолликни рағбатлантириб, ички талабни юқори даражада сақлаб қолган бўлса, бошқа томондан, ишсизлик даражасини паст даражада (2,6%) шаклланиши аҳоли даромадларининг ўсиши ва натижада, истеъмол бозорининг кенгайишига хизмат қилди.

Бундан ташқари, қайта ишлаш саноати ва машинасозлик соҳаларига йўналтирилган йирик сармоялар ва буюртмалар ишлаб чиқариш қувватларини ошириб, технологик ривожланишни тезлаштирди.

4-ҳавола

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлар билан савдо айланмаси

2024 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси қарийб **66** млрд долларга етиб, 2023 йилга нисбатан 3,3 фоизга ошди. Бунда, товар ва хизматлар экспорти ҳажми **27** млрд долларни (+8,4%), импорт ҳажми эса **39** млрд (+0,8%) долларни ташкил этди.

Асосий савдо айланмаси Хитой (18,9%), Россия (17,6%), Қозоғистон (6,5%) ва Туркия давлатлари (4,5%) ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг умумий савдо айланмасидаги улуши **47,5** фоизни ташкил қилди (2023 йилда 49,8%).

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари билан 2023-2024 йиллардаги савдо айланмаси



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари


Ҳисобот йилида Хитой билан савдо айланмаси **12,5** млрд долларни (-9,7%), Россия – **11,6** млрд долларни (+14,5%), Қозоғистон – **4,3** млрд долларни (-4,6%) ва Туркия – **2,9** млрд долларни (-7,1%) ташкил этди.

2024 йилда **Хитой** иқтисодиёти **4,8** фоизга ўсиб, 2023 йилга нисбатан (5,2%) секинлашди. Иқтисодий ўсиш, асосан, ташқи талаб орқали рағбатлантирилиб, бунда экспорт ҳажми 7,1 фоизга ошди. Экспортга йўналтирилган тармоқларда ижобий динамика кузатилди, жумладан автомобилсозлик ва ахборот-коммуникация технологиялари (**АКТ**) соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш ҳисобига саноат тармоғи 5,8 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, ички талабнинг сустлиги ҳисобига чакана савдо ҳажмининг ўсиши 3,5 фоизга секинлашди, кўчмас мулк бозоридаги инқироз давом этиб, савдо ва инвестицияларнинг пасайиши орқали иқтисодиётга босими давом этмоқда.

1.2.2.1-чизма

**Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш
суръатлари динамикаси**



Манба: ХВЖ маълумотлари

Туркияда 2024 йилда иқтисодий ўсиш 2023 йилга (5,1%) нисбатан секинлашиб, **2,8** фоизни ташкил этди. Ҳисобот йилида Туркия иқтисодиёти кузатилаётган бир қатор жиддий шароитлар давом этди.


Хусусан, кузатилаётган юқори инфляция аҳоли харид қобилиятига жиддий босим ўтказётган бўлса, бошқа томондан, амалга оширалаётган қатъий пул-кредит сиёсати кредитлар нархининг кескин ошиши ва инвестицияларнинг секинлашишига олиб келди. Шунингдек, Еврозонадаги иқтисодий ўсишнинг секинлашиши (*Туркиянинг асосий савдо ҳамкорларидан бири*) мамлакат экспорт ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қозоғистон иқтисодиёти 2024 йилда секинлашиб, иқтисодий ўсиш **4,0** фоизни ташкил этди (2023 йилда 5,1%). Қозоғистон иқтисодиёти ташқи талабнинг мўътадиллиги ва нефть қазиб олиш ҳажмининг секин кенгайтирилиши натижасида тоғ-кон тармоғида фаолликнинг пасайиши кузатилиб, иқтисодиётни диверсификация қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Хусусан, ҳисобот йилида қайта ишлаш саноати 5,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 13,4 фоизга, қурилиш соҳаси – 10,3 фоизга, савдо – 8,2 фоизга ва транспорт – 8,1 фоизга ўсди.

1.2.2.2-чизма

**Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги йиллик инфляция даражаси
ва марказий банк асосий фоиз ставкалари динамикаси**



Манба: Савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари маълумотлари

*Хитой инфляция бўйича расмий мақсадли кўрсаткичга эга эмас, инфляциянинг 3 фоизлик даражаси мақбул қиймат сифатида белгиланган.

Ҳисобот йилида **Россияда** истеъмол фаоллигининг юқори даражада сақланиши инфляция суръатларининг тезлашишига олиб келди. Бироқ, амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати инфляция ўсиш суръатларини жиловлаш имконини берди ва йил якунига келиб инфляция кўрсаткичи **9,5** фоизни ташкил этди (2023 йилда – 7,4%).

Қозоғистонда нисбатан қатъий пул-кредит сиёсатининг юритилиши ҳамда глобал инфляцион босимининг сусайиши 2024 йил якуни бўйича инфляция даражасини 2023 йилдаги 9,8 фоиздан **8,6** фоизгача секинлашишига хизмат қилди.

Хитойда ички талабнинг паст даражада сақланиб қолиши ҳамда ишлаб чиқарувчилар нархларининг пасайиши фонида инфляция даражаси **0,1** фоизни ташкил этди (2023 йилда – *-0,3* фоиз).

Туркияда амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражаси 2023 йилдаги 64,8 фоиздан **44,4** фоизгача секинлашишига олиб келди ва 2020 йил июлдан буён илк ижобий фоиз ставкасининг шаклланишига эришилди.

Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари ҳисобот йилида турли пул-кредит сиёсатини амалга оширди.

Хусусан, **Россия** банки иккинчи ярим йилликдан бошлаб, инфляцион жараёнларининг тезлашиши ҳамда ички талабнинг юқори ўсиш суръатлари фонида 2024 йил якунига қадар асосий ставкани 3 марта қайта кўриб чиқиб, йиллик **21** фоиз даражасигача оширди (йил бошида *16%*).

Қозоғистон Марказий банки ички иқтисодий шароитлар ҳамда инфляция суръатларидан келиб чиқиб, асосий ставкани йил бошидаги 15,75 фоиздан 4 марта пасайтириб (*14,25* фоизгача), йил якунида **15,25** фоизга кўтарди.

Туркия Марказий банки 2023 йилда бошлаган қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириб, асосий ставкани йиллик 50 фоизгача оширди ва йил якунида **47,5** фоизгача пасайтирди.

Хитой регулятори иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида пул-кредит сиёсатини юмшатишни давом эттириб, асосий ставкани йил давомида 3 марта қайта кўриб чиқиб, 3,45 фоиздан **3,10** фоизгача пасайтирди.

Шунингдек, **Россия** миллий валютаси курси (долларга нисбатан) 2023 йилдаги қарийб 30 фоизлик кескин қадрсизланишдан сўнг 2024 йилда нисбатан паст суръатда **-13,4** фоизга пасайди.

Қозоғистон миллий валютаси долларга нисбатан **15,2** фоизга қадрсизланди (2023 йилда *1,7* фоизга мустаҳкамланган).

Хитой юанининг долларга нисбатан алмашув курси 2023 йилдаги барқарор динамикасини сақлаб қолиб, 2024 йил давомида **1,5** фоизга қадрсизланди (2023 йилда *1,7%*).

Турк лирасининг долларга нисбатан қадрсизланиш суръатлари 2023 йилга нисбатан секинлашиб, **20** фоизни ташкил этди (2023 йилда – *57,2%*).

1.3. Инфляция жараёнлар ва кутилмалар

2024 йилнинг дастлабки чорагида базавий инфляция пасайиб бориши ҳисобига умумий инфляция даражаси март-апрель ойларида ўзининг сўнгги йиллардаги энг паст кўрсаткичини қайд этган бўлсада, иккинчи чорақда энергия ресурслари нархлари эркинлаштирилиши, тиббий хизматлар ва дори воситаларига қўшилган қиймат солиғи жорий этилиши ҳисобига инфляция даражасида сезиларли ўсиш қайд этилди.

Иккинчи ярим йилликда умумий инфляция бироз пасаяувчи динамикани намоён этиб, йил якунида йиллик 9,8 фоизни ташкил этди ва бунда энергия ресурслари нархлари оширилишининг бирламчи таъсирисиз инфляция даражаси 6,3 фоиз доирасида шаклланди.

Шунингдек, биринчи ярим йилликда ишлаб чиқарувчилар нархлари индексида (*ИЧНИ*) юқори ўсиш кузатилганига қарамасдан, 2023 йилдаги юридик шахслар учун энергия ресурслари нархлари оширилиши таъсирининг тугаши ҳисобига ушбу кўрсаткич иккинчи ярим йилликда сезиларли пасайиб, йил якуни бўйича 13,6 фоизни ташкил этди.


ЯИМ дефлятори эса сезиларли ўзгаришларсиз сақланиб қолиб, йил якунида 13,3 фоизга тенг бўлди.

1.3.1-чизма

1.3.2-чизма


Инфляция кўрсаткичлари динамикаси,

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



ИНИ асосий таркибий қисмлари инфляцияси динамикаси,

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари

2024 йилда **озик-овқат маҳсулотлари** гуруҳи умумий инфляцияни пасайтирувчи хусусиятга эга бўлиб, ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларини ошириши йиллик 2,4 фоизгача секинлашди. Жумладан, юқори ҳосилдорлик етиштирилганлиги натижасида мева ва сабзавотлар, гуруч ҳамда буғдой уни нархларида дефляция қайд этилиб, озиқ-овқат инфляцияси секинлашишига ижобий таъсир кўрсатди. Мева-сабзавотлар нархлари таъсирисиз озиқ-овқатлар гуруҳи базавий инфляцияси 5,9 фоизни ташкил этди.

Бироқ, иккинчи ярим йилликда жаҳон бозорида айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиши маҳаллий бозорларда нархларга оширувчи таъсир кўрсатди.

2024 йилда **ноозик-овқат маҳсулотлари** гуруҳи инфляцияси барқарор даражада шаклланиб, ушбу гуруҳ нархларининг йиллик ўсиши 7,7 фоизга тенг бўлди. Шу билан бирга, иккинчи чоракда дори воситаларига қўшилган қиймат солиғи татбиқ қилиниши ноозик-овқат маҳсулотлари гуруҳи инфляциясига оширувчи таъсир кўрсатди.

Шунингдек, алмашув курси ўзгаришининг барқарор шаклланиши импорт ҳисобига таклиф этиладиган истеъмол товарлари нарх ўзгаришини секинлашишига хизмат қилиб, ноозик-овқат товарлари гуруҳи инфляциясини барқарорлашувига ижобий таъсир кўрсатди.

2024 йилда **хизматлар** соҳасида нархлар ўсиши умумий инфляцияга асосий оширувчи таъсирга эга бўлиб, ушбу соҳада нархларнинг йиллик ўсиши 26,7 фоизни ташкил этди. Хусусан, апрель-май ойларида энергия ресурслари нархлари эркинлаштирилиши ҳамда тиббий хизматларнинг қўшилган қиймат солиғига тортилиши хизматлар соҳасида нархларнинг сезиларли ошишига олиб келди.

Шунингдек, сўнгги чоракда пропан ҳамда метан ёнилғи маҳсулотлари нархларининг ошириши натижасида транспорт хизматлари ҳам қимматлашди.


Базавий инфляция

2024 йилнинг дастлабки ярим йиллигида базавий инфляция даражасида барқарор пасайиш кузатилди. Бироқ иқтисодий фаолликнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги, аҳоли даромадларининг барқарор ошиб бораётганлиги ялпи талабни қўллаб-қувватлаши натижасида базавий инфляция кўрсаткичи йилнинг иккинчи ярим йиллигида ўсувчи тенденцияга қайтиб, йил якунида 7,2 фоизга тенг бўлди.

Сўнгги чорақда базавий инфляция тезлашишига, асосан, аввалги чорақдаги таклиф омилларининг (*энергия ресурслари нархи оширилиши ҳамда дори воситалари ва тиббий хизматларни қўшилган қиймат солиғига тортилиши*) иккиламчи таъсирлари ҳамда ёнилғи маҳсулотлари (*метан ва пропан*) нархлари ошишининг бошқа товар ва хизматлар нархларига ўтиши (*иккиламчи таъсири*) билан изоҳланади.


1.3.3-чизма

Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикаси, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



1.3.4-чизма

Аҳоли ва тадбиркорларнинг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмалари



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари, Марказий банк ҳисоб-китоблари

Инфляцион кутилмалар

2024 йил давомида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларида ўзгарувчан тенденция кузатилди. Хусусан, дастлабки чорақда инфляцион кутилмаларда пасаювчи динамика кузатилган бўлса, иккинчи чорақда энергия ресурслари тарифларининг оширилиши бозор иштирокчиларининг инфляцион кутилмалари кўтарилишига сабаб бўлди.

Ёқилғи ресурсларининг мавсумий қимматлашиши шароитида сўнгги чорақ давомида иқтисодиёт субъектларининг нархлар бўйича кутилмаларида ўсиш кузатилди. Декабрь ойида ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, аҳолининг инфляцион кутилмалари 14,4 фоизни, тадбиркорлар кутилмалари эса 13,9 фоизни ташкил этди.

Сўровларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмалари шаклланишига асосан ёқилғи ва энергия ресурслари ҳамда коммунал хизматлар қимматлашиши, алмашув курси ўзгариши ҳамда транспорт харажатлари ошиши таъсир этганлиги кўрсатиб ўтилган.

1.3.1-жадвал

**Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмалари
шаклланишининг асосий омиллари (респондентлар улуши, фоизда)**

	2024 йил											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Аҳоли												
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	49	54	50	47	49	47	44	46	47	46	51	57
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	39	39	42	55	57	54	51	49	45	47	51	56
Алмашув курсининг ўзгариши	55	56	61	55	49	41	39	42	50	51	51	55
Транспорт харажатларининг ошиши	29	33	29	28	28	28	26	26	28	26	30	35
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	32	30	35	29	30	28	28	27	29	28	31	33
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	32	28	29	23	24	26	22	40	39	31	28	28
Тадбиркорлик субъектлари												
Валюта курсининг ўзгариши	59	57	61	60	52	42	38	42	51	50	51	52
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	35	37	38	54	55	53	50	47	46	42	49	52
Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	43	49	44	44	43	41	42	45	44	42	48	49
Транспорт харажатлари қимматлашиши	33	35	33	31	33	29	31	31	31	29	32	34
Солиқ юкининг юқорилиги	24	27	25	31	35	31	28	27	27	23	25	27
Хомашё нархларининг қимматлашиши	28	28	28	27	26	26	25	26	27	25	25	25

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари

2024 йилда ташқи сектор статистикасини такомиллаштириш мақсадида Швейцария ва Қозоғистон марказий банклари мутахассислари билан тажриба алмашинуви дастури доирасида мамлакатлараро акс (*mirror*) статистикасига асосланган ҳолда товарлар савдосини таҳлил қилиш, тўлов балансининг прогноз кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мувофиқлаштирилган сўровномаси (*CDIS*)ни ўтказиш (*тузиш*) ва мамлакатлар кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга оид маълумотларни шакллантириш тартиби кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари ташқи омиллар – асосий экспорт хомашё товарлари нархларининг ўсиши ҳамда меҳнат миграцияси йўналишида кузатилган ижобий тенденциялар, шунингдек **ички омиллар** – иқтисодий фаолликнинг жадаллашуви, хизмат кўрсатиш соҳасида экспорт салоҳиятининг ошиши каби шароитларда шаклланди.

Хусусан, 2024 йилда жаҳон товар-хомашё бозорларида олтиннинг ўртача нархи 2023 йилга нисбатан 23 фоизга, кумуш нархи – 21 фоизга, мис нархи – 8 фоизга ҳамда уран нархи – 42 фоизга ўсди¹¹.

Меҳнат миграциясини қабул қилувчи мамлакатларда ишчи кучига юқори талаб, иш ҳақининг ошиши ҳамда миграция географияси таркибида юқори даромадли давлатлар улушининг ортиши халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг кўпайишига хизмат қилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳаси жадал ривожланиб, туризм, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, транспорт ва логистика, таълим ва тиббиёт соҳаларида экспорт салоҳияти юқори даражада ошмоқда.


Хусусан, 2024 йилда республикага ташриф буюрган сайёҳлар сони 2023 йилга нисбатан 20 фоизга кўпайиб, 8 млн нафарга етди. Шунингдек, телекоммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари экспорти 1,4 баробарга ошди.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида, 2024 йилда тўлов баланси **жорий операциялар ҳисобининг** манфий сальдоси 2023 йилга нисбатан яхшиланиб, 5,7 млрд доллар доирасида шаклланди.

¹¹ Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг хомашё нархларига оид маълумотлари.

1.4.1-чизма

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Товар ва хизматлар экспорти. Халқаро бозорларда хомашё нархларининг ўзгариши ҳамда норезидентларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг кўпайиши натижасида, экспорт ҳажми **26,2** млрд долларга етди.

Товарлар экспорти 2023 йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз сақланиб қолиб, **19,6** млрд долларни ҳамда хизматлар экспорти қарийб **21** фоизга ўсиб, **6,5** млрд долларни ташкил қилди.

Товарлар экспорти таркибида (*монетар олтинсиз*) тўқимачилик маҳсулотлари, қимматбаҳо бўлмаган металлар, мева-сабзавотлар ва ўсимликлар, кимё саноати маҳсулотлари асосий улушга (**67%**) эга бўлиб, 2024 йилда биргаликда **7,6** млрд долларлик экспорт қилинди.

1.4.2-чизма

Ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жами хизматлар экспортининг **49** фоизи саёҳатлар, **33** фоизи транспорт ва **18** фоизи бошқа хизматлар экспортига тўғри келди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сонининг ортиши натижасида туризм билан боғлиқ хизматлар экспорти 2023 йилга нисбатан **48** фоизга кўпайиб, **3,2** млрд долларга етди.

Товар ва хизматлар импорти. Ҳисобот йилида мамлакатда инвестицион фаоллик ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши энергоресурслар, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари импортига талабни ошириб бориши фонида импорт ҳажми **43,6** млрд долларга етди.

Импортнинг ўсиш суръатлари ўтган йилларга нисбатан мўтадиллашиб ($2,3\%$), товарлар импорти **3,8** фоизга қисқариб, **33,2** млрд долларни, хизматлар импорти эса **28** фоизга ошириб, қарийб **10,5** млрд долларни ташкил қилди.

Товарлар импорти таркибида машина, ускуна ва механизмлар, транспорт воситалари, минерал маҳсулотлар, қимматбаҳо бўлмаган металллар ҳамда кимё саноати маҳсулотлари асосий улушга (73%) эга бўлиб, **25,5** млрд долларни ташкил этди.

Хизматлар импорти таркибида транспорт хизматлари, саёҳатлар билан боғлиқ хизматлар ва бошқа хизматлар мос равишда **44** фоиз, **42** фоиз ва **14** фоизни ташкил этди.

Импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан юқори суръатларда ўсиши фонида савдо баланси манфий сальдоси **17,4** млрд доллар доирасида шаклланди.

Бирламчи ва иккиламчи даромадлар. Бирламчи ва иккиламчи даромадлардаги трансчегаравий халқаро пул ўтказмалари 2024 йилда жорий операциялар ҳисобини мувозанатлаштирувчи омил сифатида хизмат қилди.

2024 йилда бирламчи ва иккиламчи даромадлар баланси ижобий (*мусбат*) сальдо билан шаклланиб, мос равишда **1,1** млрд доллар ва **10,6** млрд долларни ташкил қилди.

Меҳнат миграцияси географиясининг диверсификацияси ҳамда қабул қилувчи мамлакатларда иш ҳақининг ошиши бирламчи ва иккиламчи даромадлар компонентлари бўйича тушумларнинг шаклланишини рағбатлантирган бўлса, норезидентларнинг инвестиция даромадлари ошиши харажатларни кўпайтирувчи омиллардан бўлди.

Жумладан, бирламчи даромадлар бўйича резидентларнинг тушумлари ҳажми 2023 йилга нисбатан **6,6** фоизга кўпайиб, **5,7** млрд долларга етди.


Бирламчи даромадлар компоненти бўйича харажатларнинг ошиши асосан норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш бўйича тўланган даромад ва фоизлари ҳиссасига тўғри келади.

Халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг пасаяувчи фазага ўтиши ва ижобий кутилмаларга қарамасдан, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларида ўсиш кузатилиб, норезидентларнинг Ўзбекистондаги бирламчи даромадлари **4,5** млрд долларни ташкил қилди (ўсиш 4,8%).

Норезидентлардан уй хўжаликларига келиб тушган шахсий трансфертлар ҳисобига иккиламчи даромадлар бўйича тушумлар **11,6** млрд долларни ташкил қилган бўлса, улар бўйича тўловлар **1** млрд долларга тенг бўлди.

1.4.3-чизма

Жорий трансфертлар динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги хорижий инвестициялар ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш доирасида жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилди.


2024 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ҳажми 2023 йилга нисбатан **32** фоизга ошиб, қарийб **2,8** млрд долларни ташкил этди. Уларнинг капиталдаги соф ўсиши **2,1** млрд доллар, бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши **1,1** млрд доллар ҳамда маҳсулот тақсимотига оид битимлар (*МТБ*) доирасидаги инвестицияларнинг соф камайиши **585** млн долларга тенг бўлди.

Портфель инвестициялар компоненти номолиявий ташкилотлар капиталига портфель инвестициялар ҳамда халқаро облигациялар бўйича операциялар ҳисобига **3,1** млрд доллар манфий сальдо билан шаклланди.

Шу билан бирга, хориждан жалб қилинган кредит ва қарзлар жорий операциялар ҳисоби тақчиллигини молиялаштирган асосий манбалардан бўлиб, мазкур операциялар ҳажми 2023 йилга нисбатан **2** фоизга кўпайиб, **7,5** млрд долларни ташкил қилди.

1.4.4-чизма

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибининг ўзгариши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ўзбекистон Республикасининг соф халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичи 2024 йилнинг бошига нисбатан **11** фоиз ёки **1,4** млрд долларга мустаҳкамланиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **13,7** млрд долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми **96,7** млрд долларни, ташқи мажбуриятлари ҳажми эса **83** млрд долларни ташкил этди.

Ҳисобот даврида бошқа инвестициялар бўйича активлар ва халқаро захира активлари ҳажмининг кўпайиши соф инвестициявий мавқега ижобий таъсир кўрсатган бўлса, тўғридан-тўғри, портфель ва бошқа инвестициялар бўйича мажбуриятларнинг ортиши соф инвестициявий мавқени камайтирувчи омиллардан бўлди.

1.4.5-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестициявий мавқеи



Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йил якунида **умумий ташқи қарз**¹² ҳажми йил бошига нисбатан **20** фоизга кўпайиб, **64,1** млрд долларни ташкил қилди.

Бунда, давлат ташқи қарзи ҳажми, нооперацион ўзгаришларни инобатга олганда **14** фоизга ошиб, **33,9** млрд долларга етган бўлса, корпоратив ташқи қарз ҳажми **28** фоизлик ўсиш билан **30,2** млрд долларга етди.

Худудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш кўламининг ортиши, шунингдек, хусусий секторда асосан тижорат банклари, энергетика сектори ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари корхоналари томонидан янги қарзларнинг жалб қилиниши ҳисобига умумий ташқи қарз бўйича мажбуриятлар 2024 йилда **10,8** млрд долларга кўпайди.

1.4.6-чизма

Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари

Умумий ташқи қарз бўйича мажбуриятлар ўсишининг **4,2** млрд доллари давлат ва **6,6** млрд доллари корпоратив ташқи қарз бўйича мажбуриятлар ҳиссасига тўғри келади.

Корпоратив ташқи қарз таркибида банк сектори бўйича мажбуриятлар қолдиғи **11** млрд долларни (*ўсиш 26%*), ёқилғи-энергетика секторида **8,4** млрд долларни (*ўсиш 30%*) ҳамда бошқа секторларда **10,8** млрд долларни (*ўсиш 28%*) ташкил қилди.

¹² Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда хусусий қарз, шу жумладан қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.

II. 2024 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

2024 йил давомида Марказий банк томонидан банк тизими фаолиятида молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш ҳамда ташқи иқтисодий жараёнлар орқали юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва банклар бардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, тижорат банклари фаолияти доимий равишда турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказилиб келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига бўлган хатарларни камайтириш чоралари кўриб борилди.

Мазкур стресс-тестлар натижаларидан келиб чиқиб, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши таъминланди.

Таваккалчиликка асосланган банк назоратини такомиллаштириш мақсадида 2024 йилнинг ноябрь ойида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмагида **Молиявий секторни баҳолаш дастури (FSAP)** ўтказилиб, бунда банклар фаолиятини назорат қилиш тизими Базель талабларига мувофиқлиги баҳоланди. Баҳолаш натижаларига кўра дастлабки хулосалар ва тавсиялар юзасидан Марказий банкда:

банкларнинг бошқарув кенгашлари ва ички аудит хизматларининг банкнинг молиявий ҳолати юзасидан ҳисоботларини даврий равишда муҳокама қилиб бориш;

тижорат банкларининг кредит, операцион, бозор ва валюта рискларини халқаро андозаларга мос равишда баҳолаш ҳамда халқаро молия ташкилотлари экспертларининг **техник кўмагини** ушбу хатарлар бўйича турли сценарийларда **стресс-тестлар** ўтказишнинг илғор услубларини босқичма-босқич макропруденциал назорат тизимига жорий этиб бориш;

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий банклар ҳамда Ўзбекистоннинг чет элдаги банклари шунингдек, бошқа миллий молиявий соҳалар назорат органлари билан биргаликда **коллегиал назорат органларини (Supervisory College)** ташкил қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

таваккалчиликка асосланган банк назоратини такомиллаштириш тадбирлари доирасида банкларнинг **бизнес моделлари, кредит, фоиз, бозор, операцион, ликвидлилик рискларини, капитал етарлилиги** ҳамда **корпоратив бошқарувини** ўз ичига олувчи риск профилини баҳолаш кўламини кенгайтириб бориш;


Банкларнинг тизимли аҳамиятга моликлиги ва риск-профилидан келиб чиққан ҳолда пруденциал ҳисоботлар кўламини қайта кўриб чиқиш каби вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва графиклари белгилаб олинди.

2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлик ҳолати

2024 йилда банк тизимининг жами капитали ҳажми 18 фоизга ошиб, 115 трлн сўмга, устав капитали ҳажми 22 фоизга ўсиб, қарийб 84 трлн сўмга етди. Регулятив капитал ҳажми 18 фоизга ошиб, 124,8 трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар 19 фоизга кўпайиб, 719 трлн сўмни ташкил қилди. Капитал монандлиги кўрсаткичи 17,4 фоизни ташкил этиб (минимал талаб 13%), ўтган йил даражасида (17,5%) сақланиб қолди.

2.1.1-чизма

Капитал етарлилиги кўрсаткичи динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Ҳисобот йилида юқори ликвидли активлар ҳажми 36 трлн сўмга ёки 37 фоизга кўпайиб, 133 трлн сўмга етди. Юқори ликвидли активлар таркибида миллий валютадаги активлар 27 трлн сўмга, хорижий валютадаги активлар эса 9 трлн сўмга кўпайиб, уларнинг ҳажми мос равишда 74 ва 59 трлн сўмни ташкил этди.

Натижада, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши (ликвидлилик буфери) 2024 йилда 2,5 фоиз бандга ошиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига 17,3 фоизга (минимал талаб 10%) етди.

Юқори ликвидли активлар ҳажмининг ошиши фонида, банк тизимида ликвидлиликни қоплаш меъёри (қисқа муддатли ликвидлилик LCR) яхшиланди. Мазкур кўрсаткич ҳисобот йили давомида 29 фоиз бандга ошиб жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 194 фоизни ташкил этди (ўрнатилган минимал талаб 100%).

2.1.2-чизма

Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Бу эса, ўз навбатида, банк тизимида кутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида миқдорлар олдидаги мажбуриятларни деярли 2 баробар ортиғи билан бажара олиш имконини беради.

2.1.3-чизма

Ликвидлиликни қоплаш меъёри (LCR)




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, соф барқарор молиялаштириш меъёри кўрсаткичи (узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари NSFR) қарийб 4 фоиз бандга ошиб, 115 фоиз даражасида шаклланди (ўрнатилган минимал талаб 100%).

2.1.4-чизма

Соф барқарор молиялаштириш меъёри (NSFR) динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда тижорат банкларининг ялпи даромадлари **167** трлн сўм, ялпи харажатлари **160** трлн сўмни ташкил этиб, банк тизими соф фойдаси **7** трлн сўмга тенг бўлди, 27 та банк фаолиятини 11,5 трлн сўм фойда, 9 та банк эса 4,5 трлн сўм зарар билан якунлаган.

Банклар жами даромадларининг **67** фоизи **фоизли** даромадлар, **33** фоизи **фоизсиз** даромадлар ҳиссасига тўғри келди. Фоизли даромадларнинг **91** фоизи кредит ва мижозларнинг мажбуриятлари, **4,4** фоизи бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлар, **4,6** фоизи қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларни ташкил этади.


2.1.5-чизма

Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси



2.1.6-чизма

Банк тизими капитал рентабеллиги (ROE) динамикаси



2.1.7-чизма

Операцион самарадорлик кўрсаткичи



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда тижорат банкларида фоизсиз харажатларнинг сезиларли ошиши (+70,4%) сабабли банк тизимининг рентабеллик кўрсаткичларида пасайиш кузатилди. Хусусан, банк тизими **активлари рентабеллиги** 2023 йилга нисбатан **1,2** фоиз бандга камайиб, 1,4 фоизни ва **капитал рентабеллиги** **7,6** фоиз бандга пасайиб, **6,6** фоизни ташкил этди.

Ўз навбатида, банкларнинг фоизсиз харажатларининг ортиши **операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR)**да ҳам намоён бўлди. 2024 йилда мазкур кўрсаткич 2023 йилга нисбатан **2** фоиз бандга ошиб, **36** фоизни (*ушбу кўрсаткичнинг мақбул даражаси 50 фоиз бўлиб, унинг кичрайиб бориши ижобий баҳоланади*) ташкил этди.

5-ҳавола

Асосий кўрсаткичлар таърифи

Банк тизими капитали ҳажми – бу мамлакатдаги барча II даражали банкларнинг умумий капитали бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлиги ва таваккалчиликларни қоплаш қобилиятини акс эттиради. U I даражали капитал (*устав капитали + тақсимланмаган фойда + захиралар – номоддий активлар*) ва II даражали капитал (*I даражали капитал + субординат облигациялар + кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервлар + қайта баҳоланган активлар*)дан иборат.

Банк капитали ҳажмининг ўсиши молиявий барқарорлик, бизнесни кенгайтириш имконияти ва таваккалчиликларни камайтиришини кўрсатувчи ижобий сигнал ҳисобланади. Капитал ўсиши фойда ошиши, устав фондига қўшимча инвестициялар жалб қилиниши, даромадларни сақлаб қолиш, регулятор талабларини бажариш ва кредит портфелини кенгайтириш ҳисобига юз бериши мумкин.

Капитал етарлилиги кўрсаткичи (*Capital Adequacy Ratio, CAR*) – банкнинг молиявий барқарорлигини ва хатарларни қоплаш қобилиятини кўрсатувчи асосий индикатор. Basel III стандартларига кўра, CARнинг минимал даражаси **8** фоиз, тизимли молик банklar учун эса **10,5–12** фоиз. Ўзбекистонда **13** фоиз этиб белгиланган.

CAR ўсиши банкнинг молиявий барқарорлиги, капитал ошиши ва кредитлаш имкониятларининг кенгайтиришини билдиради. CAR **пасайиши** хатарли активларнинг ўсиши, зарарлар ёки қайта капитализация заруратини кўрсатиши мумкин.

Юқори ликвидли активлар кўрсаткичи (*High-Quality Liquid Assets, HQLA*) банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш қобилияти ва ликвидлик инқирозининг олдини олиш даражасини акс эттиради.

Ўз навбатида, Basel III талабларига кўра, ликвидлиликни қоплаш меъёри LCR (*Liquidity Coverage Ratio*) **100** фоиздан кам бўлмаслиги керак, яъни банк 30 кунлик маблағ чиқимларини қоплаш учун етарли ликвид активларга эга бўлиши зарур.

HQLA ўсиши банкнинг барқарорлигини кўрсатади, бироқ даромадлиликни чеклаши мумкин. HQLA 10 фоиз даражадан пасайиши эса банк ликвидлик муаммоларига дуч келиши мумкинлигини аңлатиб, омонатчилар ишончининг пасайиши ва тезкор равишда қўшимча ликвидлилик жалб қилиш заруратини келтириб чиқариши мумкин.

2.1.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Иқтисодиётда молиявий сектор кўламининг ошиб бориши, бир томондан, инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, молиявий барқарорлик билан боғлиқ потенциал хатарларни ошиб боришига шароит яратади.

Ушбу ҳолатда банк тизими активларининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсиш учун мувозанатли ёндашув орқали активлар таркибидаги **потенциал бузилишларни** бартараф этиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

2024 йилда Марказий банкнинг ушбу йўналишлардаги асосий эътибори иқтисодиётни молиялаштиришнинг ЯИМ ўсиши билан мувофиқлигини таъминлашга, кредит портфели сифатини яхшилашга ҳамда активлар концентрацияси билан боғлиқ хатарларни пасайтириб боришга қаратилди.

Ҳисобот йилида банкларнинг **жами активлари 117** трлн сўмга ёки **18** фоизга ошиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига **769,3** трлн сўмга етди.

Активлар таркибидаги **соф кредит қўйилмалари** улуши 2023 йилдаги 70,2 фоиздан **66,9** фоизгача, Марказий банкдаги маблағлар улуши 5,1 фоиздан **4,5** фоизгача камайган бўлса, бошқа банклардаги маблағлар улуши 8,2 фоиздан **8,5** фоизгача, инвестициялар ва сотиб олинган қимматли қоғозлар улуши 5 фоиздан **7,7** фоизгача ошиши кузатилди.

Шунингдек, нақд пуллар улуши 3,1 фоиздан 3,3 фоизгача, асосий воситалар улуши 3,0 фоиздан 3,2 фоизгача, ҳисобланган фоизлар улуши 3,0 фоиздан 3,1 фоизгача, бошқа хусусий мулклар ва активлар улуши 1,9 фоиздан 2,7 фоизгача ошган.

Соф кредит қўйилмалари ҳамда Марказий банкдаги маблағлар улушининг камайиши қатъий пул-кредит шароитларининг сақлаб қолиниши ва макропруденциал чораларнинг кучайтирилиши фонида кредит қўйилмалари ўсишининг мўътадиллашганлиги билан изоҳланади.

Банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитга бўлган талабини қондириш ва молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминлаш мақсадларига 2024 йилда **287** трлн сўм ёки 2023 йилга нисбатан **14,3** фоизга кўп кредитлар ажратилди.

Мазкур ажратилган кредитларнинг миллий валютадаги қисми 2023 йилга нисбатан 11,4 фоизга ошиб 193 трлн сўмни ташкил қилган бўлса, хорижий валютада қисми 20,6 фоизга ошиб 94 трлн сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, кредитларнинг 67 фоизини миллий валютадаги кредитлар, 33 фоизни чет эл валютасидаги кредитлар ташкил этган. Бунда, уларнинг 64 фоизи тадбиркорлик субъектларига ҳамда 36 фоизи аҳолига ажратилган.

Ушбу тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг 73 трлн сўмлик қисми револьвер шаклида **айланма маблағларни** тўлдириш мақсадларига йўналтирилган.

Ўз навбатида, 2024 йил давомида 222 трлн сўм ёки 2023 йилга нисбатан 20 фоизга кўп кредитлар сўндирилган ва уларнинг ажратилган кредитларга нисбатан 77 фоизни ташкил этган.


Натижада, банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари 2024 йил бошига нисбатан 13 фоизга ёки 62 трлн сўмга ошиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига 533 трлн сўмга етди.

Мазкур кредит қўйилмаларининг **миллий валютадаги** қисми 2023 йилдаги 55 фоиздан 57 фоизга етган бўлса, **хорижий валютадаги** кредитлар салмоғи 45 фоиздан 43 фоизгача пасайган.

Кредит портфелида хорижий валютадаги кредитлар салмоғининг пасайиб бориши Марказий банк томонидан эҳтиёткор валюта сиёсатини олиб борилаётганлиги ҳамда тадбиркорлик субъектларининг валюта алмашунув курси билан боғлиқ хатарлардан ҳимояланиш бўйича кўникмасининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.


2.1.1.1-чизма

Ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси



2.1.1.2-чизма

Кредит портфели динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган кредит қўйилмалари 10,2 фоизга ўсиб **355,6** трлн сўмни, **аҳолига** ажратилган кредит қўйилмалари 2023 йилга нисбатан 19,5 фоизга кўпайиб, **177,5** трлн сўмни ташкил этди.

Аҳолининг кредит қўйилмалари таркибида **микроқарзлар** 1,7 баробарга ошиб, **42,4** трлн сўмни, **ипотека кредитлари** 16,5 фоизга ошиб, **67,7** трлн сўмни ва бошқа кредитлар 2,3 фоизга ошиб, **67,4** трлн сўмни ташкил этди.

2024 йилда **микроқарзларнинг** аҳолига ажратилган кредит қўйилмаларидаги улуши 2023 йилдаги 16,5 фоиздан **23,9** фоизга ёки **7,4** фоиз бандга **сезиларли даражада ошган**.

Таъкидлаш лозимки, 2024 йил 1 январдан микроқарзларнинг максимал миқдори 50 миллион сўмдан **100** миллион сўмга оширилгани **кредитлашнинг микроқарзлар сегментида** юқори ўсишига шароит яратиши билан бирга, банклар кредит портфелида **микроқарзларнинг концентрация** даражасининг ортиши, шунингдек микроқарзлар учун гаров таъминотининг талаб этилмаслиги ушбу сегментда **хатарлар тўпланишига** олиб келмоқда.

Кредит қўйилмаларининг банкларнинг мулкчилик шакли бўйича қаралганда, 2024 йилда давлат банкларида жами кредит қўйилмалари 10 фоизга ошиб **366,7** трлн сўмни ва хусусий банкларда 20,5 фоизга ошиб **166,4** трлн сўмни ташкил этди.

Жами кредит портфелида **давлат банкларининг** улуши 2023 йилдаги 70,7 фоиздан **68,8** фоизгача пасайган бўлса, **хусусий банкларда** эса 29,3 фоиздан **31,2** фоизгача ошиш кузатилди.

Мазкур ҳолат хусусий банкларда замонавий технологияларнинг кенг жорий этилаётганлиги ва бизнес модели чакана кредитлашга ихтисослашгани ҳамда кредитлаш жараёнларининг соддалаштириб борилаётганлиги, хусусан, микроқарзлар олиш мобил иловалар орқали амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи саноат соҳасида **9** фоизга ошиб, **153,4** трлн сўмга, қишлоқ хўжалигида **6** фоизга ошиб, **50,3** трлн сўмга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида **17** фоизга ошиб, **38,1** трлн сўмга, қурилиш соҳасида **6** фоизга ошиб, **13** трлн сўмга ҳамда моддий ва техник таъминотни ривожлантириш соҳасида **4** фоизга ошиб, **4,2** трлн сўмга етди.

2024 йилда **имтиёзли кредитлар**¹³ қолдиғи **142** трлн сўмни ташкил қилиб, кредит қўйилмаларидаги улуши **27** фоизга тенг бўлди.

Иқтисодиётнинг кредитларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондириб боришга шароит яратиш мақсадида ва ташқи манбалардан ресурслар жалб қилишдаги ноаниқликлар тижорат банклари томонидан **ички молиялаштириш манбаларга** бўлган эҳтиёжларни кучайтирмоқда.

Хусусан, ҳисобот йилида банкларнинг жами мажбуриятлари **654,5** трлн сўмга етиб, 2023 йилга нисбатан **18** фоизга ёки **99** трлн сўмга ошди.

Мажбуриятлар ўсишининг **67** фоизи **депозитлар**, **16** фоизи чиқарилган қимматли қоғозлар, **10** фоизи жалб қилинган **кредит линиялари**, **2** фоизи **субординар қарзлар** ва **7** фоизи бошқа мажбуриятлар ҳисобига шаклланди.

Жами мажбуриятлар таркибида **жалб қилинган депозитлар** улуши 43,5 фоиздан 47,2 фоизгача, **чиқарилган қимматли қоғозлар** улуши 2,4 фоиздан 4,4 фоизгача ҳамда **субординар қарз ва бошқа мажбуриятлар** улуши 5,4 фоиздан 5,9 фоизгача ошган.

Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар (*тўлов тизимлари бўйича тўловлар*) 0,3 фоизни ташкил қилган бўлса, жалб қилинган **кредит линияларининг** улуши 40,4 фоиздан 35,9 фоизгача ҳамда бошқа банкларга тўланадиган маблағлар улуши 8 фоиздан 6,3 фоизгача камайган.

Жалб қилинган депозитлар таркибида миллий валютадаги депозитлар улуши 70,1 фоиздан **75** фоизгача ошган бўлса, чет эл валютасидаги депозитлар улуши 29,9 фоиздан **25** фоизгача пасайган.

Ушбу ҳолат алмашув курсининг барқарор шаклланиб бораётганлиги ҳамда нисбатан қаятий пул-кредит сиёсатининг юритилиши ҳисобига ижобий реал фоиз ставкаси сақлаб қолинаётганлиги миллий валютадаги депозитларнинг жозибадорлигини ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, жисмоний шахслардан миллий валютада жалб қилинган муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси 21,8 фоизни ташкил этиб, жалб этилган депозитларнинг 55 фоизи 22 фоизгача, 37 фоизи 22-25 фоизгача, қолган 8 фоизи 25 фоиздан юқори ставкаларда жалб этилган.

Тижорат банклари томонидан ҳисобот йилида жалб қилинган депозитлар таркибидаги аҳоли омонатлари қолдиғи **42** фоизга ёки **36** трлн сўмга ошиб, **122** трлн сўмга, жумладан, миллий валютада жалб этилган омонатлар қолдиғи **54** фоизга ёки **31** трлн сўмга ошиб, 88 трлн сўмга, жами аҳоли омонатларидаги улуши **66** фоиздан **72** фоизга етди.

¹³ *Имтиёзли кредитлар сифатида фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси ва ундан паст бўлган миллий валютадаги кредитлар ҳамда Ўзбекистон тикланиши ва тараққиёт жамғармаси ва Ҳукумат кафолати остида ажратилган хорижий валютасидаги кредитлар ҳисобга олинган.*

Жалб қилинган депозитлар қайтариш муддатлари таркибида **бир йилгача** бўлган депозитлар улуши қарийб **29** фоиз атрофида 2023 йил даражасида сақланиб қолган бўлса, **бир йилдан юқори** муддатли депозитлар улуши 35,3 фоиздан **38,7** фоизгача ошган. **Талаб қилиб олгунча** депозитлар улушида 35,3 фоиздан **32,1** фоизгача пасайиш кузатилган.

Умуман олганда, глобал инфляция даражасининг пасайиб бориши фонида хорижий марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатлари юмшатиш фазасига ўтаётган бўлсада, хорижий ресурсларга бўлган талабнинг юқори сақланиб қолаётганлиги натижасида ташқи молия бозордаги фоиз ставкаларининг секинроқ суръатларда пасайиши кузатилмоқда.

2.1.1.1-жадвал

Депозитларнинг муддатлари бўйича тақсимланиши

	Жами	Депозитлар қайтариш муддатига кўра							
		Талаб қилиб олингунча		6 ойгача		6 ойдан 1 йилгача		1 йилдан юқори	
		сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда
01.01.2024 й.	241 687	85 198	35,3	36 329	15	34 952	14,5	85 209	35
миллий валютада	169 516	50 827	30	25 909	15	27 209	16	65 571	39
хорижий валютада	72 171	34 370	48	10 420	14	7 743	11	19 638	27
01.01.2025 й.	308 692	99 094	32,1	43 980	14,2	46 260	15	119 359	39
миллий валютада	231 235	62 415	27	34 647	15	39 014	17	95 158	41
хорижий валютада	77 458	36 679	47	9 332	12	7 246	9	24 201	31

Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, иқтисодиётда муқобил молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги шароитида банк кредитларига бўлган юқори талабни қондириб боришда ички манбалар билан бирга ташқи манбаларни аҳамияти ошиб бормоқда.

Ушбу мақсадда 2024 йилда банклар томонидан жами **6,3** млрд долларлик (2023 йилга нисбатан +46%), шу жумладан, **2** млрд долларлик бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитлар жалб этилган.

Ҳисобот йилида **4,6** млрд долларлик хорижий кредитлар сўндирилиб, (2023 йилга нисбатан +60%) шундан, **2,8** млрд доллари (60%) узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Банкларда мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган хатарлардан келиб чиққан ҳолда кредитлаш манбаларини шакллантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида **ташқи кредит ресурслари 9,1** фоизга (*12,3 трлн сўмга ошиб, 11,4 млрд долларни ташкил қилган*) ошган бўлса, **ички ресурслар – депозитлар** қолдиғи 2024 йилда **67** трлн сўм ёки **28** фоизга ўсган ҳолда, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда 44 фоиздан 47 фоизгача ошган.


2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар таҳлили

Тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббуслари қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад олиш имкониятлари кенгайтиришда банкларнинг ўрни ва ролига катта аҳамият берилмоқда.

2024 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги **539** мингдан ортиқ лойиҳаларга тижорат банклари томонидан жами **160** трлн сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

2.1.2.1-чизма

2024 йилда тоифалар кесимида тадбиркорлик фаолиятига ажратилган кредитлар улуши



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон Фармонида асосан тадбиркорлик субъектлари йиллик пул айланмасига қараб **кичик, ўрта ва йирик тоифаларга** ажратилган.

Бунда, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳам инобатга олинган.

Хусусан, ушбу кредитларнинг **92,4** трлн сўмлик ёки 2023 йилга нисбатан **26** фоизга кўп қисми кичик ва ўрта тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига **538** мингдан ортиқ лойиҳаларга йўналтирилди.

2024 йилда тижорат банклари томонидан **савдо ва хизматлар соҳасидаги** тадбиркорлик субъектларининг қарийб **69** мингдан ортиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун **61,3** трлн сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Ушбу маблағларнинг **25** трлн сўми хизматлар соҳасидаги лойиҳаларга, **15,7** трлн сўми савдо фаолиятига ва **20,6** трлн сўми хизматлар соҳасидаги тадбиркорларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган.

Туризм фаолиятини кўллаб-қуватлаш учун тижорат банклари томонидан **5 771 та** тадбиркорлик субъектига **4,6** трлн сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Ушбу ажратилган кредитларнинг **1,5** трлн сўми – меҳмонхоналар фаолиятини ривожлантириш, **1 022,7** млрд сўми – ресторанлар фаолияти, **812,8** млрд сўми – йўловчи ташиш хизматларига, **522,6** млрд сўми – туристик агентлик ва оромгоҳлар фаолияти ҳамда **62,1** млрд сўми – спорт ва соғломлаштириш туризми учун йўналтирилган.

2024 йилда тижорат банклари томонидан тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга хорижий кредит линиялари ресурсларидан ҳам кенг фойдаланилди. Республика бўйича жами **26,7** мингга яқин лойиҳалар учун **3,3** млрд долларлик кредитлар йўналтирилди.

Ушбу ресурсларнинг **1,2** млрд доллар миқдоридаги қисми кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун ажратилди.

2024 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан саноатга **2 138,3** млн, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига **387,7** млн, хизмат кўрсатишга **290,4** млн, қишлоқ хўжалигига **190,4** млн доллар, транспортга **188,5** млн, қурилишга **139,8** млн ва алоқага **3,4** млн доллар йўналтирилди.


Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (*кейинги ўринларда – дастурлар*) доирасида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва кўшимча даромад манбаларини шакллантириш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги **7** йилда жами **50** трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, **2,3** миллионга яқин аҳолининг даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди.

2024 йилда дастурлар амалга оширилиши давом эттирилиб, асосий эътибор, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга қаратилди ва ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида **372** мингдан ортиқ лойиҳаларга жами **6,8** трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ушбу имтиёзли кредитлар ҳисобидан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган **150** мингдан ортиқ лойиҳаларига **2,7** трлн сўмлик ва хотин-қизларнинг **203** мингдан ортиқ лойиҳаларига **3,2** трлн сўмлик кредитлар ажратилди.

2.1.2.2-чизма

2024 йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратиш динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **495** млрд сўми (7%) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, **6,3** трлн сўми (93%) ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, 2024 йилда ажратилган кредитларнинг **3,6** трлн сўми қишлоқ хўжалиги (шундан, чорвачилик **1,5** трлн сўм, иссиқхона ташиқил этиши учун **567** млрд сўм, мева-сабзавот ва боғдорчилик учун **518** млрд сўм), **1,9** трлн сўми хизмат кўрсатиш, **838** млрд сўми хунармандчилик йўналиши учун ҳамда **433** млрд сўми ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Кредит ажратиш билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ рақамлашган ҳолда (*Oilakredit.uz*) ягона электрон платформа орқали амалга оширилмоқда, хусусан, кредит учун ариза бериш, скоринг, ҳужжатларни расмийлаштириш, маҳсулот буюртмаси ва мониторинг жараёнлари автоматлашган ҳолда инсон омилсиз кўриб чиқилмоқда.

Ўз навбатида, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда иш ўринлари яратишга йўналтирилган **300** млн сўмгача кредитлар ажратиш механизмлари жорий қилинди.

Ушбу йўналиш доирасида **49 159** нафар тадбиркорлик субъектларининг **4,8** трлн сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Унга кўра, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида, 2018-2023-йилларда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит олиб, ундан муваффақиятли фойдаланиб, ўз вақтида қайтарган **751** минг нафар миждозларни кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди.

Ушбу миждозларга **300** млн сўмгача микрокредитлар, шундан, **100** млн сўм гаровсиз қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан, **200** млн сўмгача қисми банклар ва микромолия ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиш тизими жорий қилинди.

Натижада, ушбу қарор доирасида **10** минг нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига **3,1** трлн сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

2024 йилда тижорат банклари томонидан **алоҳида ташаббус ва тажрибалар** асосида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадли меҳнат билан банд қилиш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, “Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибалари ҳамда **“бир контур – бир маҳсулот”** тамойили асосидаги ишлар кенгайтириб борилмоқда.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида маҳаллаларда микролойиҳалар ташкил этиш учун **326** мингта микролойиҳага **10,2** трлн сўмлик кредитлар ажратилди ва натижада **577** минг нафар аҳолини даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди.

Бунда, саноат соҳасида **53** мингта лойиҳага **2** трлн сўм, хизмат кўрсатиш соҳасида **144** мингта лойиҳага **4,8** трлн сўм ва қишлоқ хўжалиги соҳасида **127** мингта лойиҳага **3,4** трлн сўм кредитлар ажратилди.

“Уйчи тажрибаси” асосида 2024 йилда **110** мингта яқин тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, ушбу учрашувларда уларнинг **68** мингдан ортиқ кўтарган масалалари ва муаммоларини ижобий ҳал этилди.

“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида ижарага берилган ер майдонларида устувор равишда экспортбоп сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича яхлит **5,4** минг гектар ер майдонларида **508** та намунавий лойиҳаларни амалга оширди.

Ушбу лойиҳаларга **41,5** млрд сўмлик кредитлар ажратилиб, уларга “етакчи” тадбиркорларни (*экспортёр, қайта ишлаш корхонаси*) бириктириш орқали **18** мингта деҳқон хўжаликлари ташкил қилинди.

2.1.3. Банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда қўлланилган пруденциал ва макропруденциал чора-тадбирлар

2024 йилда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган хатарларга банкларнинг ликвидлилик ва капитал буферларини шакллантириш орқали бардошлилигини ошириш, кредит портфели сифатини яхшилаш, кредитлаш амалиётларидаги мавжуд заифликларни бартараф қилиш, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш борасида зарур чоралар кўриб борилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан 2024 йилнинг сентябрь ойида банк тизимида ликвидлилик ҳолати таҳлили ва юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик рисклари ва уларнинг банклар молиявий барқарорлигига таъсири юзасидан “асосий” ва “хатарли” сценарийларда стресс-тест ўтказилди.

Бунда, “асосий” сценарий ноқулайликлар шароитларида юзага келиши мумкин бўлган ўзига хос шокларнинг минимал тўпламини ҳамда “хатарли” сценарий иқтисодиётда кескин макроиқтисодий, геосиёсий ёки иқлим ўзгариши шоклари юзага келиши хатарлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

Стресс-тест натижалари юзасидан тижорат банклари томонидан ликвидлигидаги мавжуд заифликларни бартараф қилиш борасида тегишли амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланмоқда.

Банкларнинг кредит портфеллари сифатини яхшилаш, кредитларнинг қайтмаслик билан боғлиқ хатарларни олдини олиш мақсадида банкларнинг кредит портфеллари мунтазам равишда банклар, ҳудудлар, соҳалар ва сегментлар кесимида таҳлиллар кучайтирилди.


Банкларда капитал буферларини шакллантириш ҳамда устав капитали миқдорини қонун талаблари доирасида мувофиқлаштириш чоралари кўрилиб **14** та банкнинг устав капитали миқдори **500** млрд сўмга етказилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, улардаги муаммоли кредитлар салмоғини пасайтириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда жойларда ўрганишлар амалга ошириб борилмоқда.

2024 йилда банк тизимида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши **4** фоиз (*2024 йил I чорақда 4,5%*) даражасида сақланиб қолди.

2.1.3.1-чизма

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

2025 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **79** фоизи “**стандарт**”, **17** фоизи “**субстандарт**” ҳамда **4** фоизи муаммоли (**1,9** фоизи “**қониқарсиз**”, **1,4** фоизи “**шубҳали**” ва **0,7** фоизи “**умидсиз**”) кредитлар сифатида таснифланди.

Банклар томонидан 2024 йилда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захиралар (*стандарт активлар бўйича яратилган захираларни ҳисобга олинмаганда*) ҳажми **4,9** трлн сўмга ёки **36** фоизга ошиб, **18,4** трлн сўмга етди. Бунда, **муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш** даражаси ўтган йилнинг мос давридаги **82** фоиздан 2024 йил 1 январь ҳолатига **87** фоизга ошди.


Муаммоли кредитларнинг 75 фоизи (**15,8** трлн сўм) тадбиркорлик субъектлари ва **15** фоизи (**5,4** трлн сўм) жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг муаммоли кредитлари таркибида **1,7** трлн сўми (**31%**) микроқарзлар, **1,5** трлн сўми (**28%**) автокредитлар, **1,2** трлн сўми (**22%**) тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар, **932** млрд сўми (**17%**) ипотека кредитлари ва **88** млрд сўми (**1,6%**) бошқа истеъмол кредитлари ҳиссасига тўғри келади.

Марказий банк томонидан капитал монандлиги ва ликвидлилик, банкка алоқадор ва ўзаро алоқадорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчилик миқдорлари, банкларнинг кўчмас мулкларга қилинган инвестициялари ҳамда валюта позициялари каби пруденциал талабларга амал қилиш ҳолатлари назорат тизими кучайтирилди.

2.1.3.2-чизма

Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, ҳисобот йилида капитал монандлиги кўрсаткичлари ҳисоб-китоби бўйича активлар ўрнатилган талаблар даражасида таваккалчиликка тортилиши, уларнинг сифати тўғри таснифланганлиги ҳамда активлар бўйича етарли миқдорда захиралар шакллантирилганлиги, субординар қарзлар ўрнатилган талабларга мувофиқ ҳисобга олиниши ва бошқа компонентларнинг ҳаққоний акс эттирилиши ҳолатларини ўрганиш ишлари ўтказилди.

Банк тизими фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга йирик таваккалчиликларни бошқариш ва уларнинг эҳтимолий таъсирини баҳолаб бориш мақсадида банк тизими кредит портфелидаги **ТОП-50** та қарздорларнинг банклар молиявий ҳолатига таъсири ўрганилди.

Назорат тадбирлари доирасида тажриба тариқасида қўлланилган **4 та** банклар андозалари асосида 2024 йилда **14 та** банкларнинг **риск-профиллари баҳоланди**.

Ўтказилган таҳлил натижалари юзасидан тижорат банкларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди ва мавжуд заифликларни бартараф қилиш борасида кўрсатмалар берилди.

Банкларнинг риск-профиллини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, 2025 йилда ўтказиладиган текшириш дастурига таклифлар ишлаб чиқилди.

Банклар фаолиятида юзага келган аҳамиятга молик маълумотлар, банк кенгаши томонидан қабул қилинган муҳим қарорлар, регулятор томонидан банкка нисбатан қўлланилган чоралар ва санкцияларни ўз ичига олган **институционал таҳлилий маълумотлар** шакллантириб борилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан банкларнинг 2024 йил учун мўлжалланган **бизнес режа кўрсаткичлари ижроси** чораклик назорати амалга оширилди.

Аҳолига ажратилган кредитларнинг риск даражасини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган (*потенциал*) муаммоли кредитларни аниқлаш мақсадида ипотека кредитлари, автокредитлар ва микроқарзларнинг сифат жиҳатдан даврий ўзгариши ўрганилди.

Ўрганишлар давомида бугунги кунда айрим банклар кредит портфелларида жисмоний шахсларга ажратилаётган бир турдаги кредитлар концентрацияси ошиб кетганлиги маълум бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк тизимида кредит хатарларини олдини олиш, банклар кредит портфеллари таркибини диверсификация қилиш мақсадида:

– 2025 йилда аҳолига ажратилаётган микроқарзларнинг концентрацияси юқори бўлган банкларга нисбатан хатарларни олдини олиш бўйича чоралар кўриб борилади;

– ушбу кредит маҳсулотидан ортган маблағлар устувор равишда кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланди.

2.1.4. Аҳолининг қарз юки


Сўнгги йилларда истеъмолчиларнинг анъанавий банк хизматлари билан бирга янги турдаги хизматларга, хусусан, насия савдо орқали товар ва хизматларни харид қилишга бўлган талаби ортиб бораётган бўлиб, кредит тарихига ёки доимий даромадга эга бўлмаган истеъмолчилар учун қулай имкониятларни тақдим этмоқда ва бунинг натижасида баъзи истемолчиларнинг қарз юки кўрсаткичларини назорат қилиш қийинлашмоқда.

Ушбу шароитларда аҳоли қарз юки даражасининг ортиб кетиши ва мамлакат молиявий барқарорлигига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан қарздорларга йўналтирилган макропруденциал сиёсат воситалари такомиллаштириб борилмоқда.

Жумладан, 2024 йил 1 июлдан бошлаб қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати (*DSTI*) чеклови жисмоний шахсларга ажратилган барча кредит турлари (*оилавий тадбиркорликни ривожлантириши дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бундан мустасно*) учун **60** фоиз этиб белгиланди.


2.1.4.1-чизма

**Жисмоний шахсларга ажратилган
ипотека кредитлари бўйича қарзга
хизмат кўрсатиш нисбати**



2.1.4.2-чизма

**Жисмоний шахсларга ажратилган
автокредитлар бўйича қарзга
хизмат кўрсатиш нисбати**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби

Ипотека кредитлари ажратишда бозор тамойиллари кўламининг кенгайиши, жумладан тижорат банклари ресурс маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари улушининг (*ҳисобот даврида ажратилган ипотека кредитларининг 35 фоизи*) ортиб бориши ушбу кредит тури бўйича ўртача йиллик фоиз ставкасининг ўсишига (+2,1 ф.б.) ҳамда ўртача кредит сўндириш муддатининг қисқаришига (17,5 йилдан 16,6 йилга) сабаб бўлди.

Хусусан, **ипотека кредити** бўйича кредит шартларининг катъийлашиши ҳамда ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит суммаси миқдорининг ортиши (30%) ҳисобига аҳолининг ушбу кредит тури бўйича **қарзга хизмат кўрсатиш нисбати** 2023 йилдаги 44 фоиздан 2024 йилда **54** фоизгача ошди.

Автокредитлар бўйича аҳолининг **қарзга хизмат кўрсатиш нисбати** ҳисобот йилида 2023 йилдаги (59%) кўрсаткичдан бироз пасайиб, **58** фоизда шаклланди. Автокредитлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси (+2,1 ф.б.) ҳамда ҳар бир автокредит олувчига тўғри келадиган кредит суммаси (6,9%) ортишига қарамай, аҳолининг иш ҳақи миқдорида (17,4%) кузатилган ўсиш жисмоний шахсларнинг ушбу кредит тури бўйича банклар олдидаги мажбуриятларини бажариш ҳолатининг яхшиланишига сабаб бўлди.

Аҳоли қарз юки даражасининг ошиб кетишини олдини олишга, шунингдек банклар, микромолия ташкилотлари ва ломбардларда кредит хавфини камайтириш мақсадида **қарзга хизмат кўрсатишни даромадга нисбати чеклови** 2025 йил 1 январдан бошлаб **50** фоизгача пасайтирилди.

Қарз юки чеклови талабларининг кредит фаоллигига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида эса, истисно тариқасида:

– банкларнинг жисмоний шахслар бўйича кредит портфелининг **15** фоизигача;

– микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кредитлар ажратишда асосий қарз қолдиғи йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** (*ўзини ўзи банд қилган шахсларга 75 бараваригача*) миқдорида қарз юки кўрсаткичини инобатга олмаган ҳолда жисмоний шахсларга кредит ажратиш мумкинлиги белгиланди.

Шу билан бирга, банклар кредит портфелида аҳоли қарз юки билан боғлиқ хатарларнинг ортишини олдини олиш учун, истисно тариқасида, ажратиладиган кредитларга **юқорироқ таваккалчилик даражаларини** белгилаш амалиёти жорий этилди.

2.2. Кредит ва тўлов ташкилотлари инфратузилмаси

2.2.1. Фаолият юритаётган кредит ва тўлов ташкилотлари

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони **36** тани ташкил этди. Уларнинг **9** тасини устав капиталида давлат улуши мавжуд банклар, **20** таси хусусий банклар ва **7** таси чет эл банклари иштирокидаги банклар.

Тижорат банкларининг филиаллари сони **288** тага, мини-банклар – **40** тага, банк хизматлари офислари – **1 680** тага ва тун-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – **4 447** тага етди.

2024 йилда “Евроосиё Банки” акциядорлик жамиятига банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.

Шунингдек, 2024 йилда **16** та микромолия ташкилоти, **9** та ломбард, **2** та тўлов ташкилоти ва **1** та тўлов тизими оператори ўз фаолиятини бошлади. **7** та тўлов ташкилотларининг лицензиялари чақириб олинди (*шундан 4 таси ўз ихтиёри билан, 2 таси қонунчилик талабларини бузганлиги учун ҳамда 1 таси бирлашганлиги муносабати билан*).

Бундан ташқари, **1** та тўлов тизими операторининг лицензияси ўз ихтиёрига кўра чақириб олинди ва **1** та ломбард ўз фаолиятини тугутганлиги тўғрисидаги хабарномага асосан ломбардлар реестридан чиқарилди.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари сони **193** тани ташкил этди (*микромолия ташкилотлари – 100 та, ломбардлар – 92 та ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти – 1 та*). Шунингдек, **3** та тўлов тизими операторлари, **44** та тўлов ташкилотлари ва **2** та кредит бюрolari фаолият кўрсатмоқда.

2.2.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти

Кредит хатарларини олдини олишда миждозларни скорингдан ўтказиш ҳамда уларнинг тўловга лаёқатлилиқ даражасини тўлиқ ва сифатли баҳолашда маълумотлар қамрови ҳамда алмашинуви муҳим аҳамият касб этади.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими ўз ичига Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри, КАТМ ҳамда “CRIF Кредит-ахборот хизматлари” кредит бюрларини қамраб олади.


Кредит ахборотининг давлат реестрида тижорат банкларига кредит (*лизинг, факторинг ва банк кафолатлари*) бўйича келиб тушган буюртмалар, тузилган битимлар ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

Хусусан, 2025 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони 2024 йилнинг 1 январига нисбатан 33,6 фоизга ошиб, қарийб 7,5 млн тани, қарздорлар сони эса 20,0 фоизга ўсиб, қарийб 5 млн нафарни ташкил этди.

2.2.2.1-чизма




2.2.2.2-чизма




Манба: Марказий банк маълумотлари

2025 йил бошига мавжуд қарздорлар сонининг 94,9 фоизини **жисмоний шахслар** ҳамда 5,1 фоизини **юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар** ташкил этган. Кредит қарздорлиги мавжуд жисмоний шахсларнинг 54,4 фоизи эркаклар, 45,6 фоизи аёллардан иборат.

2.2.2.3-чизма

Кредит қарздорлиги мавжуд
жисмоний шахслар сони

2.2.2.4-чизма

Жисмоний шахсларнинг амалдаги
кредит битимлари улуши

Манба: Марказий банк маълумотлари

Қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони кредит турлари бўйича таснифланганда, **кредит карталари** сони ўтган йилга нисбатан 2,3 баробарга, **микроқарзлар** сони 54,4 фоизга, **таълим кредитлари** сони 19,8 фоизга, **ипотека кредитлари** сони 8,6 фоизга ва **микрокредитлар** сони 7,8 фоизга кўпайган.

2024 йилда Кредит ахборотининг давлат реестрига нобанк кредит ташкилотлари (*микромолия ташкилотлари ва ломбардлар*) томонидан ахборот тақдим этилиши, факторинг хизматлари ва банк кафолатлари тўғрисидаги маълумотлар қабул қилиниши, шунингдек таҳлил ва назорат қилиш имкониятларини ошириш мақсадида қўшимча ва аниқлаштирувчи маълумотлар йиғилиши йўлга қўйилди.

Реестрга қабул қилинган кредит ахборотининг сифатини таъминлаш мақсадида маълумотларни инвентаризация қилиб бориш ишлари давом эттирилиб, ўтган йил мобайнида аниқланган кредит ахборотига оид хато ва камчиликлар тижорат банклари билан биргаликда тўлиқ бартараф этилди.

Ахборотларни тақдим этишда йўл қўйилаётган хатоликларнинг олдини олиш, маълумотлар сифатини ошириш ва уларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида турли мантиқий назоратлар ишлаб чиқилиб дастурий таъминотга жорий қилинди.

Реестрнинг бизнес-таҳлил тизими (*Business Intelligence*) негизида ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларнинг автоматик шакллантирилиши йўлга қўйилиб, тижорат банклари кредит портфелидаги рискларни реал баҳолаш имконини берувчи бир нечта дастурий модуллар амалиётга жорий этилди.

КАТМ кредит бюроси базасидаги кредит ахбороти субъектларига (жисмоний ва юридик шахслар) оид маълумотлар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 15,0 млн тани ташкил этиб, шундан 95,9 фоизи (қарийб 14,4 млн таси) жисмоний шахслар ва 4,1 фоизи (612,8 мингтаси) юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2024 йил давомида КАТМ кредит бюроси билан кредит ахбороти алмашинуви бўйича шартномалар тузган кредит ахбороти фойдаланувчилари сони 143 тага (асосан ретейлер ва бошқа ташкилотлар ҳисобига) кўпайиб, 773 тага етди.

Шунингдек, 2024 йилда КАТМ кредит бюросига **кредит ахборотини етказиб берувчилар** сони 140 тага кўпайиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига 777 тани ташкил этди. Ҳозирда КАТМ кредит бюроси томонидан жами 60 дан ортиқ турдаги кредит ҳисоботлари банк ва нобанк кредит ташкилотларига тақдим этиб келинмоқда.

2.2.2.1-жадвал

Кредит ахбороти фойдаланувчилари сони

Ташкилотлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Тижорат банклари	30	32	33	31	35	35
Микромолия ташкилотлари	55	59	68	83	84	97
Ломбардлар	60	62	70	80	84	92
Лизинг ташкилотлари	3	5	8	20	31	36
Суғурта ташкилотлари		1	1	4	8	11
Ретейлер ва бошқа ташкилотлар	13	70	175	261	388	502
Жами	161	229	355	479	630	773

Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йил давомида банк ва нобанк ташкилотлар томонидан КАТМ кредит бюросидан жами 106 166,9 мингта кредит ҳисоботлари олинган бўлиб, шундан 79 416,6 мингтаси (74,8%) тижорат банклари, 25 676,5 мингтаси (24,2%) нобанк кредит ташкилотлар (микромолия, ломбард), шунингдек, лизинг, суғурта, ретейл ва бошқа ташкилотлар ҳамда 1 073,8 мингтаси (1,0%) жисмоний ва юридик шахслар (кредит ахбороти субъектлари) ҳиссасига тўғри келади.

Кредит ахбороти субъектлари бўлган аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун кредит тарихига оид маълумотларни масофадан туриб онлайн тарзда олиш амалиёти такомиллаштириб борилди.

Хусусан, кредит ахбороти субъекларига ўзларининг кредит тарихини тақдим қилишни музлатиб қўйиш имконини берувчи янги **“FREEZE”** хизмати ишга туширилди, шунингдек, **“my.gov.uz”** платформасида **“FREEZE”** ва **“СМС хабарнома”** хизматларини фаоллаштириш ҳамда ўчириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, 2024 йилда КАТМ кредит бюросининг **мобил иловаси** ишга туширилди, илова орқали кредит тарихига оид маълумотларни олиш, скоринг балл ва кредит тарихи ҳақидаги умумий маълумотларни бепул реал вақт режимида (*онлайн*) кузатиб бориш, **“FREEZE”** ва **“СМС хабарнома”** хизматларини фаоллаштириш ва ўчириш, шунингдек турли хилдаги тўловларни мобил илова орқали амалга ошириш имконияти яратилди.

Ҳисобот йилида **гаров реестрининг** янги интерфейси амалиётга жорий қилиниб, тижорат банклари, микромолия ташкилотлари, Солиқ қўмитаси ва давлат суриштирув-тергов органлари ички ахборот-дастурий тизимлари орқали гаров реестрининг барча хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Банк ва нобанк кредит ташкилотлари ушбу яратилган веб-хизмат орқали нотариус ахборот тизими орқали маълумот олиш, тақиқ қўйиш ва ечиш ҳамда ИИБ ЙҚХББ ахборот тизимидан маълумот олиш имкониятига эга бўлишди.

Гаров реестри ахборот тизимидан ёзув излаганда ҳолати (*актив ёки ўчирилганлиги*) юзасидан маълумот тақдим этиш ва мавжуд, ўчирилган ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида **QR-кодли кўчирмалар** бериш амалиёти жорий қилинди.

“Payme” тўлов ташкилоти билан гаров реестри маълумотлар базаси интеграция қилиниши орқали Гаров реестри хизматларид фойдаланувчилари учун жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш имконияти кенгайтирилди.

Гаров реестрига киритилган ва ўчирилган ёзувлар тўғрисида мулк эгаларининг телефон рақамларига СМС шаклида хабар юбориш амалиёти жорий қилинди.

Шунингдек, Гаров реестри ва **my.gov.uz** портали интеграция қилиниб, жисмоний ва юридик шахслар учун портал орқали гаров реестри базасидан ёзув излаш имконияти яратилди.

“Рақамли ҳукумат” тизими (*Идоралараро интеграциялашган платформаси/Рақамли маълумотлар платформаси*) ва **“Гаров реестри”** ахборот тизими ўртасида давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини манзилли, қисқа муддатларда, масофадан туриб ҳамда проактив тарзда олиш имкониятини берувчи интеграция амалга оширилди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Халқаро молия корпорациясининг экспертлари ёрдамида гаров реестри фаолияти ўрганилиб, тизимда маълумотлар аниқлиги, хизматлар сифатини ошириш ва янгиликлар жорий қилиниши юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Факторинг платформалари орқали гаров реестри ахборот тизимидан фойдаланиш имконини берувчи веб-хизмат яратилди.

КАТМ кредит бюроси фойдаланувчиси бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан гаров реестри ахборот тизимидаги кўчирмаларни **infokredit.uz** сайти орқали олиш мақсадида КАТМ кредит бюроси Гаров реестри ахборот тизимига интеграция қилинди.

Махсус техника воситаларига нисбатан таққ ёки хатлов мавжудлиги ва ушбу техникага оид бошқа муҳим маълумотларни олиш бўйича Гаров реестри ахборот тизимини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ахборот тизимига 2025 йилда интеграция қилиш юзасидан Келишув тасдиқланди.

Гаров реестридан фойдаланувчилар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига **1 914** тани ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 635 тага кўпайди.

Шунингдек, фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони **530 мингдан** ошган бўлса, тижорат банклари томонидан гаров реестри орқали Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига **135 мингдан** ортиқ гаровдаги мол-мулкка таққ қўйилган ҳамда **134 мингдан** ортиқ мол-мулк ҳолати тўғрисида маълумот берилган.

Гаров реестри маълумотлар базасида жами актив ёзувлар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига қарийб **1,4 млн** тани ташкил этган бўлса, мавжуд ёзувларга **45,8 мингдан** ортиқ ўзгартиришлар киритилди. Фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан **323 мингга** яқин кўчирмалар тақдим этилиб, **724 мингдан** ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилишига эришилди.

2.2.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш

Аҳоли омонатларини ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида ушбу маблағларни суғурталаш, омонатларни кафолатлаш тизимини рақамлаштириш жараёнлари билан бир қаторда, уларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим саналади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди “Халқаро депозитларни суғурталовчилар ассоциацияси” (*IADI*), шунингдек ушбу ассоциациянинг Евро Осиё минтақавий кўмитаси (*EARC*) Осиё ва Тинч океани минтақавий кўмита (*APRC*) аъзоси сифатида ушбу халқаро уюшма ва унинг кўмиталари билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Фонд томонидан халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида 10 та давлатнинг “Депозитларни суғурталаш” ташкилотлари билан ҳамкорлик ва англашув Меморандумлари имзоланди.

2024 йилда **Грузия, Қозоғистон ва Хорватия** давлатларининг депозитларни суғурталаш ташкилотлари билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, **Ҳиндистон, Азарбайжон, Беларус ва Арманистон**нинг депозитларни суғурталаш ташкилотлари билан ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

2024 йилда тижорат банкларидан Фондга келиб тушган календарь бадаллар миқдори 2023 йилга нисбатан қарийб 1,4 баробарга ошиб, **904** млрд сўмни ташкил этди.

Фонд фаолияти давомида жами келиб тушган календарь бадаллар миқдори **2 922** млрд сўмга етиб, ушбу миқдор Фонд реестрига киритилган тижорат банкларидаги кафолатланган жами омонатлар қолдиғининг **2,9** фоизини ташкил этади.

2024 йилда банклардан келиб тушган календарь бадаллар, олинган даромад ва муддати тугаганлиги сабабли Фондга қайтарилган маблағлар ҳисобига жами **3 471,5** млрд сўмлик маблағ **даромад келтирувчи активларга** шундан, 2 661,6 млрд сўми давлат қимматли қоғозларига, 100 млрд сўми Ипотекани қайта молиялаш компанияси облигацияларига ва 709,9 млрд сўми тижорат банкларининг муддатли депозитларига жойлаштирилди.

2025 йил 1 январь ҳолатига Фонднинг жами маблағлари 4 577,8 млрд сўмни ташкил этган. Бунда, Фонднинг **инвестиция портфели 4 564,2** млрд сўмни ташкил этиб, шундан, 3 502,1 млрд сўми (76,7%) давлат қимматли қоғозларига, 145 млрд сўми (3,2%) Ипотекани қайта молиялаш компаниясининг облигацияларига ва 917,1 млрд сўми (20,1%) тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган.

Ҳисобот йилида тижорат банкларига қўйилган депозитлар улушини камайитириш мақсадида Фонд маблағларини давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш чоралари кўрилди.

Натижада, 2024 йил бошида тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган маблағлар жами инвестициянинг 35,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 20,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, Фонд томонидан 2024 йилда **олинган даромад 646,4** млрд сўмни ташкил этиб, шундан давлат қимматли қоғозларидан 463,2 млрд сўм, Ипотекани қайта молиялаш компанияси облигацияларидан 12,3 млрд сўм ва тижорат банкларидаги депозитлардан 170,9 млрд сўм даромад олинган.

2.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятининг самарадорлиги


Ҳисобот йилида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларига бўлган талабининг ошиши шароитида микромолиявий хизматларни кўрсатувчи янги нобанк кредит ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши ва микромолиявий хизматларнинг жозибadorлиги ҳамда оммабopлигини ошириш имкониятлари кенгайтириб борилди.

2024 йил давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **16 та** микромолия ташкилоти ҳамда **9 та** ломбард ва уларнинг **151 та** филиаллари (*112 та микромолия ташкилоти ва 39 та ломбардлар*) ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **192 тага**, шундан микромолия ташкилотлари **100 тага** (*филиаллар сони 236 та*) ва ломбардлар сони **92 тага** (*филиаллар сони 71 та*) етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар таркибида чел эл капитали мавжуд бўлган микромолия ташкилотлари сони ўтган йилга нисбатан 5 тага ортиб, 2024 йилда **20 тага** (*12 та микромолия ташкилотлари ва 8 та ломбардлар*) етган.


2.3.1-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони



2.3.2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони




Манба: Марказий банк маълумотлари

Бунда, фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг аксар қисми **Тошкент шаҳри** (*44 та микромолия ташкилоти ва 47 та ломбард*) ва **Фарғона** вилояти (*19 та микромолия ташкилоти ва 4 та ломбард*) ҳиссасига тўғри келади.


2.3.3-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимоти



2.3.4-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимоти




Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2023 йилга нисбатан **85** фоизга кўп жами **16** трлн сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунда, кредитлашнинг **89** фоизи (**14,4 трлн сўми**) микромолия ташкилотлари ва **11** фоизи (**1,8 трлн сўми**) ломбардлар томонидан амалга оширилган.

2.3.5-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори




Манба: Марказий банк маълумотлари

Кредитлаш амалиётларининг ўсиш суръати ўтган даврга нисбатан микромолия ташкилотларида **104,5** фоиз ва ломбардларда **10** фоизни ташкил этди. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитларнинг **15,2** трлн сўми ёки **94** фоизи жисмоний шахсларга ва **963** млрд сўми ёки **6** фоизи юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, ажратилган кредитларнинг **54** фоизини онлайн кредитлар ташкил этмоқда. Онлайн кредитлаш суръатларининг сезиларли ошиши молиявий экотизмларнинг (*Uzum*) ривожланиши ҳамда насия ва бошқа бўлиб тўлаш савдо сегментининг оммалашиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2.3.6-чизма

Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси




Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда микромолия ташкилотларига исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатишга рухсат берилди¹⁴. Бунда, “муробаҳа”, “исломий ижара”, “салам”, “мушорака” ва “музораба” исломий молиялаштириш механизмлари орқали 2024 йилнинг август-декабрь ойларида **1,1** млрд сўм миқдорида ресурслар ажратилди.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида 2024 йилда ажратилган кредитларнинг аксар қисми 46 фоизи **10** млн сўмгача бўлган кредитларни, 20-50 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 25 фоизни, 50-100 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 15 фоизни ва 10-20 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 14 фоизни ташкил этган.

¹⁴ “Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3536, 2024 йил 26 июль)

2.3.7-чизма


Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид кўрсатилган хизматлар ҳажми

Манба: Марказий банк маълумотлари

Сезиларли ўсиш тенденцияси йирик миқдорда – **50-100** млн сўм миқдорида ажратилган кредитлар ҳажмида кузатилди. Мазкур кредитларнинг жами жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардаги улуши 2023 йилдаги **5** фоиздан **15** фоизга етди.

Мазкур ҳолат жисмоний шахсларга микроқарзлар ажратишда микроқарзлар суммасининг 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача ошириш бўйича қонунчилик талабларига киритилган ўзгартиришлар билан изоҳланади.

2.3.8-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши


Манба: Марказий банк маълумотлари

Юридик шахсларга ажратилган микрокредитлар миқдорлари сегментациясида **50-100** млн сўмгача бўлган кредитларнинг улуши **30** фоизни, 50 млн сўмгача – 29 фоизни, 100-200 млн сўмгача – 25 фоизни, 200-300 млн сўмгача – улуши 14 фоизни ва 300 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар улуши 2 фоизни ташкил этган.

2024 йилда мазкур юридик шахсларга ажратилган микрокредитлар таркибида 50-100 млн сўмгача бўлган кредитларнинг улуши 2023 йилдаги 51 фоиздан 30 фоизгача қисқарган бўлса, 50 млн сўмгача бўлган кредитларнинг улуши 4 фоиздан 29 фоизгача сезиларли ошиши кузатилди.

2.3.9-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк маълумотлари

2025 йил 1 январь ҳолатига микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,7 баробарга** ортиб, **8,4** трлн сўм ташкил этди. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** активлари **1,8 баробарга** (**3,4 трлн сўмга**) ўсиб, **7,9** трлн сўмга ва **ломбардлар** активлари **1,5 баробарга** (**162 млрд сўмга**) кўпайиб, **498** млрд сўмга етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **99** фоизи (**8 трлн сўми**) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, активлар ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **1,8 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **1,9 баробарга**, ломбардларда **1,5 баробарга** ўсиши ҳисобига юзага келган.

2.3.10-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори




Манба: Марказий банк маълумотлари

Бунда, 2024 йил якунида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит қолдиғидаги улуши 1,5 фоизга етди.

2.3.11-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмалари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган **микроқарзлар** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, **7,1** трлн сўмга, **истеъмол** кредитлари ҳажми эса **2,5 баробарга** ошиб, **12,4** млрд сўмга етган бўлса, **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи қарийб **2,1 баробарга** кўпайиб, **379** млрд сўмга, лизинг хизматлари ҳажми **8,5 баробарга** ошиб, **93,1** млрд сўмга ҳамда факторинг хизматлари ҳажми **1,2** млрд сўмга ошиб, **9,5** млрд сўмга етди.

2.3.12-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар (*NPL*) 2024 йилда **2,4** фоизни (қолдиғи 184 млрд сўм) ҳамда муаммоли кредитларни қоплаш коэффициентини (*NPL coverage ratio*) **57** фоизни ташкил этди.

2.3.13-чизма

Муаммоли кредитлар ва уларни қоплаш коэффициенти



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2 баробарга (2,7 трлн сўмга) ошиб, 5,5 трлн сўмни ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари 2 баробарга (2,6 трлн сўмга) ошиб, 5,4 трлн сўмни, ломбардларда эса 3 баробарга (80 млрд сўмга) кўпайиб, 121 млрд сўмни ташкил этган.


2.3.14-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари динамикаси



2.3.15-чизма

Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари


Микромолия ташкилотларининг жами мажбуриятлари 2025 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97 фоизга ошиб, 5,4 трлн сўмни ташкил этди. Унинг 16 фоизи таъсисчилар, 47 фоизи тижорат банклари, 7 фоизи халқаро молия институтлари, 14 фоизи маҳаллий компаниялардан, 2 фоизи облигацияларни жойлаштириш ва 14 фоизи бошқа мажбуриятлардан шакллланган.

Бунда, жалб этилган маблағларда таъсисчилар маблағлари 1,9 баробар (397 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари 2 баробар (1 283 млрд сўм), халқаро молия институтлари маблағлари 1,7 баробар (154 млрд сўм), маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар 3,2 баробар (516 млрд сўм) ва облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар 2,9 баробарга (72 млрд сўм) ошган.


Ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2025 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 194 фоизга ошиб, 121 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 64 фоизи таъсисчилар, 18 фоизи тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва 18 фоиз бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шакллланган.

Бунда, ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари 2,4 баробарга (45 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари 4,6 баробарга (17 млрд сўм) ҳамда маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар 5,4 баробарга (19 млрд сўм) ошган.

2.3.16-чизма

Ломбардлар мажбуриятлари таркиби

2.3.17-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитал динамикаси

Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга (847 млрд сўм) кўпайиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига 2,9 трлн сўмга етган. Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали 1,4 баробарга (764 млрд сўм) ошиб, 2,5 трлн сўмни ва ломбардларда 1,3 баробарга (83 млрд сўм) ошиб, 378 млрд сўмни ташкил этган.


Микромолия ташкилотларининг жами капитали ўсишида устав капиталининг 443 млрд сўмга (54%), фойданинг 158 млрд сўмга (23%), тақсимланмаган фойданинг 122 млрд сўмга (72%) ҳамда захира капиталининг 41 млрд сўмга (70%) ошиши ҳисобига таъминланган.

Ломбардларда мазкур ўсиш фойданинг 47 млрд сўмга (39%), тақсимланмаган фойданинг 33 млрд сўмга (54%), устав капиталининг 14 млрд сўмга (15%) ўсиши ҳисобига юзага келган.


Шунингдек, 2024 йилда ўтган йилга нисбатан микромолия ташкилотлари жами устав капитали таркибида хорижий капиталининг улуши 9,1 фоиздан 8,9 фоизга (112 млрд сўм) пасайган бўлса, ломбардларда 16,8 фоиздан 17,3 фоизга (18 млрд сўм) ошган.

2024 йилда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг ялпи даромадлари 3,4 трлн сўмни, ялпи харажатлари 1,5 трлн сўмни ташкил этиб, жами 1 трлн сўм миқдорида соф фойда олинган.

2.3.18-чизма

**Устав капиталида хорижий капитали
мавжуд микромолия ташкилотлари**

2.3.19-чизма

**Устав капиталида хорижий капитали
мавжуд ломбардлар**

Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларида ялпи даромадлар 3 трлн сўмни, ялпи харажатлар 1,4 трлн сўмни ва соф фойда 833 млрд сўмни ташкил этган бўлса, ломбардларнинг даромадлари ва харажатлари мос равишда 354 млрд сўмни ва 138 млрд сўмни ташкил этиб, 170 млрд сўм миқдорида соф фойда олинган.

2.3.20-чизма

**Микромолия ташкилотларининг кредитлардан олинган фойзли даромадларини
жами даромадлардаги улуши динамикаси**


Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларининг фоизли даромадлари жами даромадларнинг **70** фоизини ташкил этиб, унинг **99,3** фоизи ажратилган кредитлар (*молиявий хизматлар*) ҳисобига шаклланган.

Микромолия ташкилотлар жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар 10 фоизни, операцион харажатлар 44 фоизни ва фоизли харажатлар 46 фоизни ташкил этган. Ломбардлар жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар 11 фоизни, операцион харажатлар 81 фоизни ва фоизли харажатлар 8 фоизни ташкил этади.

2.3.21-чизма

Микромолия ташкилотларининг фоизли даромадлари таркибидаги молиявий хизмат турлари бўйича даромадлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали олинаётган фоизли даромадларда кўрсатилаётган хизматларлар сегментацияси улушида микроқарзларнинг улуши **97-99** фоиз оралиғида шаклланган.

2024 йилда микромолия ташкилотларида **активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)** ўтган йилга нисбатан **9** фоиз бандга камайиб, **19,4** фоизни ташкил этган.

Шунингдек, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** ўтган йилга нисбатан **23,7** фоиз бандга камайиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига **40,5** фоизга етган.


2.3.22-чизма

Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси

Манба: Марказий банк маълумотлари

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами ўртача активлари ҳамда капитали бир йил давомида мос равишда 2 баробар ва 1,5 баробарга ошган бўлса, соф фойда ушбу даврда 34 фоизга ошган.

2.3.23-чизма

Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичи динамикаси

Манба: Марказий банк маълумотлари

2025 йил 1 январь ҳолатига ломбардларда ROA кўрсаткичи **55,6** фоиз ва ROE кўрсаткичи **52,0** фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврида мос равишда 56-59 ва 49-54 фоиз оралиғида шаклланган.

2.4. Кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2.4.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2024 йилда тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш билан бир қаторда, тўловга қобилиятсиз банкларни молиявий барқарорликка путур етказмаган ҳолда бозордан чиқариш механизмларини яратиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шу жумладан барқарорликка хавф солувчи омилларни камайитишга йўналтирилган **макропруденциал сиёсат инструментлари** такомиллаштирилиб борилди.

Бунда, жисмоний шахсларга микроқарз ажратилишида қарз юки кўрсаткичини (*DSTI*) ҳисоблаш тартиби 2024 йилнинг 1 июлидан бошлаб **барча турдаги кредитлар** ажратилишида татбиқ этилди. Шу билан биргаликда, банк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган барча кредитлар ва микроқарзлар сонининг энг кўпи билан **15** фоизгача бўлган миқдорида қарз юки кўрсаткичи ҳисобланмаслиги ёки инобатга олинмаслиги мумкинлиги қайд этилди.

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талабларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали банкларнинг ўзини **ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларини** кредитлаш имкониятлари кенгайтирилди. Бунда, мазкур қарз олувчиларга банклар томонидан микромолиялаштириш фаолияти доирасида кўрсатилган хизматлар бўйича **таваккалчилик даражалари** 100 фоиздан 75 фоизгача туширилди.

Шунингдек, капитал монандлиги ҳисоб-китобида таваккалчилик даражалари жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари ва автокредитлар бўйича **қарз юки кўрсаткичи (*DSTI*)** ва **кредит суммасининг таъминот (*гаров*) суммасига нисбати (*LTV*)** асосида, бошқа кредитлар бўйича қарз юки кўрсаткичи (*DSTI*) асосида ўрнатилиши белгиланди.

Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишга оид талабларга Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда Базель қўмитаси тавсиялари асосида ўзгартиришлар киритилди. Бунда, активлар бўйича муддати ўтган қарздорлик сўндирилганда ва улар бўйича тўловлар кечиктирилмасдан амалга оширилганда **босқичма-босқич яхшиланишига** оид тегишли нормалар киритилди.

Бундан ташқари, факторинг хизматлари кўлами кенгайишини рағбатлантириш мақсадида бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчилик ҳисоб-китобида мазкур хизматлар бўйича таваккалчиликнинг энг кўп миқдори банк **биринчи даражали капиталининг 25** фоизигача оширилди.

Шунингдек, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар жозибадорлигини ошириш мақсадида мазкур ташкилот томонидан чиқарилган **корпоратив облигациялар** юқори ликвидли активлар қаторига киритилди.

Банк фаолиятини белгиловчи қонунчилик меъёрларини янги банк хизматлари ва амалиётларини ҳуқуқий талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди.

Молиявий барқарорлик кенгаши (МБК) стандартларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган **“Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Мазкур қонун лойиҳасида банкларни санация қилиш мақсадлари ва принциплари, санация қилиш воситалари, санация қилишни молиялаштириш механизмлари, Марказий банкнинг санация қилиш бўйича ваколатлари, банкларни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш тартиби, шунингдек Молиявий барқарорлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ қоидалар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, микромолиялаштириш соҳасини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ҳудудларда молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, **“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”**ги Қонунга жисмоний шахсларга ажратиладиган микроқарзнинг энг кўп миқдорини 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Бундан ташқари, етарли салоҳиятга эга микромолия ташкилотларининг тижорат банкига босқичма-босқич ўсиш имконини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан **“Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Мазкур Қонунда микромолия банки институтини жорий этилиши режалаштирилаётган бўлиб, мазкур кредит ташкилоти айрим чекловларни инобатга олган ҳолда банк фаолиятини амалга оширади ва микромолия ташкилоти ҳамда тижорат банки ўртасидаги занжирни боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади.

Бунда, жойлардаги молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш, шунингдек фаолиятини кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш мақсадида микромолия банки банк фаолиятини қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширади:

– жисмоний шахслардан кафолатланган омонат миқдоридан ошмаган миқдорда омонатлар жалб қилиш;

– 5 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кредитлар ажратиш.

Шунингдек, микромолия банки устав капиталининг энг кам миқдори 50 млрд сўмни ва унинг кредит портфелида тадбиркорлик фаолиятига ажратилган кредитларнинг улуши 70 фоизни ташкил этиши лозим.

Ҳисобот йилида тижорат банкларида банк операциялари бўйича маълумотларни шакллантиришда шаффофликни таъминлаш ва банк операциялар ҳисобини алоҳида юритиш, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни тезлаштириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг “ҳисобварақлар режаси”ни МҲХСга мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан:

– ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилган кредитлар ҳисобини алоҳида олиб бориш мақсадида ўзгартиришлар киритилди;

– Кредит ахбороти давлат реестрида ҳаққоний маълумотларни шакллантириш, таҳлил ва назорат қилиш ҳамда тижорат банклари балансидаги активлар, уларга ҳисобланган фоизлар ва бошқа фоизсиз даромадлар, гаровга олинган мол-мулк ва бошқа ҳуқуқлар ҳисобини тартибга солиш ҳамда кредит, лизинг, факторинг билан боғлиқ операцияларни бошқа активлар бўйича операциялардан ҳисобини алоҳида юритиш мақсадида ўзгартиришлар киритилди;

– “Эскирган” тоифадаги чел эл валюталари мижозлар томонидан банкларга тақдим этиш орқали, банк томонидан тегишли валюта тоифаси бўйича эмитент давлатга белгиланган тартибда топшириш имконияти яратилди. Шунинг учун “эскирган” тоифидаги нақд пуллар нафақат Марказий банкка (*сўм фақат Марказий банкка*), балки Тижорат банккаларига (*валюталар эса Марказий банкка ёки тижорат банкига*) ҳам топшириши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда таҳририй ўзгартирилди.

2024 йилда Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган банкларга нисбатан айрим операцияларини тўхтатиш, **жарима санкциялари** ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Хусусан, 2024 йилда Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси қарорларига асосан **28 та** тижорат банклари ва **24 та** микромолия ташкилотларидан жами **16,6** млрд сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Бунда, мазкур жарималарнинг:

– **9,9** млрд сўми ёки **59,6** фоизи иқтисодий меъёрлар талаблари бажарилмаганлиги учун (*23 та банкка нисбатан*);

– **1,8** млрд сўми ёки **10,8** фоизи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ўрнатилган талаблар бузилганлиги учун (*6 та банкка нисбатан*);

– **1** млрд сўми ёки **6** фоизи банклар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги учун (*7 та банкка нисбатан*);

– **1,7** млрд сўми ёки **10,2** фоизи валюта соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилиши, киберхавфсизлик ва трансчегаравий операциялар бўйича талабларга риоя этмаслик, Марказий банкка ҳаққоний бўлмаган (*нотўғри*) маълумотлар тақдим этиш ҳамда банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари бузилиши учун (*19 та банкка нисбатан*) ундирилган.

Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари таъминланмаганлиги, валюта мавқеига ўрнатилган меъёрларга риоя қилинмаганлиги ҳамда Марказий банк Бошқаруви томонидан ўрнатилган талаблар бузилиши сабабли **23 та** банкларга нисбатан **огоҳлантириш** ҳамда **6 та** банкка нисбатан омонатлар жалб қилиш, кредитлар (*лизинг, факторинг, пул маблағлари билан қопланмаган аккредитивлар очиш ва кафолатлар*) бериш амалиётларига **вақтинчалик чеклов ўрнатиш** билан боғлиқ таъсир чоралари қўлланилди.

Шунингдек, вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг банк молиявий барқарорлигига салбий таъсирини камайтириш, уларда макропруденциал буферлар шаклланишини таъминлаш мақсадида, **олдиндан чора кўриш доирасида** банк акциядорларига оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлаш орқали фойдани тақсимлаш учун **23 та** банкка нисбатан **тақиқлаш чоралари қўлланилди**.

2.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштирилиб, бозор муносабатларининг янада кенгайиши шароитида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг янгича ва муқобил воситаларини ишлаб чиқишга, хусусан, тадбиркорлик лойиҳаларига кафолат (*кафиллик*) ёрдамини тақдим этиш қўламини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда, Марказий банк томонидан **“Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Мазкур Қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит, лизинг ва аккредитивларга кафолат (*кафиллик*) бериш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс – кафолатлар бериш ташкилотини жорий этиш ҳамда уни нобанк кредит ташкилотлари қаторига киритиш назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига қўйилган айрим чекловлар ҳам юмшатишмоқда. Хусусан:

– нобанк кредит ташкилотларига жисмоний шахс бўлган таъсисчиларидан амалдагига нисбатан 2 барабар кўп миқдорда қарз маблағларини жалб қилишга рухсат берилмоқда;

– нобанк кредит ташкилоти устав фондидаги 10 фоизлик улушни олишда Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиш талаби 20 фоизга оширилмоқда. Бунда, 10 фоиздан 20 фоизгача бўлган улушни олишда Марказий банкни хабардор қилиш тартиби жорий этилмоқда;

– микромолия ташкилотларига тегишли лицензия олган ҳолда тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш, шунингдек юридик шахсларга хорижий валютада молиявий хизмат кўрсатиш ваколати берилмоқда.

Шунингдек, “Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бунда:

– Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган

ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-914-сон қонунининг 1-моддасига асосан мазкур йўриқноманинг 46 ва 48-бандларига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддасида белгиланган тартибда қопланиши киритилди;

– ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилган кредитлар ҳисобини алоҳида олиб бориш мақсадида алоҳида ҳисобварақлар киритилди;

– нобанк кредит ташкилотлари томонидан ҳисобланган фоизлар бўйича захиралар шакллантириш ҳамда ҳисобини юритиш мақсадида янги ҳисобварақ билан тўлдирилди;

– амалиётдан келиб чиқиб, сақловга қабул қилинган қимматбаҳо буюмлар ҳисобини алоҳида олиб бориш мақсадида ҳисобварақ киритилди.

Ҳисобот йилида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолияти устидан **масофадан назорат** тадбирлари амалга оширилиб, ўрганиш натижаларига пруденциал нормативларга амал қилиш ҳолатлари юзасидан маълумотлар **Банк назорати қўмитаси муҳокамасига киритиб борилди.**

2024 йил давомида Банк назорати қўмитасининг тегишли қарорларига мувофиқ жами **30 та микромолия ташкилоти** ҳамда **5 та ломбардга** тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, **текшириш** натижаларига кўра **1 та** микромолия ташкилотининг актив амалиётлари **3 ой муддатга чеклаш**, **5 та** микромолия ташкилоти ва **3 та** ломбардга жами **492** млн сўм миқдорида **жарима** ҳамда **2 та** микромолия ташкилотига нисбатан **огоҳлантириш** чоралари қўлланилди.

Масофадан ўрганиш натижаларига кўра **1 та** микромолия ташкилотининг актив амалиётлари **3 ой муддатга чеклаш**, **11 та** микромолия ташкилотига жами **170** млн сўм **жарима** ҳамда **10 та** микромолия ташкилоти ва **2 та** ломбардга нисбатан **огоҳлантириш** чоралари қўлланилди.

Шунингдек, микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятида молиявий ва назоратга оид ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича **методик тавсия** ишлаб чиқилди.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолияти

Тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни амалга ошириш доирасида **3 та** тўлов ташкилоти фаолияти текширувидан ўтказилди. Текширув натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан огоҳлантиришлар берилди ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан 2024 йилда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларига нисбатан айрим тўлов хизматларини вақтинча тўхтатиш, жарима санкциялари ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Жумладан, тўлов тизимларига оид қонунчилик талабларини бузганлиги учун **1 та** тўлов ташкилотидан **1 та** ҳолат учун **100** млн сўм миқдорида жарима ундирилди.

Тўлов тизимларига оид қонунчилик талабларини бузганлиги учун **1 та** тўлов тизими оператори ва **1 та** тўлов ташкилоти фаолиятига чекловлар ўрнатилди, хусусан:

– лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида тўлов тизими оператори фаолияти амалга оширилмагани, “тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш (бошлаш)” тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармагани, фаолиятида рухсат этилмаган тўловлар ўтказилишига йўл қўйгани учун тўлов тизими операторининг айрим хизматларини кўрсатишга;

– аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича юборилган тавсияларга амал қилмаганлиги сабабли тўлов ташкилотининг айрим тўлов хизматларини кўрсатишга **олти ой муддатга чеклов ўрнатилди**.

Тўлов ташкилотлари фаолиятига лицензия олинган кундан эътиборан **бир йил давомида** фаолият кўрсатмаганлиги ва фаолиятини **олти ойдан ортиқ** даврга тўхтаб турганлиги муносабати билан **1 та** тўлов ташкилотининг, шунингдек, қонун талабини бир марта қўпол тарзда бузганлиги (*рухсат этилмаган тўловларни амалга ошириш учун шароит яратганлиги*) учун **1 та** тўлов ташкилотининг фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинди.

6-ҳавола

Марказий банкнинг банк назорати қўмитасининг 2024 йилдаги фаолияти

Банк назорати қўмитаси томонидан Марказий банкнинг назоратга оид вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил давомида **84 та** йиғилиш ўтказилган бўлиб, уларда жами **418 та**, шу жумладан **рухсат бериш тартиботи** билан боғлиқ – **284 та** ва **банкларнинг молиявий ҳолати** билан боғлиқ – **134 та** масала муҳокама қилинди.

Рухсат бериш тартиботи масаласида:

– тижорат банклари кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларининг номзодларини кўриб чиқиш бўйича 123 та;

– кредит ташкилотлари уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш бўйича 64 та;

– ташкилий-ҳуқуқий шаклига қўйилган талабларга мослаштирилган тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига лицензияларини қайта расмийлаштириш бўйича 42 та;

- кредит ташкилотлари уставидаги улушга эгалик қилишга рухсат бериш бўйича 22 та;
- тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотларини лицензиялаш ва чақириб олиш бўйича 9 та;
- микромолия ташкилотларини ҳисоб-руйхатдан ўтказиш бўйича 13 та, аудиторларга малака сертификати бериш бўйича 9 та ҳамда чет эл банкларига ваколатхона очишга рухсат бериш бўйича 2 та масалалар муҳокамаси бўлиб ўтди.

Банкларнинг молиявий ҳолати юзасидан:

- Марказий банк талабларининг бажарилиши юзасидан масофавий ва жойида ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича 79 та;
- кредит ташкилотлари томонидан пруденциал нормативларнинг бажарилиш ҳолати бўйича 14 та;
- субординар қарзларни муддатидан олдин қайтаришга рухсат бериш, мақбул бўлган банклар ва тизимли аҳамиятга эга банклар рўйхатини тасдиқлаш бўйича 7 та;
- тақиқни бекор қилиш ва чеклов ўрнатиш ҳамда айрим хизматларни аутсорсинга бериш бўйича 6 та;
- ўрганишлар ўтказишни тайинлаш бўйича 9 та, банклар фойдасини тақсимлаш, пруденциал назорат дастурини тасдиқлаш ва қўмдон дирасида молиявий хизматлар кўрсатишга рухсат бериш каби 19 та масалалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Банк назорати қўмитасининг тегишли қарори билан **7 та банк 2025 йил учун тизимли аҳамиятга молик банклар** сифатида белгиланди.

2.4.3. Кредит ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш

Марказий банк 2024 йилда банклар, nobank кредит ташкилотлари ҳамда тўлов ташкилотларининг ички назорат қоидаларига ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш (*кейинги ўринларда ЖДЛ ва ТМ*) билан боғлиқ шубҳали операциялар бўйича ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш юзасидан тизимли ишларни давом эттирди.

Мазкур жараёнларда соҳага оид таваккалчиликларни аниқлаш, уларни минималлаштириш механизмларини такомиллаштиришга ҳамда тизимнинг ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан рискларни секторал баҳолаш жараёни давом эттирилиб, банк, nobank кредит ташкилотлари ҳамда тўлов ташкилотларида соҳага оид рискларни баҳолаш ишлари амалга оширилди. Бунда, асосий эътибор секторлардаги юқори рискли маҳсулот ва хизматлар, реализация қилиш каналлари ва мижозлар турларини аниқлаш билан биргаликда соҳага оид мавжуд таҳдидларни ҳамда уларни амалга ошиши учун

хизмат қилиши мумкин бўлган заифликларни чуқур таҳлил қилишга ҳамда ҳар бир секторнинг ЖДЛ ва ТМ бўйича соф риск даражасини аниқлашга қаратилди.

Баҳолаш доирасида назорат остидаги секторлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, миждоз турлари, маҳсулот ва хизматлар ҳамда уларни амалга ошириш каналлари бўйича маълумотлар жамланиб, таҳлил қилиниб, рискларни камайитириш бўйича банклар ва тўлов ташкилотлари учун тавсиялар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Секторлардаги юқори рискли маҳсулот ва хизматлар, реализация қилиш каналлари ва миждозлар турларини аниқлашда фақатгина уларнинг ўзига хос хусусиятларига таянилган ҳолда баҳоланиши назорат остидаги ташкилотларга аниқланган юқори рискли маҳсулот ва хизматлар, реализация қилиш каналлари ва миждозлар турларига нисбатан ўзларининг ички ҳужжатларида белгиланган превентив чораларни инобатга олган ҳолда мустақил баҳолашни ўтказиш имконини бериб, ички заифликларни мустақил аниқлашда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ҳисобот йилидаги рискларни секторал баҳолаш натижасида банк маҳсулотлари ва хизматларидан нақд пул операциялари, электрон тўлов воситалари ҳамда халқаро пул ўтказмалари энг юқори хавф даражасига эга деб баҳоланди.

Хусусан, миждозларнинг банк ҳисобварақларига нақд пул маблағларини киритиши, хорижий электрон ҳамёнлар орқали транзакциялар, жисмоний шахслар ўртасидаги картадан-картага пул ўтказмалар (*P2P операциялар*), юридик шахсларнинг ҳисобварағидаги пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш, халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш ва жўнатиш операциялари ЖДЛ ва ТМ мақсадида фойдаланиш эҳтимоли юқори бўлган операциялар сифатида қайд этилди.

Масофавий хизмат кўрсатиш каналлари, улардан фойдаланишда ҳақиқий фойдаланувчини аниқлаш имкониятларини чегараланганлиги ва натижада улардан номинал шахслар томонидан фойдаланиш эҳтимоли юқори бўлганлиги сабабли юқори таваккалчилик тоифасига киритилди.

Баҳолаш жараёнида секторлар бўйича асосий таҳдид ва заифликлар ҳам аниқланиб, улар билан боғлиқ рискларни минималлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда, назорат остидаги ташкилотларга қуйидаги йўналишларга асосий урғу бериш юзасидан кўрсатмалар берилди:

- ЖДЛ ва ТМ риски юқори бўлган мамлакатлар билан операциялар;
- миждозларнинг пул маблағларининг манбаларини ўрганиш;
- бенефициар мулкдорларини аниқлаш ва ўрганиш бўйича тартиб-таомилларнинг тўлиқлигини таъминлаш;
- шубҳали операцияларни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш;

– мижозларнинг риск профилини батафсил баҳолаш ва юқори хавфли транзакциялар бўйича мониторинг тизимларини кучайтириш.

Қайд этиш лозимки, рискларни баҳолаш натижалари Марказий банкнинг ва унинг назорати остидаги ташкилотларнинг соҳага оид рискларни тушуниш даражасини янада оширишга хизмат қилиб, назорат ҳамда превентив чораларни амалга оширишда ресурсларни самарали аниқлаш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш устуворлигини белгилаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг монанд механизмларини шакллантириш ва уларни актуал ҳолатда ушлаб туриш имконини беради.

2023 йилдаги баҳолаш натижалари бўйича Марказий банк бошқарувининг қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк, нобанк ва тўлов хизматлари секторларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ рискларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи” тасдиқланиб, аниқланган рискларни минималлаштириш доирасида Марказий банк томонидан 2024 йилда 4 та тавсиявий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Хусусан, 2024 йилда Марказий банк томонидан:

Тижорат банкларининг, нобанк кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш фаолиятига доир;

Банклар, нобанк кредит ташкилотлари ва тўлов ташкилотлари учун мижознинг бенефициар мулкдорини аниқлаш;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш схемаларини аниқлаш учун комплекс таҳлил ўтказиш;

Юридик шахсларнинг пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш ва бошқа юридик шахсларга пул маблағларини ноқонуний равишда нақдлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахсларни аниқлаш бўйича тавсиявий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Ўз навбатида, мазкур қўлланмалар асосида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини, мижозларнинг бенефициар мулкдорларини, ЖДЛ ва ТМ схемаларини, юридик шахсларнинг ҳисобварағидан пул маблағларини

ноқонуний нақдлаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш ва олдини олиш чоралари самараси оширилди. Банкларга мижозларнинг мазкур йўналишлар бўйича риск профилини баҳолаш тизимини жорий этиш юклатилди ва юқори хавфли операцияларни аниқлаш ва мониторинг қилиш чоралари кучайтирилди.

Ушбу қўлланма асосида тижорат банкларида назорат қилиш тартиб-қоидалари такомиллаштирилди, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган шубҳали операцияларни аниқлаш ва мониторинг қилиш бўйича мезонлар ишлаб чиқилди ва назорат тадбирларида аниқланган камчиликларни олдини олиш учун банкларга тавсиялар берилди.

Ҳисобот йилида риск профили бўйича таваккалчилик даражаси юқори бўлган 6 та тижорат банкида жойига чиққан ҳолда текширишлар масофавий мониторинг, риск профилини баҳолаш жараёнида юқори рискни ташкил этган операциялар ва мижозлар бўйича, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг тақдимномалари асосида 21 та тижорат банки, 10 та тўлов ташкилоти ва 2 та тўлов тизими операторида соҳага оид масалалар юзасидан масофадан назорат тадбирлари ўтказилди.

Нazorat тадбирлари натижалари бўйича тегишли хато ва камчиликларга йўл қўйган 10 та тижорат банки ва 7 та тўлов ташкилотига нисбатан жарима чораси, шунингдек, 20 та тижорат банки, 2 та тўлов тизими оператори ҳамда 6 та тўлов ташкилотига нисбатан келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантириш билан боғлиқ чоралар қўлланилди.

Марказий банк, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 январдаги 16-сонли қарорига мувофиқ, “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан” келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламоқда.

Ҳусусан, 2024-йилда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи Котибиятининг таклифига асосан Марказий банк вакиллари ишчи гуруҳ умумий йиғилишларида иштирок этдилар. Ушбу тадбирларда молиявий хавфсизлик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ва халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида Марказий банк ходимларининг Евроосиё гуруҳи эксперт-баҳоловчиларни тайёрлаш дастури ва форумида иштироки таъминланиб, Марказий банк ходимларининг малакаси оширилди ва уларнинг икки нафари эксперт-баҳоловчи сертификатини олди.

2.5. Факторинг операцияларини ривожлантириш борасидаги фаолият

Ҳисобот йилида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг кўчар активларга асосланган инструментларини ривожлантириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда молиялаштириш операцияларидан фойдаланишнинг янги механизми – факторинг тизими жорий этилди.


2024 йил сентябрь ойидан бошлаб электрон рақамли факторинг платформалар фаолияти йўлга қўйилиб, унга кўра, тадбиркорлик субъектлари банкларига ташриф буюрмаган ҳолда, факторинг хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлди.

Натижада, бугунги кунда **4 та, Oz planet, Finmakon, Factoring.uz** ва **B2** электрон факторинг платформалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларга **26 та** тижорат банклари уланиши таъминланди.

2024 йилда амалга оширилган факторинг хизматлари ҳажми **1,9** трлн сўмга етиб, шундан **1,6** трлн сўми (85%) тижорат банклари ва **0,3** трлн сўм (15%) микромолия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Бунда, жами кўрсатилган факторинг хизматларининг **58** фоизи ёки **1,1** трлн сўми **электрон факторинг платформалари** орқали амалга оширилди.


2.5.1-чизма

**Кредит ташкилотлари томонидан
кўрсатилган факторинг хизматлари
ҳажми**



2.5.2-чизма

Факторинг хизматлари ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари банклар кесимида **Асака** банкда 561 млрд сўмни (шундан, электрон платформа орқали 151 млрд сўм), **Ўзмиллийбанк**да 304 млрд сўмни (270 млрд сўм), **Ўзсаноатқурилишбанк**да 162 млрд сўмни (122 млрд сўм), шунингдек

хусусий банкларда жами 348 млрд сўмни (342 млрд сўм), жумладан **Капитал банкда** 96 млрд сўмни (96 млрд сўм), **Анор банкда** 50 млрд сўмни (50 млрд сўм) ташкил этди.

Микромолия ташкилотлари томонидан ҳам ушбу даврда жами 277 млрд сўмлик дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилди.

2.5.3-чизма

Кредит ташкилотлари кесимида 2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматлари миқдори




Манба: Марказий банк маълумотлари

Худудлар кесимида 2024 йилда кўрсатилган факторинг хизматларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида **1,4** трлн сўм (76%), Навоий вилоятида **160** млрд сўм (8,6%), Фарғона вилоятида **120** млрд сўм (6,5%) ва Хоразм вилоятига **31** млрд сўм (1,7%) тўғри келади.

2.5.4-чизма

Кўрсатилган факторинг хизматларининг худудлар кесимида тақсимланиши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган факторинг хизматлари ҳажми 2024 йилнинг иккинчи ярмида, хусусан, ноябрь–декабрь ойларида сезиларли ўсиш кузатилган бўлиб, декабрь ойида **630** млрд сўм билан энг юқори кўрсаткичга эришилган.

2.5.5-чизма

Кредит ташкилотлари томонидан 2023-2024 йилларда факторинг хизматларининг ойлик динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Мижозларнинг ташкилий шакли бўйича кўрсатилган факторинг хизматларининг тақсимоотида энг юқори улуш масъулияти чекланган жамиятларга – **1,3** трлн сўм ёки **68** фоиз миқдорида факторинг хизматлари кўрсатилган бўлиб, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга **360** млрд сўмни (**19%**) ташкил этган.

2.5.6-чизма

Факторинг хизматлари корхоналар ташкилий шакли бўйича таҳлили




Манба: Марказий банк маълумотлари

Кўрсатилган факторинг хизматлар тақсимоотида **30** фоизи 121 кундан 180 кунгача, **23** фоизи – 61 кундан 90 кунгача, **21** фоизи – 30 кунгача, **16** фоизи – 31 кундан 60 кунгача ҳамда **10** фоизи – 91 кундан 120 кунгача бўлган муддатларга ажратилган.

2.5.7-чизма

Факторинг хизматлари муддатлари бўйича таҳлили



2.5.8-чизма

Факторинг хизматлари кўрсатилган иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимооти



Манба: Марказий банк маълумотлари

Факторинг хизматлари иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилган бўлиб, уларнинг асосий қисми **савдо ва хизмат кўрсатиш** соҳасига **833** млрд сўм (**48%**) ҳамда **саноат** соҳасига **800** млрд сўм (**42%**)ни ташкил этади.

Шунингдек, бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич факторинг хизматлари кириб келаётган бўлиб, хусусан, **қурилиш** ва **қишлоқ хўжалиги** секторларида мос равишда **109** млрд сўмлик (**6%**) ва **69** млрд сўмлик (**4%**) дебиторлик қарздорликлари молиялаштирилди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш

3.1.1. 2024 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили

2024 йилда пул-кредит сиёсати иқтисодиётда инфляцияга ялпи талаб томондан бўлган босимларни юмшатиш, аҳолининг жамғариш фаоллигини рағбатлантириш, иқтисодиётда реал фоиз ставкаларининг мақбул даражада бўлишини ҳамда инфляциянинг ўрта муддатли таргет кўрсаткичига эришилишини таъминлаш мақсадларига йўналтирилди.


2023 (октябрь) ва 2024 (апрель) йиллардаги энергия тарифлари ўзгаришининг нархлар шаклланишига иккиламчи таъсири прогнозлардагидан паст бўлганлиги, инфляциянинг кутилаётган динамикаси ва инфляцияни оширувчи хатарларнинг камайганлигини инобатга олиб, июль ойида асосий ставка 14 фоиздан 13,5 фоизга пасайтирилди ҳамда йил давомида ушбу даражада ўзгаришсиз сақлаб қолинди.

Марказий банк асосий ставкаси даражасининг йилнинг II ярмида ўзгаришсиз сақланиб қолиниши, шунингдек октябрь ойидан инфляциянинг пасайиб боровчи тенденцияга ўтиши пул бозоридаги **реал фоиз ставкаларининг 2,2-5,1** фоиз оралиғида шаклланишига ва иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини таъминланишига хизмат қилди.

2024 йилда пул бозорида ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси **14,5** фоизни ташкил этган бўлса, умумий ликвидликнинг ортиши ҳисобига декабрь ойига келиб, **13,9** фоизгача пасайди ва тўлиқ фоиз коридорида шаклланди.


3.1.1.1-чизма

Марказий банк асосий ставкаси
динамикаси



3.1.1.2-чизма

Банклараро пул бозори
фоиз ставкалари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари 2024 йил январь-май ойларида ўртача 21,3 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойига келиб, **22,1** фоизгача етди.

3.1.1.3-чизма

**Аҳолининг миллий валютадаги
муддатли депозитлари бўйича фоиз
ставкалари**



3.1.1.4-чизма

**Миллий валютадаги кредитлар
бўйича фоиз ставкалари**



Манба: Марказий банк маълумотлари

Иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини таъминланиши ва пул бозоридаги **фоиз ставкаларнинг** ижобий реал даражада сақланиб қолиши натижасида, 2024 йилнинг декабрида аҳоли депозитларининг фоиз ставкаси уларнинг инфляцион кутилмаларга нисбатан **11,2** фоизлик реал даражада шаклланди.

Миллий валютадаги **муддатли депозитлар** бўйича реал фоиз ставкалари ҳам **6,3-9,0** фоиз атрофида шаклланди.


Мазкур ижобий реал фоиз ставкалари миллий валютадаги депозитлари ҳажмининг сезиларли даражада ўсиб боришига ҳамда 2024 йил давомида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари 1,6 баробарга ва корпоратив муддатли депозитларни 1,5 баробарга ошишига хизмат қилди.

Кредитларга бўлган талабнинг юқори сақланиб қолиши фонида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси йил якунида 11 ойлик даражасидан мос равишда 0,5 фоиз бандга ошиб 24,9 фоиз доирасида шаклланди. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставка эса йил давомида нисбатан барқарор шаклланиб, декабрь ойида ўртача 22,4 фоизни ташкил этди.

Банк тизими умумий ликвидлиги ҳолатидан келиб чиқиб, пул бозорида ортиқча ликвидлик мавжудлиги кузатилган ҳолларда **Марказий банк облигацияларининг** қўшимча эмиссияси амалга оширилди.

3.1.1.6-чизма

Марказий банк облигациялари эмиссияси динамикаси



2025 йилнинг 1 январь ҳолатига муомаладаги Марказий банк облигациялари қолдиғи **11 трлн** сўмни ташкил этди.

Марказий банк кредит қўмитасининг 2024 йилдаги фаолияти

2024 йилда Кредит қўмитаси (*бундан буён – қўмита*) томонидан асосий ставкани кўриб чиқиш ва Пул-кредит сиёсати трансмиссия механизмлари самарадорлигини ошириш ҳамда 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаш масалалари юзасидан 8 маротаба муҳокамалар ўтказилди.

Асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича қўмита муҳокамаларида асосий эътибор инфляция бўйича белгиланган таргет кўрсаткичига эришишда инфляцион омиллар таъсирини минималлаштириш учун иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини сақлаб қолишга, инфляцияга монетар омиллар таъсирини пасайтириш механизмларини такомиллаштириб боришга ҳамда пул-кредит операцияларининг оптимал миқдорларини белгилаш орқали банк тизими ликвидлигини самарали бошқаришга қаратилди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан нархлар ошишига сабаб бўлаётган омиллар, тартибга солинадиган нархларга киритилган ўзгартиришларнинг инфляцион кутилмаларга таъсирини ва инфляция даражасига босимини пасайтириш чоралари кўриб бориш ҳамда тариф ва нотариф чекловлар ҳамда уларни Ҳукумат билан биргаликда бартараф этиш бўйича асослантилган таклифлар Президент Администрациясига даврий равишда киритиш учун тайёрланиб борилди.

Қўмита томонидан 2024 йилнинг январь-июль ойларида ўтказилган муҳокамаларда 5 ҳолатда асосий ставкани **йиллик 14 фоиз** сақлаб қолиш бўйича таклиф Марказий банк бошқарувида киритилган. Марказий банкнинг Бошқаруви июль ойида асосий ставкани 14 фоиздан 13,5 фоизга тушириш бўйича қарор қабул қилган.

2024 йил апрель ойида ўтказилган қўмита муҳокамасида Марказий банк бошқарувида асосий ставкани ўзгаришсиз – **йиллик 14 фоиз** даражасида қолдириш ёки **1 фоиз бандга** ошириб, 15 фоиз даражасида белгилаш бўйича 2 та вариант тақдим этилган.

Август-декабрь ойларида қўмита томонидан 3 та ҳолатда 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш бўйича таклиф Марказий банк бошқарувида киритилган ҳамда ушбу даврда асосий ставкани 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш бўйича Бошқарув қарори қабул қилинган.

Қўмитанинг 2024 йил 12 июндаги муҳокама йиғилишида хорижий валютадаги депозитлар бўйича мажбурий захиралаш меъёрини жорий 18 фоиздан 14 фоизгача пасайтириш ва ўртачалаш коэффициентини 100 фоизгача ошириш имкониятлари кўриб чиқилди ҳамда Марказий банк бошқарувида киритилиши белгиланди.

Ушбу ўзгариш, хорижий валютадаги депозитлар бўйича мажбурий захиралаш меъёрини пасайтириш орқали банкларга харажатлар босимини маълум даражада камайитириш, уларнинг ликвидлик ҳолатини яхшилаш ва **банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларини** муқобиллаштириш имконини бериши билдирилди.

Молия бозори иштирокчиларига давлат қимматли қоғозлар муддатлари ва фоиз ставкалари ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида маълумот тақдим этиш ва иқтисодиёт субъектларининг инвестицион қарор қабул қилишига қўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган Давлат қимматли қоғозлари даромадлилик эгри чизигини кўриб чиқиш бўйича Марказий банк бошқарувида таклифлар киритилди.

Шунингдек, пул-кредит сиёсатининг 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларининг дастлабки концептуал лойиҳаси Марказий банк

Бошқаруви муҳокамасига киритиш ҳамда ушбу ҳужжатда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда:

– пул-кредит сиёсати операцион механизмини такомиллаштириш бўйича чораларни фаол давом эттириш, шу жумладан, банклараро пул ва РЕПО бозорлари ҳамда Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича меъёрий ҳужжатларни хорижий экспертлар иштирокида юридик аудитдан ўтказиш;

– макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш салоҳиятини ошириш, шу жумладан, қисқа муддатли моделлар қаторини кенгайтириш ва прогноз қилинадиган макроиктисодий кўрсаткичлар қўламини ошириш, Чораклик прогнозлаш ва динамик стохастик умумий мувозанат (DSGE) моделлари параметрларини қайта кўриб чиқиш;

– пул-кредит сиёсати коммуникациясини ривожлантириш ва мулоқот каналларини кенгайтириш бўйича таклифлар маъқулланган.

3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар

2024 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит чоралари трансмиссион каналини яхшилаш, банк тизими ликвидлигини самарали бошқариш ва пул бозорида фоиз ставкаларни тўғри шаклланишини таъминлаш учун пул-кредит сиёсатининг операцион механизми такомиллаштирилиб борилди.

Хусусан:

– Марказий банк овернайт операцияларини амалга ошириш ойнасининг банк тўлов куни яқунланганидан сўнг 1 соат давомида очик бўлишини таъминлаш;

– “кун давомидаги кредит инструменти” жорий этилиб, кун давомида гаров эвазига фоизсиз кредитлар бериш;

– пул-кредит операцияларини амалга оширишда кредит хатарини минималлаштириш мақсадида ликвидликни тақдим этишга мўлжалланган операциялар бўйича гаров мулкига нисбатан 5 фоизлик чегирма қўллаш;

– пул-кредит операцияларини амалга оширишда валюта курси ўзгариши хатарини олдини олиш мақсадида валюта гарови асосидаги овернайт кредит операцияси ва 1 ҳафталик кредит аукционни амалиёти йўлга қўйилди.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан ҳар куни асосий ставканинг қуйи чегарасида овернайт депозит операциялари, ҳафтанинг пайшанба кунлари эса Марказий банкнинг асосий ставкасида чекланмаган миқдорда депозит аукционлари ўтказиб борилди.

Бундан ташқари, 2025-2030 йилларда тижорат банклари мажбуриятларини мажбурий захиралаш талаби билан **қамраб олиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш**, тижорат банкларига қўшимча юкламани пасайтириш мақсадида хорижий валютадаги мажбуриятлари бўйича мажбурий захиралаш талабини мос равишда пасайтириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, хорижий валютадаги депозитлар учун шакллантириладиган мажбурий захира талаби 2024 йил 1 июлдан аввалги 18 фоиздан **14 фоизгача пасайтирилди** ва ўртачалаш меъёри 80 фоиздан 100 фоизгача оширилди. Бунинг натижасида, **банкларда қўшимча 3 трлн сўм ликвидликни тасарруф этиш** имкониятлари вужудга келди.

Умуман олганда, 2024 йилда умумий ликвидлик даражасини тартибга солишчи пул-кредит сиёсати инструментлари ёрдамида амалга оширилган операциялар ҳажмларининг банк тизими ликвидлиги ҳолатига ва белгиланган нормативларнинг тижорат банклари томонидан бажарилиш даражасига боғлиқлиги кучайди.

3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари


2024 йилда пул бозоридаги операцияларнинг ҳажми 2023 йилга нисбатан 31 фоизга ошиб, жами **507** трлн сўмни ташкил этди ва бунда, депозит операциялари ҳажми динамикасида пасаювчи тенденция давом этиб, 25 фоизга қисқарган бўлса, РЕПО операциялари ҳажми 3,6 баробарга ошди.

Ушбу тенденция, ўз навбатида, банклараро амалиётларда кредит хатарларини бошқаришда **гаров мулкига бўлган талабнинг** кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Муомаладаги давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ортиб бориши фонида РЕПО операцияларининг ликвидликни **қайта тақсимлашдаги** роли ва аҳамиятини оширмоқда.


3.1.3.1-чизма

Банклараро пул ва РЕПО амалиётлари



3.1.3.2-чизма

Банклараро пул ва РЕПО операциялар фоиз ставкаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йилда пул бозорида РЕПО операцияларининг улуши 54 фоизни ташкил этиб, 2024 йил давомида муомаладаги давлат қимматли қоғозлари ҳажми 2 баробардан зиёдга ошди ва йил якунида **44** трлн сўмга етди.

2024 йилда пул бозорининг ўртача тортилган фоиз ставкаси 14,1 фоизни, хусусан, депозит операциялар бўйича фоиз ставкалар 14,5 фоизни, РЕПО операциялар ставкаси 13,7 фоизни ташкил этди. Қайд этиш жоизки, депозит операциялари фоиз ставкалари бироз юқори шаклланганлиги, ўз навбатида, ушбу операциялар таркибида бир кундан юқори муддатли операцияларнинг улуши ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Пул бозорининг бенчмарк фоиз ставкаси ҳисобланган UZONIA фоиз ставкаси 2024 йилда тўлиқ фоиз коридори доирасида (*йил давомида ўртача 13,6%*) асосий ставкага яқин шаклланди. UZONIA фоиз ставкаси ва асосий ставка ўртасидаги тафовутнинг қисқариши умумий ликвидлик **профицитининг қисқариши** ва банклар томонидан нархни белгилаш жараёнидаги ижобий ўзгаришлар билан изоҳланади.


3.1.3.3-чизма

UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси
динамикаси



3.1.3.4-чизма

Пул бозоридаги муддатлар бўйича
фоиз ставкалари



Манба: Марказий банк маълумотлари


Шу билан бирга, 2024 йилда **бир кундан юқори** муддатли операциялар бўйича ҳам фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди ва йил якунида Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланиб борди. Хусусан, 2024 йилда муддати 2-7 кунлик операциялар бўйича ўртача фоиз ставкалари 15,2 фоизни, 8-30 кунлик операциялар бўйича 16,5 фоизни ташкил этди.

Бир кундан юқори муддатли операциялар фоиз ставкаларининг пасайиши РЕПО бозорида ликвидликнинг таъминланмаган банклараро депозит бозорига нисбатан арзонлиги, яъни гаров мулки сифатида давлат қимматли қоғозларининг қўлланилиши ҳисобига кредит хатарининг пастлиги ва ликвидлик профицитининг ўсиши фонида банкларнинг ликвидлик хатари бўйича кутилмаларининг пасайиши билан изоҳланади.

2024 йилда тижорат банклари томонидан ликвидликни асосан овернайт операциялар орқали бошқариш маъқул (*афзал*) кўрилиб, пул бозоридаги жами амалиётларнинг 77,7 фоизи 1 кунлик депозит операцияларига тўғри келди.

3.1.3.5-чизма

Пул бозоридаги операцияларнинг муддати бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари


3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2024 йилда ички валюта бозори глобал иқтисодиётдаги нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари сақланиб қолиши, юқори иқтисодий фаоллик фонида чет эл валютасига бўлган умумий талаб ҳамда таклиф ҳажмининг ортиши шароитида шаклланди.

Ҳисобот йилида ички валюта бозорида чет эл валютасидаги умумий таклиф ҳажми (*Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олмаганда*) **40,5** млрд долларни ташкил этиб, шундан **17,7** млрд доллари (**44%**) хўжалик юритувчи субъектлар, **17,2** млрд доллари (**43%**) банклар ва жисмоний шахслар ҳамда **5,6** млрд доллари (**14%**) марказлашган манбалар ҳисобига қондирилди.

3.1.4.1-чизма

Ички валюта бозоридаги чет эл валютаси таклифи манбалари




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, ушбу даврда чет эл валютасига бўлган талабнинг умумий ҳажми **48,1** млрд долларга етиб, 2023 йилга нисбатан **13** фоизга ошди. Ушбу талабнинг **80,6** фоизи **юридик шахслар** ва **19,4** фоизи **жисмоний шахслар** ҳиссасига тўғри келди.

Юридик шахсларнинг валюта операциялари. 2024 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб **38,8** млрд долларни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **16** фоизга ошди.

3.1.4.2-чизма

Сотиб олинган чет эл валютаси мақсадлари таркиби




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ички валюта бозоридаги чет эл валютасининг **53** фоизи ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, хомашё ва хизматлар импорти, **26** фоизи хорижий кредитларни сўндириш, **18** фоизи халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **1** фоизи хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва **2** фоизи бошқа мақсадлар учун харид қилинган.

3.1.4.3-чизма

Импорт тўловлари манбалари




Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт тўловлари ҳажми 2023 йилга нисбатан **7** фоизга ошиб, **39,1** млрд долларга (*реэкспорт ҳисобга олинмаган*) етди ва ушбу тўловларнинг **64** фоизи ички валюта бозоридан сотиб олинган валюта маблағлари ҳисобидан қопланди.

3.1.4.4-чизма

АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан алмашув курси динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан **алмашув курси 12 342 – 12 928** сўм диапазонида шаклланиб, **4,5** фоизга қадрсизланди.

3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялари таҳлили

Ташқи иқтисодий фаолликдаги ноаниқликлар ҳамда хатарларнинг сақланиб қолаётганлиги шароитда валюта соҳасида мувозанатли сиёсат олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

2024 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлаш, активларнинг репатриация қилинишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада мониторингни такомиллаштириш масалаларида валюта назорати органлари билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Хусусан, ташқи савдо шартномалари доирасида муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлган хўжалик субъектларига **кафолатланган тўлов турларидан фойдаланиш** талаби жорий қилинди.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий ҳамкорлик ва капитал оқимини бошқариш масалалари алоҳида ёндашувни талаб этишини инобатга олиб, ҳисобот йилида хусусий инвестицияларни жадаллаштириш, ички имкониятларни мамлакат иқтисодиётига йўналтириш мақсадида капитал ҳаракати операциялари бўйича ёндашув ўзгаришсиз қолдирилди.

3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили

2024 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг жами **экспорт тушумлари** (*махсус экспортдан ташқари*) 2023 йилга нисбатан **8** фоизга ўсиб, **16,8** млрд долларни ташкил этган бўлса, товар ва хизматлар учун хорижга ўтказилган **импорт тўловлари** миқдори 2023 йилга нисбатан **7** фоизга ортиб, **41** млрд долларга тенг бўлди.


Ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг манфий сальдоси 2023 йилдаги 22,8 млрд доллардан 24,2 млрд долларгача ошди, импорт тўловларининг экспорт тушумлари билан қопланиши 2023 йил даражасида ўзгаришсиз қолиб, 41 фоизни ташкил этди.

Экспорт тушумларининг 44 фоизи ёки 7,4 млрд доллари тармоқ корхоналари, 56 фоизи ёки 9,4 млрд доллари ҳудудий ва хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келган.

Экспорт тушумлари ҳамкор давлатлар кесимида таҳлил қилинганда, ҳисобот йилида уларнинг **62** фоизи **5 та** хорижий давлатларга, хусусан, 25 фоизи **Россия**, 14 фоизи **Хитой**, 10 фоизи **Қозоғистон**, 7 фоизи **Бирлашган Араб Амирликлари** ва 7 фоизи **Туркия** давлатлари ҳиссасига тўғри келган.


3.2.1.1-чизма

Экспорт тушумлари ва импорт тўловлари ҳажми динамикаси



3.2.1.2-чизма

Импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражаси (Terms of trade) динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Экспорт валюта маблағларининг **75** фоизи (*12,7 млрд*) АҚШ доллари, **18** фоизи (*2,9 млрд доллар*) Россия рубли, **5** фоизи (*0,9 млрд доллар*) евро ва қолган **2** фоизи бошқа валюталардан келиб тушган.

3.2.1.3-чизма

Экспорт тушумларининг ҳамкор-давлатлар кесимидаги динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Импорт тўловларининг (*41 млрд доллар*) манбаси таҳлилига кўра, ҳисобот йилида жами тўловларнинг **62** фоизи ёки **25,3** млрд доллари ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар (*2023 йилга нисбатан +8%*), **27** фоизи ёки **11** млрд доллари хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари (*+3%*) ҳамда **11** фоизи ёки **4,7** млрд доллари хорижий валютадаги кредитлар (*+10%*) ҳисобидан амалга оширилган.

3.2.1.4-чизма

**2020-2024 йилларда корхоналарнинг импорт тўловлари ва манбалари
динамикаси**




Манба: Марказий банк маълумотлари

Импорт тўловларининг **61** фоизи 5 та асосий ҳамкор мамлакатлар, шундан 22 фоизи Хитой, 15 фоизи Россия, 10 фоизи Бирлашган Араб Амирликлари, 7 фоиздан Туркия ва Қозоғистон ҳиссаларига тўғри келади.

3.2.1.5-чизма

Импорт тўловларининг ҳамкор-давлатлар кесимидаги динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот даврида ташқи савдо операциялари доирасидаги импорт тўловларнинг **70** фоизи (*29 млрд*) АҚШ долларарида, **15** фоизи (*6 млрд*) Россия рубларида, **11** фоизи (*4,4 млрд*) еврода ва қолган **4** фоизи (*1,6 млрд*) бошқа валюталарда амалга оширилган.

3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари

2024 йилда аҳоли ва хорижий сайёҳларга валюта айирбошлаш инфратузилмаларини янада ривожлантириш ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш орқали қулайликлар яратиш ҳамда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операцияларига бўлган талабини доимий қондириб бориш борасидаги ишлар давом эттирилди.


Хусусан, ҳудудларда банкларнинг валюта айирбошлаш тармоғини кенгайтириш натижасида **валюта айирбошлаш шохобчаларининг (ВАШ)** умумий сони 2023 йилга нисбатан 20 фоизга ошиб, қарийб **6,2 мингтага етказилди** (шулардан **3,4 мингтаси “24/7” режимида ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари**).

Жисмоний шахсларга куннинг исталган вақтида хавфсиз ва тезкор валюта айирбошлаш имкониятини тақдим этиш, масофавий тарзда хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш мақсадида автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматларининг (**АвтоВАШ**) дастурий таъминоти ва техник жиҳозланиши доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Жумладан, ҳисобот йилида ҳудудларда тижорат банклари томонидан валюта айирбошлаш функциясига эга қўшимча жами 865 та замонавий кўп функцияли банкоматлар ўрнатилди (шундан, *Тошкент шаҳрида 516 та, Бухорода 52 та, Қашқадарёда 42 та, Тошкент вилоятида 41 та ва бошқа ҳудудларда 214 та*).

3.2.2.1-чизма

2019-2024 йилларда валюта айирбошлаш шохобчалари сонининг ўзгариш динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банк томонидан банк касса ва шохобчаларида нақд чет эл валютасининг ҳақиқийлигини текширувчи янги замонавий ускуналар билан жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мунтазам равишда тегишли ишлар олиб борилмоқда.

2024 йилда банклар томонидан валюта айирбошлаш инфратузилмалари орқали жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялар айланмаси (*чет эл валютаси хариди ва сотуви*) ҳажми 2023 йилга нисбатан **19** фоизга ошиб, **25,5** млрд долларга етди.

3.2.2.2-чизма

2023-2024 йилларда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари


Ҳисобот йилида банклар жисмоний шахслардан жами **16,1** млрд доллар эквивалентида (*2023 йилга нисбатан +31%*) хорижий валюта сотиб олган бўлса, жисмоний шахсларга **9,4** млрд доллар (*+3%*) сотилган ва валюта айирбошлаш операцияларининг ижобий сальдоси **6,7** млрд долларни (*+2,1 баробар*) ташкил этди.

Жисмоний шахслардан **харид** қилинган чет эл валютасининг **51** фоизи (*8,2 млрд доллар*) 1 000 долларгача бўлган транзакцияларга тўғри келган (*2023 йилда 50 фоиз ёки 6,1 млрд доллар*) бўлса, жисмоний шахсларга **сотилган** валютанинг **73** фоизи (*6,9 млрд доллар*) 1 000 доллардан юқори бўлган транзакциялар ҳиссасига тўғри келган (*ўтган йил даражасида сақланиб қолган*).

Ҳисобот йилида банкларнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш амалиётларининг кўлами янада кенгайди. Жумладан, жисмоний шахсларга мобил иловалари орқали онлайн тарзда **сотилган** чет эл валютаси (*2,4 млрд доллар*) ҳажми ўтган йилга нисбатан **20** фоизга ошган бўлса, онлайн **харид** қилинган валюта (*1,2 млрд доллар*) ҳажми **37** фоизга ўсди.

3.2.2.3-чизма

2024 йилда валюта айирбошлаш операцияларнинг миқдорий таркиби




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ушбу ҳолат замонавий ахборот технологияларининг банк тизимида фаол кириб келиши натижасида аҳолининг банкларга бўлган ишончи ва масофавий молиявий хизматларга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2024 йилда Ўзбекистонга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2023 йилга нисбатан 30 фоиз ошиб, 14,8 млрд долларни ташкил этди.

3.2.2.4-чизма

2023-2024 йилларда трансчегаравий пул ўтказмалар орқали келиб тушган ва хорижга юборилган маблағлар динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Маблағларнинг 77 фоизи Россиядан (11,5 млрд доллар) келиб тушган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 29 фоизга ошган. Мазкур трансфертларнинг қолган қисми Қозоғистон (795 млн доллар), АҚШ (577 млн доллар), Жанубий Корея (534 млн доллар), Туркия (405 млн доллар), Буюк Британия (135 млн доллар) ва бошқа мамлакатлардан келиб тушган.

2024 йилда Ўзбекистонга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмида 2023 йилга нисбатан Буюк Британиядан 83 фоизга, Жанубий Кореядан 56 фоизга, АҚШдан 35 фоизга ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларидан 32 фоизга (хусусан, *Польшадан 87 фоизга, Германиядан 43 фоизга, Литвадан 2,3 баробарга кўпайга*) ўсиш кузатилди.

3.2.2.5-чизма

2023-2024 йилларда ривожланган мамлакатлар кесимида келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалар



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида жисмоний шахсларга келиб тушган маблағларнинг **8,2** млрд доллари анъанавий халқаро пул ўтказма тизимлари орқали (2023 йилга нисбатан +14%), **5,9** млрд доллари хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P) ўтказмалари орқали (+51%) ҳамда **774** млн доллари банк ўтказмаси (SWIFT) орқали (+2,1 баробар) амалга оширилган.

Хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P) ўтказмалар тезкорлиги, қулайлиги ва нисбатан арзонлиги ҳисобига оммалашиб бормокда. 2024 йилда P2P (онлайн) транзакциялар сони қарийб 71 млн.тани ташкил этиб (2023 йилга нисбатан ўсиш 47 фоиз), ўтказмалар ҳажмининг жами келиб тушган маблағлар ҳажмидаги улуши 40 фоизгача етди (2023 йилда 34%).

Жисмоний шахслар томонидан 2024 йил давомида хорижий давлатларга **юборилган пул ўтказмалари** ҳажми 2023 йилга нисбатан 19 фоизга ўсиб, **2,8** млрд долларни ташкил этди. Ўтказмаларнинг **72** фоизи **5 та** мамлакат, хусусан Бирлашган Араб Амирликлари (590 млн долл), Хитой (564 млн долл), Россия (361 млн долл), Туркия (336 млн долл) ва АҚШ (179 млн долл) ҳиссасига тўғри келди.

Бунда, жўнатилган жами ўтказмаларнинг 58 фоизи (1,6 млрд долл) банк ўтказмалари (*SWIFT*) ва 16 фоизи (441 млн долл) P2P (*онлайн*) транзакциялар орқали амалга оширилган.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият

2024 йилда Марказий банк томонидан халқаро захираларни бошқариш, бир томондан, жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ноаниқликлар, етакчи марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатларининг юмшатиш фазасининг бошланиши ҳамда халқаро савдо шартларидаги ўзгаришлар фонида, иккинчи томондан, глобал бозорларда олтин нархининг йил давомидаги ўсувчи динамикаси шароитида хавфсизлик, ликвидлилик ва даромадлилик тамойиллари асосида амалга оширилди.

“Халқаро захиралар бўйича маслаҳат ва бошқариш дастури” доирасида халқаро захиралар таркибидаги активларни диверсификация қилиш мақсадида 2024 йилда захираларнинг бир қисми (100 млн доллар) АҚШ давлат қимматли қоғозларига инвестиция қилинди.

АҚШ давлат қисқа муддатли қимматли қоғозлари кредит хатаридан тўлиқ холи, юқори ликвидлиги ва исталган вақтда халқаро бозорда сотиш мумкинлиги билан муддатли депозитлардан фарқланади. Ушбу қимматли қоғозларнинг даромадлилиги халқаро пул бозорида муддатли депозитлар учун таклиф қилинадиган фоизли даромад даражасида шаклланди.

Ўз навбатида, қимматли қоғозлар портфели бўйича активларни стратегик тақсимлаш, АҚШ долларида ликвидликни бошқариш, кастодиан хизматлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар, қимматли қоғозлар портфели самарадорлигини ўлчаш, баҳолаш ва ҳисобот бериш каби махсус халқаро семинарларда ходимлар малакаси ошириб борилмоқда.

3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили

2024 йил якуни бўйича ялпи халқаро захиралар ҳажми 41,2 млрд долларни, бунда олтин 32,1 млрд долларни, чет эл валютасидаги активлар 9,0 млрд долларни ҳамда қимматли қоғозлар 101,7 млн долларни ташкил қилди.

Етакчи марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатларининг юмшатилиши (*хусусан, АҚШ ФЗТ фоиз ставкаси 2024 йилда 100 базис пунктга туширилди*) ҳамда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши истиқболлари бўйича ноаниқликлар шароитида халқаро бозорда олтин нархи юқори даражаларда сақланиб қолмоқда.

2024 йил давомида олтин нархи 1 трой унцияси учун 27 фоизга ошиб, йил якунига келиб 2 610,9 долларни ташкил қилди.

3.3.1.1-чизма

2024 йилдаги олтин нархи динамикасига таъсир қилган омиллар




Манба: Марказий банк маълумотлари

Дунё хомашё бозорида олтин нархининг тарихий максимумларда шаклланиб бораётганлиги таъсирида захиралар таркибидаги олтиннинг физик ҳажми деярли ўзгаришсиз қолган бўлсада, олтин захиралари қиймати 6,7 млрд долларга ўсиб, захиралар таркибидаги улуши 2023 йилдаги 71 фоиздан 78 фоизгача ошди.

Чет эл валютасидаги активларнинг захиралар таркибидаги улушининг 29 фоиздан 21 фоизгача қисқаришига асосан ташқи қарзга хизмат кўрсатиш тўловларининг ошганлиги ҳамда суверен еврооблигациялар бир қисмининг сўндирилиши таъсир кўрсатди.

3.3.1.2-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибий ўзгариши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 110 тонна монетар олтин сотиб олинди ва 100 тонна олтин экспорти амалга оширилиб, ушбу экспортдан келган валюта тушуми ички валюта бозорига йўналтирилди.

Шунингдек, ҳисобот йили якунида чет эл валютасидаги активларнинг 85 фоизи АҚШ долларида ва 15 фоизи Хитой юанида шаклланган.


Валюта активлари таркибида Хитой юани улушининг юқорилиги унинг халқаро захира валютаси мақоми ҳамда ташқи савдо муносабатларида етакчи ҳамкор-мамлакат эканлиги билан изоҳланади *(2024 йилда Хитой билан ташқи савдо ҳажми умумий экспорт-импорт операцияларининг қарийб 20 фоизини ташкил этди)*.

Халқаро захираларни бошқаришда ҳамкор-банкларнинг халқаро мақоми ва молиявий ҳолати муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда 2024 йилда валюта активлари юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатларда фаолият юритадиган ва халқаро миқёсда инвестицион рейтингга эга **22** та банкларга муддатли депозитларга жойлаштирилди. Шунингдек, АҚШ давлат қимматли коғозлари билан амалиётларни амалга оширишда етакчи хорижий банклар билан келишувлар имзоланди.


Халқаро молия бозори ҳолатидан келиб чиқиб, валюта активларининг бир ҳамкор-банк ёки бир мамлакат ҳиссасига тўғри келадиган **концентрация риси даражасини пасайтириш** мақсадида активларни мамлакатлар ва банклар кесимида диверсификация қилиш ишлари давом эттирилди.

3.3.1.3-чизма

Чет эл валютасидаги активларнинг мамлакатлар суверен кредит рейтингига бўйича улуши



Чет эл валютасидаги активларнинг ҳамкор-банклар кредит рейтингига бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жумладан, бугунги кунда Марказий банк ҳамкор банклари Осиё-тинч океани (38%), Европа (46%) ва Шимолий Америка минтақаси (16%) давлатлари бўйлаб тақсимланган.

2024 йилда Марказий банкнинг жами амалдаги ҳамкор банклари сони 44 тани ташкил этиб, уларнинг 32 таси биринчи даражали капитал ҳажми бўйича дунёнинг 100 та энг катта банклари рейтингда қайд этилган, қолган қисми эса дунёнинг 200 та энг йирик банклари рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, валюта активлари бўйича рискларни олдини олиш ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида ҳамкор-банкларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ юзага келиши мумкин хатарлар мунтазам равишда Марказий банк томонидан мониторинг қилиб борилади.

2024 йилда халқаро пул бозорида фоиз ставкаларнинг пасайиб бориши сабабли валюта активларини хорижий ҳамкор-банкларга муддатли депозитларга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлар ҳажми камайиши ва даромадлилик ўтган йилга нисбатан пастроқ даражаларда шаклланиши кузатилди.

Хусусан, депозитга жойлаштирилган валюта активларидан олинган даромад 2023 йилга нисбатан 9 фоизга камайиб, 2024 йилда **395** млн долларни ташкил этди. Жойлаштирилган маблағларнинг ўртача даромадлилик даражаси 2024 йилда АҚШ доллари бўйича 5,4 фоиздан 5,2 фоизгача камайган бўлса, Хитой юанида 2,7 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолди.

Халқаро захиралар таркибидаги қимматли қоғозлар портфелини бошқариш. Марказий банк томонидан халқаро захираларни диверсификация қилиш ҳамда активларнинг кўламини ошириш мақсадида 2024 йилда хорижий давлат қимматли қоғозларига **100** млн доллар эквивалентида инвестиция киритилди ва тегишли портфель шакллантирилди.


Диверсификациялаш инвестицион хатарларни самарали бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, узоқ муддатли инвестицион мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Хусусан, активлар диверсификацияси халқаро захираларнинг барқарорлигини ошириш, потенциал рискларни камайитиш ҳамда риск-даромадлилик профилини янада оптималлаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг қимматли қоғозлар портфели пассив стратегиялар асосида бошқарилади. Бунда, қимматли қоғозларни сўндириш муддатига қадар сақлаб туриш ҳамда тегишли бенчмарк¹⁵ риск кўрсаткичларига мос қимматли қоғозлар танлаб олиш (*репликация қилиш*) усуллари қўлланилади.

¹⁵ **Бенчмарк** – инвестиция қимматли қоғозларидан ташкил топган ҳамда мақбул риск кўрсаткичларини ўз ичига олган эталон портфель.


3.3.1.4-чизма

Валюта активлари бўйича фоизли даромад ва ўртача фоиз ставкалари динамикаси



3.3.1.5-чизма

Марказий банкнинг қимматли қоғозлар портфели ва бенчмарк даромадлиги



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банкнинг қимматли қоғозлар портфели даромадлиги йиллик ҳисобда 5,3 фоизни ташкил қилиб, портфель қиймати 101,7 млн доллардан иборат. Шунингдек, 2024 йил давомида қимматли қоғозлар портфели даромади ва бенчмарк даромади ўртасида сезиларли тафовут кузатилмади, тафовутнинг стандарт четлашиши (*Tracking Error*) ноль фоизни ташкил қилди.

3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили


Халқаро валюта захираларнинг меъёрий талаблар доирасида бўлиши марказий банклар томонидан глобал инқироз даврида миллий валюта алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда чекланган иқтисодий шароитларда капитал оқимларини бошқариш учун муҳим бўлиб, ташқи қарз олувчи мамлакатларнинг ишончлилигини ошириш ва юзага келадиган шокларни юмшатишда ҳукуматга контрциклик фискал сиёсат юритиш учун шароит яратди.

Мамлакатимизда халқаро захираларни мувозанатли бошқариш сиёсати **захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси** (*минимал талаб 100%*), **импортни қоплаш даражаси** (*камида уч ойлик импортни қоплаш*), **кенг маънодаги пул массасига нисбати** (*20%*), ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **ARA EM захиралар етарлилиги**

(100-150%) кўрсаткичларининг халқаро амалиётда белгиланган минимал талаблардан юқори шаклланишида намоён бўлмоқда.¹⁶

3.3.2.1-чизма

Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Хусусан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2025 йил 1 январь ҳолатига 192 фоизни ташкил қилиб, 20 фоизлик минимал талабдан 10 баробар кўп шаклланди.

Шунингдек, халқаро захираларнинг импортни қоплаш кўрсаткичи ҳисобот йилида 2023 йилдаги 11 ойдан **13** ойгача ошиб, бунга захиралар миқдорининг ўсиши асосий сабаб бўлган. Мазкур кўрсаткич минимал тавсия этиладиган меъёрлардан **4 баробардан** юқори бўлди.

3.3.2.2-чизма

Халқаро захираларнинг импортни қоплаш даражаси




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

¹⁶ Assessing Reserves Adequacy for Emerging Markets (ARA EM) – бу кўрсаткич ХВЖнинг методологияси асосида мамлакатнинг валюта сиёсати, экспорт-импорт ҳажми, пул массаси, ташиқи қарзлари каби кўрсаткичлар асосида ҳисобланади.

Халқаро захираларнинг Ўзбекистоннинг қисқа муддатли ташқи қарзларини қоплаш даражаси минимал талабдан **3,3 баробар** юқори даражада шаклланиб, **328** фоизни ташкил этди.

3.3.2.3-чизма

Халқаро захираларнинг қисқа муддатли ташқи қарзни қоплаши




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

ХВЖнинг АРА ЕМ захиралар етарлилиги кўрсаткичи белгиланган минимал талабдан **3 баробарга** юқорироқ бўлди.

3.3.2.4-чизма


Халқаро захираларнинг АРА ЕМ кўрсаткичи



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМга нисбати **36** фоизни ташкил этиб, юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар қаторида нафақат мамлакатнинг ички ва ташқи шоклар таъсирида инқироз эҳтимолини камайтиришга, балки инвесторлар учун инвестицион қарорларни қабул қилишда ижобий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати

3.4.1. Пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати

2024 йилда Марказий банкнинг коммуникация сиёсатида асосий эътибор пул-кредит сиёсати моҳияти ва мазмунини кенг жамоатчиликка содда ва тушунарли тилда тарғиб қилиш ва ўрта муддатли инфляцион таргетга босқичма-босқич эришишда коммуникация инструментларининг сифатини яхшилашга қаратилди.

Асосий ставкани қайта кўриб чиқиш юзасидан тайёрланган пресс-релизларда макроиктисодий таҳлил кучайтирилди, унинг истиқболдаги траекториясига оид прогнозлар бериб борилди. Бунда, асосий ставка кўриб чиқилган бошқарув йиғилишларидан сўнг матбуот анжуманлари ўтказиш анъанаси давом эттирилиб, улар бўйича қарорлар юзасидан 8 та пресс-релиз расмий веб-сайтда жойлаштириб борилди.

Ҳисобот йилида инфляцияни пасайтиришга ва унинг прогноз кўрсаткичлари доирасида жиловлашга қаратилган коммуникацион сиёсат доирасида пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари, пул-кредит сиёсати шарҳи ва шу каби бошқа жами 24 та ойлик ва чораклик шарҳлар эълон қилинди.

Шу билан бирга, Марказий банк асосий ставкаси бўйича 4 та, пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари ва бошқа мавзулар доирасида ОАВ вакиллари иштирокида бир қанча пресс-брифинглар, иқтисодиёт ва банк-молия соҳаси бўйича етакчи олий таълим муассасалари ва хорижий олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ўртасида пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми, пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари тўғрисида семинар-тренинглар ташкил қилинди.

Жумладан, Марказий банкда инфляция ва инфляцион кутилмаларни ўрганиш, инфляция омилларини таҳлил қилиш сифатини ошириш, уларнинг аҳамияти ва пул-кредит сиёсати асослари мавзуларида ҳудудий бўлинмалар ходимлари учун ўқув семинарлари ташкиллаштирилди.

Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари 30 га яқин кўрсатув, семинар, конференция ва давра суҳбатларида иштирок этиб, улар томонидан пул-кредит ва валюта соҳаси ҳамда банк тизимида амалга оширилаётган ислохот ва трансформациявий жараёнлар ҳақида жамоатчиликка долзарб маълумотлар тақдим қилиб борилди.

Халқаро молия ташкилотларининг техник кўмак миссияларидаги тавсиялардан келиб чиқиб, Марказий банк расмий веб-саҳифасининг пул-кредит сиёсати қисми босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати коммуникациясининг мақсадли аудиториялари учун ҳар кунлик пул бозорида шаклланадиган индекслар, ҳар ҳафтада даромадлилик эгри чизиғи, ҳар ойда инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция бўйича инфографикалар расмий коммуникация каналларида мунтазам жойлаштириб келинмоқда.

3.4.2. Жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашда коммуникация инструментларидан самарали фойдаланиш


Марказий банкнинг жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш борасидаги коммуникация сиёсати орқали стратегик мақсадлар доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборотлар ва кузатилаётган ўзгаришлар ҳамда кутилмалар бўйича кенг ва батафсил маълумотлар етказиб берилмоқда.

Жорий коммуникация тадбирлари ва кўлами Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, молиявий барқарорлик ва пруденциал назоратга оид шарҳларни кузатиб боровчилар сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ахборотларнинг рецепиантлар томонидан осон ва тез қабул қилинишини таъминлашда жамоатчилик ўртасида Марказий банк фаолиятидан хабардорлик даражаси, кузатувчиларнинг фаолият тури бўйича таркиби, улар томонидан кўпроқ кўриладиган/ўқиладиган матнлар, эълон қилинаётган шарҳлар, маълумотларнинг тушунарлилик даражасини билиш мақсадида даврий сўровномалар ўтказиб борилмоқда.

3.4.2-чизма

Сўровнома натижалари



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Бунда, Марказий банк ахборотларини кузатиб боровчиларнинг деярли 70 фоизини банк ва тадбиркорлик субъектлари, таълим, давлат бошқаруви органлари вакиллари ташкил этиши маълум бўлди.

Шунингдек, сўровнома натижаларига кўра, 45 фоиз респондентлар матнларнинг тушунарлилик даражаси осон, лекин базавий билим талаб этишини билдирган бўлса, респондентларнинг қарийб 60 фоизи ахборотларни матн шаклида олишини билдирган.

Ҳисобот йилидаги коммуникация тадбирлари мазкур сўровнома натижалари асосида ташкил этилиб, хусусан, матнларни қисқа ва тушунарли тилда тайёрлашга алоҳида эътибор берилди, айрим статистик маълумотлар матбуот анжуманлари ва интервьюлар орқали оғзаки ёки тақдимотлар тарзида етказилди.

Кузатувларга кўра, пул-кредит сиёсатини олиб боришда муҳим саналадиган инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляцияга оид шарҳлар билан танишиб боровчилар сонидан ижобий ўзгаришлар сақланиб қолиб, оммавий ахборот воситалари ҳам асосий ставкага оид пресс-релизлар ва бошқа шарҳларни тўлиғича ёрита бошлади.

Ҳисобот йилида ҳам жамоатчилик билан расмий муносабатлар – ўзаро суҳбат ва медиа-мулоқотлар ўтказиб бориш ишлари такомиллаштириб борилмоқда. Марказий банк аудитория сегментлари (*инвесторлар, эксперт-тадқиқотчилар, талабалар, аҳоли*) билан ишлашнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда янги форматларини ҳам амалиётга татбиқ этмоқда.

Марказий банк маълумотларига ҳавола қилувчи, фойдаланувчи оммавий ахборот воситалари сонидан сезиларли ўзгаришлар юз бериб, “uz” доменидан ташқари ҳудудларда ҳам нашр этилаётган материаллар сони ортиб бормоқда.

Маълумотлардан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш ва аудиторияни кенгайтириш мақсадида пул-кредит сиёсатига доир эълон қилинаётган маълумотлар нафақат молия бозори иштирокчилари ва пул-кредит сиёсати мутахассислари, балки аҳолининг турли қатлами учун ҳам тушунарли бўлишига эътибор қаратилиб, содда ва тушунарли тилда етказилишига ҳаракат қилинмоқда.

Ушбу маълумотлар, ўз навбатида, жамоатчиликнинг ахборотларни асл манбадан олишлари учун оммавий расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, видеохостинглар, босма нашрларда жойлаштириб борилмоқда.

Ҳисобот йилида жамоатчиликнинг Марказий банк фаолиятдан хабардорлик даражаси 75 фоизни ташкил этди. Расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги ўқувчилар сони йил давомида 20 фоизга ўсиб, 2,3 млн дан ошди.

Аудиторияга макроиқтисодий вазият, тўлов баланси, олтин-валюта захиралари ва бошқа мавзуларда тақдим этиб борилаётган таҳлилий материаллар молия бозори иштирокчилари фаолиятида акс этиб, бизнес тузилмаларнинг келгуси режаларини аниқлаштириш, бозордан зарур сигналларни олиш ва хатти-ҳаракатларига зарур ўзгартиришлар киритишда ёрдам бермоқда.

Бу, ўз навбатида, кенг жамоатчилик томонидан иқтисодиётнинг бошқа йўналишларида ҳам Марказий банкнинг таҳлилий материаллари ва шарҳлари доирасини кенгайтиришга туртки бўлмоқда.

IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОФАЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК


4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти

2024 йилда ҳам Марказий банкка юклатилган ваколатлар доирасида ва ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тўлов тизимлари ишлашининг узлуксизлиги ва инфратузилмасини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар, бир томондан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан эса, ушбу тизимлар фаолиятига хавф солаётган кибертаҳдидлар ва фирибгарликларни олдини олишга йўналтирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2023 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошиб, 7 279 трлн сўмни ташкил этди. Тизим орқали бир кунлик ўртача транзакциялар ҳажми 2023 йилдаги **22,1** трлн сўмдан **29,2** трлн сўмгача кўпайди.

4.1.1-чизма

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмининг ўсиши иқтисодиётдаги жараёнлар кўлами, иқтисодий фаолликни ҳамда Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида пул бозоридаги операциялар ҳажмининг ортиб бориши билан изоҳланади.

2024 йилда “Евроосиё Банки” АЖ, “Миллий клиринг маркази” АЖ ва “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖнинг Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизимида уланиши ҳисобига ушбу тўлов тизимининг иштирокчилари сони **39** тага етди.

Шунингдек, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш борасидаги меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар такомиллаштириб борилди. Хусусан:

– тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши ҳамда устав капиталининг энг кам миқдорлари белгиланди;

– тўлов хизматларини кўрсатиш давомида юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдини олиш ва бошқаришни ташкил этиш мақсадида лицензия даъвогари томонидан антифрод тизими тавсифи тақдим этилиши қайд этилди.

Муҳим тўлов тизими операторларига тўлов тизимининг ишлашини халқаро стандартларга, хусусан Халқаро ҳисоб-китоблар банки (*BIS*) ва Қимматли қоғозлар бўйича комиссия халқаро ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Молиявий бозор инфратузилмалари учун тамойилларга (*“Principles for financial market infrastructures” – PFMI*) мувофиқлиги бўйича ўзини ўзи баҳолашдан ўтказиш ва баҳолаш натижаларини ўз расмий веб-сайтида эълон қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида банк тизимида тўловлар узлуксизлиги ва тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш вақтига ўзгартириш киритилди.

Хусусан, ҳар қандай электрон тўлов ҳужжатларни соат 8-00 дан 17-00 гача, тижорат банклари ўртасидаги пул бозори операцияларига оид электрон тўлов ҳужжатларни 17-00 дан 17-30 гача, Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги пул-кредит операцияларига оид электрон тўлов ҳужжатларини эса 17-00 дан 18-00 гача узатиш белгиланди.


Бу ўз навбатида, банклараро тўлов тизими иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан сўнг, вакиллик ҳисобварағида маблағ етарлилигига оид макропруденциал талаб бажарилмай қолиши билан боғлиқ рискларни банклараро пул бозори операциялари ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари орқали ҳал этишга шароит яратади.

Тижорат банклари бўлинмаларини оптималлаштириш ва ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш, мижозларга исталган банк бўлинмалари орқали сифатли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини берувчи ягона банк коди (*МФО*) технологияси асосида фаолият юритувчи банклар 2 тага кўпайиб, **11 тага** етди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини реал вақт режимида ўтказишга ихтисослашган **Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизимининг** дастурий таъминоти такомиллаштирилиб, унинг фаолияти барқарорлиги таъминланди.

4.1.2-чизма

Ҳисоб-китоб клиринг тизими кўрсаткичлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми **100,3** трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **29** фоизга, транзакциялар сони эса **123** млн дан ортиб, **1,2 баробарга** кўпайди.

Шу билан бирга, мазкур тизим орқали товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар рўйхатини кенгайтириш, мижозлар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар (*хизматлар тақдим этувчилар*) сони ҳисобот йилида 3 тага кўпайиб, **51** тага етди.

Аҳолига тўлов хизмати кўрсатилганлиги учун тўланадиган воситачилик ҳақини аҳолидан эмас, маблағ олувчилар ҳисобидан (*бенефициарлардан*) ундириш бўйича яратилган тизим имкониятидан фойдаланиш кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Хусусан, 2024 йил давомида жами **91,4** млн дан ортиқ тўловлар бўйича қарийб **183,2** млрд сўм маблағлар тўлов хизмати учун воситачилик ҳақи (*комиссия*) тарзида маблағ қабул қилувчилардан банклар ва бошқа тўлов хизматларини етказиб берувчиларга тўлаб берилди.

Ҳисобот йилида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун “24/7” режимида онлайн амалга ошириш имконини берувчи Марказий банк **Тезкор тўловлар тизимининг** барқарор ишлаши таъминланди.


2024 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган **транзакциялар** сони 2023 йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошиб **47,5** млн тани, **тўловлар ҳажми** ҳам **1,5 баробарга** ошиб **917,9** трлн сўмни ташкил этди.

Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар кўламининг ортиб бориши натижасида, ҳисобот йили якунига келиб хўжалик юритувчи субъектлар жами тўлов ҳужжатларининг **95** фоизи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан амалга оширилган.

Ҳисобот йилида ушбу тизимдан амалга оширилган жами транзакциялар сонида **кечки/тунги вақтда** амалга оширилган амалиётлар улуши 2023 йилга нисбатан 10 фоиз бандга кўпайиб, 38 фоизни ташкил этган.

4.1.3-чизма

Тезкор тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга ҳам харажатларини (*иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларни банк иш кунига боғлиқ бўлмаган ҳолда*) 24/7 режимида онлайн тартибда Тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилиши натижасида тизим орқали ўтказилаётган амалиётлар кўлами ошиб бормоқда.

Хусусан, 2024 йилда 11,9 млн дан ортиқ (*2023 йилга нисбатан 3,7 баробар кўп*) ёки 115 трлн сўмлик тўловлар (*2023 йилга нисбатан 4,8 баробар кўп*) Ҳазначилик тизимидаги бюджет ташкилотлари ва Марказий банк тизимидаги корхоналар томонидан амалга оширилган.

4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши

2024 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ва мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ-267-сон қарорига мувофиқ “Ижтимоий карта” тизимини жорий этиш доирасида банк тизимига юклатилган вазифаларни ижро этиш борасида Марказий банк томонидан тижорат банклари ва тўлов тизими операторлари билан биргаликда муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳтож тоифасига кирувчи қатлами учун ижтимоий карталарни эмиссия қилиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш бўйича молиявий агент функцияси АТ “Алоқабанк” ва АТ “Халқ банки” зиммасига юклатилиб, алоҳида BIN рақамли ижтимоий карталарни эмиссия қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ижтимоий карталарга тўлов инфратузилмаларида, хусусан банкоматлар тармоғи ва банк кассаларидаги терминалларда хизмат кўрсатиш бўйича тижорат банклари томонидан мақбул тарифлар ўрнатилди.

Тижорат банклари томонидан мижозларга берилган барча тўлов терминалларнинг MCC-кодлари (*мижоз тоифаси коди*) тўлиқ хатловдан ўтказилиб, мижозларнинг фаолият турига мувофиқлаштирилиши таъминланди. Қарор ижроси доирасида “Uzcard” тўлов тизимидаги 254,2 мингдан ортиқ ва “HUMO” тўлов тизимидаги қарийб 232,2 минг донa терминаллар хатловдан ўтказилиб, MCC-кодлари бириктирилди.

Бунда, тўлов терминалларига тегишли MCC-кодлар халқаро тўлов тизимларининг (*VISA, Mastercard*) стандартлари асосида белгиланди.


Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан мижозларга ажратиладиган тўлов терминалларига уларнинг фаолият туридан келиб чиқиб, MCC-кодни тўғри бириктирилиши мажбурий бўлган қоида белгиланди.

Бугунги кунда чакана савдо нуқталарида қўлланиладиган мавжуд назорат-касса машиналари ёрдамида ижтимоий карта орқали тўловларни қабул қилиш имкониятини яратиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йил якунига келиб республика бўйича жами 69,2 минг донa назорат-касса машиналаридан 40,5 минг донаси ёки 60 фоизда ижтимоий карта орқали тўловларни қабул қилиш имконияти яратилди.

4.2.1-чизма

Банк карталари сони



Манба: Марказий банк маълумотлари

Қайд этиш жоизки, “Ижтимоий карта” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақаларни тўлаш 2024 йил 1 декабрдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида тажриба-синов тариқасида жорий этилган.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2024 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони **34** фоизга ўсиб, **62,0** млн донага етди.


Аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи **кобейджинг** банк карталари сони 2023 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** ошиб, 4,5 млн донага етди.

2024 йилда 426 мингта тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми 2023 йилга нисбатан **1,2 баробарга** ошиб, **326,7** трлн сўмни ташкил этди.


Чакана тўловлар тизимларининг функционали ва инфратузилмасини кенгайтиб бораётганлиги ҳамда ушбу бозорда рақобат муҳитининг шаклланаётганлиги миллий тўлов тизимлари иштирокчилари томонидан терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида ҳам таркибий ўзгаришларга олиб келди.

Хусусан, 2024 йилда жами терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида **Нумо** терминаллари улуши **40,5** фоизни ва **Uzcard** терминаллари улуши **59,5** фоизни ташкил этган.

4.2.2-чизма

**Банклар томонидан ўрнатилган
терминаллар сони**

4.2.3-чизма


**Тўлов терминаллари орқали амалга
оширилган транзакциялар**

Манба: Марказий банк маълумотлари

Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари ҳамда туризм объектларига ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони ҳисобот йилида **12 фоизга** ошиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **29,9** мингдан ортиқни ташкил этди.

Бунда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаларини (банкомат, инфокиоск ва автоматлаштирилган депозит машиналарини), биринчи навбатда, туристик массивлар, йирик инфратузилма марказлари ва бошқа муҳим ижтимоий инфратузилма объектларида ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4.2.4-чизма

Банкомат ва инфокиосклар сони

Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йилда миллий тўлов тизимлари ҳисобланган “Humo” ва “Uzcard” ўртасида банкоматлар тармоғини ўзаро интеграция қилиш ишлари тўлиқ тугатилди ва банк карталари фойдаланувчилари учун иккала тўлов тизими инфратузилмасидаги банкоматлардан муқобил фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ҳисобот йилида жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 191,7 трлн сўмни ва транзакциялар сони эса 301,3 млн тани ташкил этади.

Ҳисобот йилида масофавий хизматлардан фойдаланувчи банк миждозлари сони қарийб **1,2 баробарга** ошиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига 52,9 млнга етди. Бунда, ушбу фойдаланувчиларнинг 1,5 млн таси **тадбиркорлик субъектлари**, 51,4 млн таси **жисмоний шахслар** банк карталари ҳиссасига тўғри келади.

Банкларнинг мобил илова дастурлари орқали жисмоний шахсларнинг масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширган операциялари ҳажми ҳисобот йилида **1,6 баробарга** ошиб **396,7** трлн сўмни ташкил этди.

4.2.5-чизма

Банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу жумладан, мобил илова дастурлари орқали амалга оширилган **онлайн депозит операциялари ҳажми** – 77,8 трлн сўм, **онлайн конверсия амалиётлари** – 36,3 трлн сўм, **онлайн микроқарзлар** – 24,4 трлн сўм ва **кредитларни сўндириш ҳажми** – 29,7 трлн сўмни ташкил этди.

Аҳоли учун базавий банк хизматларини (*омонат ва конверсия амалиётлари, микроқарз олиш, банк картасига буюртма бериш, идентификациядан ўтиш*) онлайн режимда бажариш имконияти, **тадбиркорлик субъектлари** учун эса тўловларни ҳисоб-китоб терминалларида ташқари QR-код, NFC ва бошқа контактсиз тўлов технологияларини қўллаган ҳолда қабул қилиш хизматлари кўлами кенгайтириб борилди.

4.2.6-чизма

QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони ва ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Хусусан, 2024 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони қарийб **108** минг донага етказилиб, унда амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2023 йилга нисбатан қарийб **1,3 баробарга** ортиб **441,8** млрд сўмга етди.

Шу билан бирга, контакtsiz тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “HUMO PAY” дастури орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар учун тўловларни амалга ошириш хизмати **20** та тижорат банкининг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактtsiz тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган **Tap-to-phone** тизими (*тўлов терминали каби тўлов қабул қилиш имконини беради*) хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб **3,2** минг тага етди.

2024 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2023 йилга нисбатан **1,1 баробарга** ошган ҳолда **41,4** трлн сўмни ташкил этди.

Шунингдек, 2025 йил 1 январь ҳолатига **Face ID** технологиясидан фойдаланадиган тижорат банклари сони **28** тага, тўлов ташкилотлари сони эса **15** тага етиб, банклар ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали рақамли идентификациядан ўтган миждозлар сони 2024 йил 1 январга нисбатан **5,4** млн тага ортган ҳолда, ҳисобот йили якунига келиб **12,2** млн тага етди.

Мазкур ўсувчи тенденция мижозларга, нафақат тўловларни онлайн режимида банкка бормасдан туриб амалга ошириш, балки банк ҳисобварақларини ҳам масофадан идентификация қилиш тизими (*Face ID*) орқали очиш имкониятларини яратилганлиги билан изоҳланади.

4.3. Тўлов хизматлари бозорида тўлов ташкилотлари фаолияти


Ҳисобот йилида тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан тўлов ташкилотларига лицензияларнинг берилиши давом эттирилди ва тўлов ташкилотлари сони **44 тага** етди.

Бу эса, аҳолига тўлов хизматлари кўрсатишда нафақат тижорат банклари, балки тўлов ташкилотларининг хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2024 йилда тўлов ташкилотлари томонидан амалга оширилган транзакциялар сони 2023 йилга нисбатан **1,8 баробарга** кўпайиб, 333 трлн сўмни ташкил қилди.

4.3.1-чизма

Тўлов ташкилотлари томонидан 2023-2024 йилларда амалга оширилган транзакциялар ҳажми




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар томонидан тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда коммунал хизматлар учун – 26,2 трлн сўм, мобил операторлар хизматлари учун – 14,8 трлн сўм, давлат хизматлари учун – 14,3 трлн сўм, кредит тўловлари учун – 5,7 трлн сўм, бюджет ва солиқ тўловлари учун – 5,3 трлн сўм маблағ ўтказилган.

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратилишига хизмат қилмоқда.

**2024 йилда тўлов ташкилотлари томонидан ўтказилган
тўловларнинг мақсадлари бўйича таркиби**



Манба: Марказий банк маълумотлари

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг электрон пуллар тизимлари реестрига 12 та электрон пуллар тизимлари киритилган бўлиб (*рўйхати расмий веб-сайтда мавжуд*), мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони ҳисобот йилида 15,6 млн тадан 20,6 млн тагача ошди.


Шунингдек, ҳисобот йилида электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2023 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб 21,8 млн тани, транзакциялар ҳажми эса 775 млрд сўмни ташкил этди.

Электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 92 фоизи тадбиркорлик субъектларига товарга (*хизмат, ишлар*) тўловни амалга ошириш учун ҳамда 8 фоизи жисмоний шахсларга маблағ ўтказишга йўналтирилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 25 фоизи мобил оператор хизматлари, 23 фоизи коммунал хизматлар, 13 фоизи давлат хизматлари учун тўловлар, 8 фоизи жойида харидлар учун тўловлар ва бошқа хизматлар учун ўтказилган тўловларни ташкил этади.

Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида харидлар билан бир вақтда банк карталари эгаларига нақд пул бериш хизмати виртуал касса тармоғи билан таъминланган “Paynet” АЖнинг республика бўйлаб барча ҳудудлардаги тўлов агентлари томонидан “тартибга солиш кумдони” доирасида кўрсатилишига рухсат берилиб, 2024 йилда “Paynet” АЖ тўлов ташкилотининг 23 267 та тўлов агентлари орқали 870,5 млрд сўмлик (*1 406 230 та транзакция*) нақд пул маблағларини бериш бўйича хизматлар кўрсатилди.

4.3.3-чизма

2024 йилда электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган тўловлар мақсадлари бўйича таркиби

Манба: Марказий банк маълумотлари

Мазкур тўлов ташкилоти томонидан кўрсатиладиган банк карталари сақловчиларига нақд пул ечиб бериш хизмати аҳолимизнинг нақд пулга бўлган талабини нафақат банк кассалари ва банкоматлар тармоғи орқали, балки “Paynet” АЖнинг тўлов агентлик тармоғи орқали ҳам тўлов агентларининг кунлик нақд пул тушумлари доирасида қондириш имконини беради.

4.4. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш

Ҳисобот йилида кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ва кредит бюроларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида зарур чоралар кўриб борилди.

Хусусан, “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди.

Шунингдек, онлайн кредит (*микроқарз*) расмийлаштириш билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида, вақтинчалик тартиб ишлаб чиқилди ва унда кредит ташкилотлари томонидан ажратилган онлайн кредит (*микроқарз*)лар фирибгарлар кўлига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида **48 соатгача бўлган чекловлар** жорий қилинди.

Вақтинчалик тартибда белгиланган чекловлар ноябрь ойдан бошлаб кучга кирди ва йил якунига қадар **28 138** та ҳолатда ажратилган **304,1** млрд сўм миқдордаги пул маблағлари мижоз ўз шахсини тасдиқлаш учун қўшимча идентификациядан ўтмаганлиги сабабли кредит ташкилотининг ҳисобига қайтарилди.

Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари тўғрисида фуқаролардан Марказий банкка келиб тушган мурожаатлар бўйича олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида 2024 йил давомида **9,5** млрд сўм миқдоридаги пул маблағлари блокранишига эришилди.

2024 йилда Марказий банкка ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларида қатнашган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунчиликка мувофиқ санкция асосида олиш бўйича **2 502** та мурожаат келиб тушди.

Марказий банк томонидан тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари, шунингдек ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фирибгарлик ҳолатларида иштирок этган банк карталарини блоклаш ҳамда мазкур банк карталаридаги пул маблағларини мобил иловалар орқали хорижий ҳисобрақамларга ўтказишни олдини олиш бўйича ҳам тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

Банк карталари билан боғлиқ шубҳали (*фрод*) операцияларнинг олдини олиш, фирибгарлик схемаларида жисмоний шахсларга тегишли ҳисобварақлар ва банк карталари иштирокини камайтириш мақсадида банклар томонидан битта жисмоний шахсга битта банкда 5 тагача, барча банкларда 20 тагача белгилаш бўйича вақтинчалик тартиб жорий этилди.

Банк карталари билан боғлиқ фирибгарликлар тўғрисида **24** та телекўрсатув, **6** та радиоэшиттириш ҳамда онлайн кредит ажратиш жараёнида фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида тасдиқланган вақтинчалик тартиб ҳақида **2** та телекўрсатув ва **1** та подкаст лойиҳаларида Марказий банк ходимлари иштирок этишди.

Кибертаҳдидларни аниқлаш, олдини олиш ва янги турларига қарши чоралар кўриш мақсадида Soteryan LLC халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Марказий банк киберхавфсизлик соҳасидаги янги ечимлар устида ҳамкорликда ишлашни қўллаб-қувватлаш ва киберҳужумлар юз берганда аъзо ташкилотларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган OIC-CERT ҳамда фишингга қарши курашиш бўйича APWG халқаро ташкилотлар аъзолигига қабул қилинди.

Рақамли маҳсулотлар (*хизматлар*) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари доирасида:

– банк карталари билан боғлиқ шубҳали фрод операцияларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида, Марказий банкда **марказлашган антифрод тизими** тест-синов тариқасида жорий этилди ва ушбу ахборот тизимига **34 та банк ва 9 та тўлов ташкилоти** интеграция қилинди;

– интернет тармоғидаги ахборот ресурсларида банк карта маълумотлари тарқалиши бўйича хабардор бўлиш ҳамда уларни мониторинг қилиш мақсадида **мониторинг ахборот тизими** тест-синов тариқасида жорий қилинди;

– банклар, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан ишлаш йўналишида ишловчи 350 дан зиёд ходимларга ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Фуқароларнинг кибержиноятлар қурбонига айланишини олдини олиш ҳамда кибержиноятларга қарши курашишда фуқароларда “**кибергигиена**”ни шакллантириш мақсадида “**Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги**” тарғибот тадбирларида ҳамда ушбу тадбирлар доирасида ташкил этилган **36 та** телекўрсатувда Марказий банк ходимлари иштироки таъминланди

4.5. Марказий банк тизимида рақамли технологияларини жорий этиш ва фаолиятни рақамлаштириш

2024 йилда Марказий банкнинг рақамли технологиялари инфратузилмаларини ривожлантириш ва фаолиятни рақамлаштиришда асосий эътибор маълумотлар алмашилишида интеграциялашувни жадаллаштириш, маълумотларни сақловчи сервер ва алоқа ускуналарини, замонавий бизнес-таҳлилий воситалари ва бошқа дастурий таъминотларни харид қилиш ва амалиётга жорий этиш, замонавий ва юқори технологик ечимларни татбиқ этиш бўйича лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишга қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ-162-сон “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида:

– тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун амалга оширилган валюта олди-сотди операциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритишга мўлжалланган “Валюта операциялари ҳисобини юритиш ахборот тизими” (*FERUZ*) ахборот тизими;

– тижорат банклари бўлинмалари ўртасида нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварағи ҳисобини юритишда қулайликлар яратиш, нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварағининг алмашинувини тезлаштириш ва шаффоф электрон бозори тизимини яратиш, барча тижорат банклари бўлинмаларига тенг ҳуқуқлар ва шартлар асосида иштирокини таъминлаш имкониятини берувчи **“Нақд пулларнинг электрон майдони”** ахборот тизими;

– Марказий банкнинг Банк депозиторлари миллий ахборот базаси (БДМАБ) тизимлари функционали такомиллаштириб борилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 июлдаги ПФ-100-сонли фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизими ва Марказий банк ахборот тизимлари ўртасида **ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.**

Марказий банкнинг “Кредит ахборотининг давлат реестри” базаси маълумотларидан фойдаланиш ва уни таҳлил қилиш имконини берадиган бизнес таҳлилий тизими ва Солиқ қўмитасининг ахборот тизими ўртасида интеграцияси натижасида маълумотларни сақлаш учун “TaxData” дастурий мажмуаси ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 апрелдаги “Ташқи савдо операциялари бўйича активлар репатрацияси ва солиқ мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 251-сонли қарорига асосан қўмитанинг **“E-Kontrakt”** ахборот тизими билан тижорат банклари ахборот тизимлари интеграция қилинди.

Бундан ташқари, Солиқ ва Божхона қўмиталари, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан электрон тўлов ҳужжатлари бўйича тижорат банклари билан ахборот алмашинуви ишлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизимлари ва “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси (ИИП) ўртасида ўзаро электрон ҳамкорлик қилиш бўйича янги технологик йўриқнома ишлаб чиқилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси ва Марказий банк ўртасида валюта ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш бўйича маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Марказий банк мутахассислари учун “Кредит ахборотининг давлат реестри” маълумотлари базасидан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “**Matrix BI**” тизими харид қилинди, ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни автоматик равишда шакллантиришни таъминловчи қўшимча дастурий модуллар ишлаб чиқилиб, “**Matrix BI**” дастурига интеграция қилинди ва тўлиқ ишга туширилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг барча ахборот тизими ва маълумотлар базалари маълумотларини таҳлил қилиш, ҳисоботларни шакллантириш ва дашбордлар яратишга мўлжалланган **Qlik Sense** бизнес-таҳлилий воситаси харид қилинди ва амалиётга жорий этилиб, мазкур восита орқали фойдаланувчи таҳлилчилар ўқитилди ва бугунги кунда уларнинг Марказий банкда рақамлаштириш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши таъминланди.

Марказий банк томонидан **2 та** янги электрон маълумотномалар ишлаб чиқилиб банк тизимида жорий этилди ва натижада, Марказий банк томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотномалар сони 124 тага етди.

Мазкур маълумотномалар доимий равишда эҳтиёжлардан келиб чиқиб (*талаблар асосда*) янгиланиб, Республика тўлов тизимларида фойдаланиш учун вазирлик, идоралар, тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ахборот тизимларида фойдаланиш учун етказиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти (www.cbu.uz)нинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, сайт дизайни ва тузилмасини такомиллаштириш ҳамда маълумотларни бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтасини (*ёки ҳаммасини*) визуал (*графиклар*) кўринишда олиш имкониятлари кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳамда хорижий инвесторларга Марказий банк тизимида оид бўлган очиқ маълумотларни очиқлик ва шаффофликка амал қилган ҳолда очиқ маълумотлар 1 тага ортди ва 61 тага етиб, Ўзбекистон Республикасининг “**Очиқ маълумотлар портали**”га ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда жойлаштириб борилмоқда.

Марказий банкнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш, мавжуд ахборот технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги мавжуд компьютер паркини янгилаш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш қурилмаларини харид қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфратузилмасини комплексли ИТ-модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорлари тасдиқланиб, ушбу қарорлар ижроси бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

4.6. Марказий банкда самарали ва юқори технологик назорат тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш

Ҳисобот йилида Марказий банкда маълумотларни бошқаришнинг юқори технологик тизимини яратишда асосий эътибор назорат ҳисоботларининг сифатини ва мавжуд таҳлилий салоҳиятни оширишга қаратилди.

Бу борада Назорат ҳисоботларини автоматлаштириш (*ADR*) лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланиб, мазкур лойиҳанинг мураккаблиги ва уникалликдан келиб чиқиб, икки босқичда – “Консалтинг хизматларини жалб қилиш” ва “Маълумотларни бошқариш тизимини жорий этиш ва маълумотлар омборхонасини яратиш” лойиҳаларини амалга ошириш белгилаб олинди.

Нazorat ҳисоботларини автоматлаштириш (*ADR*) лойиҳасининг биринчи босқичини амалга ошириш мақсадида консалтинг хизматларини кўрсатувчи “KPMG Audit” МЧЖ ва ҳамкор сифатида “Business Reporting – Advisory Group” компаниялари жалб қилинди.

Бунда, KPMG билан биргаликда Марказий банкнинг маълумотлар билан ишлашнинг жорий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил натижасида маълумотларни бошқаришнинг мақсадли тизими учун лозим барча ҳужжатлар лойиҳалари, жумладан **маълумотларни бошқариш** бўйича халқаро стандартлар ва амалиётларга мос равишда маълумотлар бошқаруви жараёнлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан назорат ости ташкилотлардан олинадиган барча **маълумотлар реестри шакллантирилди** ва улар асосида **интеграциялашган маълумотлар** (*Марказий банкнинг маълумотларга бўлган барча эҳтиёжларини қамраб олувчи ягона маълумотлар лугатидан фойдаланадиган интеграциялашган маълумотлар*) модели ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг назорат ости ташкилотлари учун тартибга солувчи ва статистик маълумотларни тўплашнинг янги марказлашган ва стандартлаштирилган тизимига ўтиш учун тайёргарлик кўриш бўйича тавсияларни ўз ичига олган “Нazorat ҳисоботларини шакллантиришнинг янги тартибига ўтишга тайёргарлик кўриш бўйича Тавсиялар” (*RegTech*) лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур йўналишда амалга ошириладиган кенг қамровли ишлар KPMG билан биргаликда тайёрланган **“Маълумотларни бошқариш тизимини трансформация қилиш йўл харитаси”** лойиҳасида кўзда тутилган.

Шу билан бирга, мақсадли дастурий ечимнинг асосий бизнес талаблари ва ахборот технологиялари архитектурасини белгилаб берадиган Марказий банкнинг таҳлилий ахборот тизимини жорий қилиш учун Техник топшириқ ишлаб чиқилди.

Ушбу техник топшириқ:

– Марказий банк ва назорат ости ташкилотлар ўртасида API (*Application Programming Interface*) орқали **маълумотларни автоматлаштирилган тарзда алмашиш** ҳамда **электрон имзолардан** фойдаланган ҳолда Марказий банк томонидан берилган топшириқларни олиш ва уларга жавоб бериш имконини берувчи ягона восита – **“шахсий кабинет”**ни (*портални*) ишлаб чиқиш;

– маълумотларни бошқариш тизимини (*маълумотлар лугати, маълумотнома ва маълумотлар сифати*) самарали бошқариш учун дастурий таъминотларни жорий қилиш;

– барча зарур компонентларни ўз ичига олган **замонавий маълумотлар омборхонасини** ишлаб чиқиш;

– шунингдек, юқоридаги компонентларнинг барқарор ишлашини таъминловчи умумий тизимни ишлаб чиқиш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Консалтинг хизматларини жалб қилиш лойиҳаси доирасида BR-AG компанияси томонидан Марказий банкнинг тегишли мутахассислари учун **маълумотларни моделлаштириш**, жумладан DPM (*Data Point Modeling*) методологияси тўғрисида ҳамда маълумотлар лугатини юритувчи **“Atome matter”** ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича семинар-тренинглар ўтказилди.

Шунингдек, Чехиянинг “KPMG Глобал компетентлик маркази” томонидан Марказий банкнинг маълумотлар билан ишлайдиган ходимларига семинарлар ўтказилиб, тингловчилар халқаро DAMA методологияси бўйича маълумотларни бошқариш тамойиллари, асосий функциялари, маълумотлар ҳамда технологиялар архитектураси ва бошқа тушунчалар бўйича ўз билим ва кўникмаларини оширишди.

V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2024 йилда пул муомаласи аҳоли даромадларининг, жумладан, иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг барқарор ўсиб бораётган шароитларда ҳамда нақд-пулсиз ҳисоб-китобларнинг такомиллаштириш ҳамда нақд пуллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш заруратларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди.

Бунда, асосий эътибор, иқтисодиётда нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашга, пул белгиларининг номинал қаторини оптималлаштиришга ҳамда соҳага рақамли технологияларни жорий этиш орқали аҳолининг нақдсиз ҳисоб-китоблар қилиш имкониятлари ва кўламини кенгайтириш ҳамда нақд пулларни бошқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилди.

5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар

2024 йилда нақд пуллар тушуми ва чиқими динамикаси ўзининг доимий тренди доирасида шаклланиб, нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси 1 010 трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошди.


Бунда, банк кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми ўтган йилга нисбатан 21 фоизга ўсди. 501 трлн сўм банк кассаларига нақд пул тушумлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳисобот йилида **34,4** фоизни ташкил этиб, 2023 йил даражасида сақланиб қолди.

Банк кассаларига нақд пулдаги жами тушумлар товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажмининг 13,9 фоизга, пуллик хизматлар соҳасидан тушумларнинг – 38,5 фоизга, банк хизматлари *(аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилмалар, кредит тўлови, нақд валюта сотиб олиш ва конверсия операциялари)* бўйича тушумларнинг – 24,0 фоизга, солиқлар ва бошқа манбалардан тушумларнинг 20,5 фоизга ўсиши ҳисобига кўпайди.

Жами нақд пул тушумларида товарлар сотишдан тушумлар улуши 35,7 фоизни, банк хизматлари бўйича тушумлар – 34,3 фоизни, пуллик хизматлар соҳасидан тушумлар – 11,7 фоизни, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – 18,3 фоизни ташкил этди.

Банклар кассаларига нақд пул тушумларининг кўпайиши, ўз навбатида, иқтисодиётда товар ва пуллик хизмат кўрсатиш айланмаларининг ошиб бориши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш механизмини такомиллаштириб борилаётганлиги билан изоҳланади.

5.1.1-чизма

Накд пул тушумлари ҳажми ва таркиби
динамикаси

Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда аҳоли ва хўжалик субъектлари томонидан банклардан олинган нақд пуллар ҳажми 2023 йилга нисбатан 22,1 фоизга ёки 92,2 трлн сўмга ошиб, **509,6** трлн сўмни ташкил этди.

Нақд пулга бўлган талабнинг ошиши асосан:

– банк карталарига кирим қилинган ва карталардаги маблағларни нақдлаштириш ҳажмининг 36,7 трлн сўмга;

– халқаро пул ўтказмаларининг 30 фоизга кўпайиши натижасида банклар томонидан аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш ҳажмининг 27,0 трлн сўмга;

– омонат ҳисобварақларидан ечиб олинган (*жумладан, янги омонатга жойлаштириш мақсадидда*) нақд пуллар ҳажмининг 11,8 трлн сўмга;


– хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан бошқа мақсадлар учун олинган нақд пулларнинг 17,2 трлн сўмга ошганлиги билан изоҳланади.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан нақд пулларни мустақил бошқаришга мўлжалланган **“Нақд пулларнинг электрон майдони”** платформаси тўлиқ ишга туширилиб, Марказий банкнинг нақд пулларни банклар ўртасида қайта тақсимлашдаги иштироки камайтирилди.

2024 йилда мазкур платформадан фойдаланувчилар сони 922 тани ташкил этиб, шундан 20 тасини – Марказий банк тизимидаги, 16 таси – инкассация хизматидаги муассасалари ва 886 таси – тижорат банклари филиаллари ташкил қилади.

5.1.2-чизма


Нақд пулларнинг берилиши бўйича йўналишлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилда ушбу платформа орқали жами 148 трлн сўмлик нақд пул бўйича келишувларнинг 37,5 трлн сўми тижорат банклари ўртасида амалга оширилган бўлса, 54,9 трлн сўми Марказий банкдан тижорат банкларига ва 55,6 трлн сўми тижорат банкларидан Марказий банкка етказиб берилди.

5.1.3 -чизма

“Нақд пулларнинг электрон майдони” ахборот тизими орқали
2024 йилда амалга оширилган нақд пул айланмалари

Манба: Марказий банк маълумотлари

Бундан ташқари, тижорат банкларининг нақд пул операциялари билан боғлиқ харажатларини (*касса, ташиш, сақлаш*) оптималлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини ихчамлаштириш мақсадида уларнинг айрим касса операцияларини синов тариқасида “Республика инкассация хизмати”га аутсорсингга бериш амалиёти бошланди.

Аутсорсинг асосида:

– банклар миждозларининг нақд пул тушумларини қабул қилиш ва уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб бериш;

– қабул қилинган нақд пуллари қайта санаш, саралаш, ўраб-боғлаш ва банклар буюртмасига асосан уларни нақд пул билан таъминлаш;

– пул омборхоналарига эга бўлмаган банк муассасалари (*БХМ, БХОлар*)нинг нақд пул ва бошқа қимматликларини сақлаб бериш хизматларини кўрсатиш имконияти яратилди.

2024 йилда 7 та “Инкассация марказ”лари томонидан хўжалик юритувчи субъектларидан қабул қилинган жами 350 млрд сўм нақд пул маблағлари аутсорсинг асосида банкларга етказиб берилди.

Шунингдек, 451 та банк бўлинмаларига кун охиридаги қимматликларини сақлаб бериш хизматлари кўрсатилмоқда.

5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши

2024 йилда муомаладаги нақд пуллар таркиби эски намунадаги банкнотларни янги намунадаги банкнотлар билан алмаштириш ҳамда нақд пулдаги ҳисоб-китобларни қулайлаштириш чораларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб борилди.

2024 йил якуни бўйича муомаладаги нақд пулларнинг (*М0*) ЯИМга нисбати 2023 йилдаги даражада сақланиб, **3,7** фоизни ташкил этган бўлса, жами пул массасидаги улуши эса 21,5 фоиздан **19,2** фоизга қисқарди.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига муомаладаги нақд пуллар ҳажми (*тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар қолдиги ҳисобга олинган ҳолда*) 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 10,3 трлн сўмга ёки 18,5 фоизга кўпайди.

Ҳисобот йилида муомаладаги нақд пуллар таркибида 1 000 сўм, 5 000 сўм ҳамда 50 000 сўм номиналидаги банкнотларнинг жами 743 млрд сўмга камайиши ҳамда 2 000 сўмлик, 10 000 сўмлик, 20 000 сўмлик, 100 000 сўмлик ва 200 000 сўмлик банкнотларнинг жами 10,9 трлн сўмга кўпайиши кузатилди.

Муомаладаги тангалар ҳажми эса 1,3 баробарга ошиб, жами муомаладаги пул белгилари таркибидаги улуши ўзгаришсиз 0,3 фоиз доирасида қолди.


Ҳисобот йилида 2021 йилгача муомалага чиқарилган ва банклар кассаларига қабул қилинган 5 000, 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотлар янги намунадаги банкнотлар билан алмаштириш жараёнлари давом эттирилди.

2024 йилда 5 000 сўмлик банкнотлар таркибида янги намунадаги банкнотлар улуши 33 фоиздан **75** фоизга, 10 000 сўмлик банкнотлар – 36 фоиздан **76** фоизга, 50 000 сўмлик банкнотлар – 39 фоиздан **75** фоизга ва 100 000 сўмлик банкнотлар – 61 фоиздан **82** фоизга кўпайди.

Натижада, 2025 йил 1 январь ҳолатига янги намунадаги (2021-2022 йиллар намунасидаги) банкнотлар сонининг (2 000, 20 000, 200 000 сўмлик банкнотлар билан бирга) муомаладаги жами банкнотлар сонидagi улуши 2023 йилдаги 45,6 фоиздан **76,3** фоизга (миқдор бўйича улуши эса 62,3 фоиздан 85,5 фоизга) кўпайди.

5.2.1-чизма

Муомалага чиқарилган пул белгилари (банкнотлар ва тангалар)нинг номинал қийматлари бўйича улуши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Муомаладаги нақд пуллар таркибида асосан янги намунадаги ва янги номиналдаги йирик банкнотлар улушининг ошиши ҳисобига муомаладаги банкнотлар сони 2024 йил бошига нисбатан 152,1 млн донага ёки 7,5 фоизга кўпайиб, бир кишига тўғри келадиган банкнотлар сони ўртача 57 тани ташкил қилди.

5.2.2-чизма

**Янги намунадаги 5 000, 10 000, 50 000 ва 100 000 сўм номиналдаги
банкнотларнинг улуши**



Манба: Марказий банк маълумотлари


5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар

Иқтисодиётда ҳисоб-китоб инфратузилмаларининг рақамлаштирилиши ҳамда аҳоли орасида нақдсиз тўловларнинг оммалашиб бориши, бир томондан, банк карталарига келиб тушаётган маблағлар ҳажмининг ошиб бориш, бошқа томондан, ушбу маблағларни нақдлаштириш операцияларининг қисқариш тенденцияларини кучайтирмоқда.

Хусусан, 2024 йилда банк карталарига тушган маблағлар 2023 йилга нисбатан 244,7 трлн сўмга ёки **31** фоизга кўпайган. Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштириш ҳажми 19,4 фоизга ошиб, 225,9 трлн сўмни ташкил этган бўлса-да, банк карталарига келиб тушган маблағларни нақдлаштириш даражаси эса ўтган йилдаги 24,0 фоиздан **21,8** фоизгача қисқарди.

5.3.1-чизма

Банк карталаридан нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Пул муомаласидаги таркибий ўзгаришларга аҳолининг нақдсиз тўлов шакллари ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чоралар, айниқса мобил иловалар орқали ҳисоб-китоблар кўламининг кенгайиб бораётганлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар (чиқимлар) 1 030 трлн сўмни ташкил этган бўлса, шундан **78,1** фоизи нақдсиз шаклдаги операцияларга тўғри келади (2022 йилда – 72,8%, 2023 йилда – 75,9% ташкил қилган).

5.3.2-чизма

Банк карталаридан чиқим қилинган маблағларнинг манбалари бўйича улуши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида банк карталарига келиб тушган маблағлар таркибида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи тўловлари учун ўтказилган маблағлар улуши **26,7** фоизни, нақд пул ҳисобига банк картасига кирим қилинган ва омонат ҳисобварақларидан келиб тушган маблағлар – 18,4 фоизни, аҳолининг бошқа даромадлари – 16,0 фоизни ташкил этди.

5.3.3-чизма

Банк карталарига келиб тушган маблағларнинг манбалари бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

Ҳисобот йилида молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш борасидаги фаолиятда асосий эътибор халқаро ҳамкорлик дастурлари асосида аҳолининг банк хизматлари билан қамраб олинганлигини баҳолаш ва келгуси йиллар учун миллий стратегия ишлаб чиқишга қаратилди.

Хусусан, Осиё Тараққиёт банкининг “Ўзбекистонда инклюзив молия” миссияси ва техник кўмаги доирасида:

– “2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегияси” якунларини баҳолаш;

– мамлакатда молиявий оммабоплик даражасини баҳолаш, молиявий саводхонлик ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини аниқлаш бўйича сўровномалар ўтказиш;

– 2025-2027 йилларга мўлжалланган **молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш** бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-табдирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, республиканинг 5 та худудида (*Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри*) **фокус гуруҳлар** – ёшлар, аёллар ва тадбиркорларнинг кредит ташкилотлари ва уларнинг маҳсулот ва хизматларига нисбатан муносабатини аниқлашга қаратилган сифат тадқиқоти ўтказилди.

2024 йилда мамлакатда молиявий оммабоплик даражасини ошириш мақсадида **Молиявий оммабоплик альянсининг** Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун сиёсий ташаббуси доирасида турли инновацион ечимлар, регулятор қумдон ва бошқа соҳалар бўйича аъзо давлатлар регуляторлари билан тажриба алмашилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон **Аёллар тадбиркорлиги – молиявий ташаббусига (*We-Fi code*)** қўшилиб, Марказий банк координатор сифатида белгиланди.

Ташаббуснинг асосий мақсади аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва гендер статистикасини яратишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, ушбу ташаббусга ҳозирда Бизнесни ривожлантириш банки ҳамда Халқ банки қўшилди.

Келгусида ушбу йўналишларда ҳамкорлик давом эттирилиб, аёллар тадбиркорлиги бўйича гендер статистикасини акс эттирадиган платформани ишга тушириш борасида ишлар олиб борилиб, иштирокчи банклар сонини кўпайтириш белгилаб олинган.

6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Ҳисобот йилида аҳолининг молиявий саводхонликни ошириш борасида “аҳолини” бизнесга жалб қилиш, кибермаданиятни шакллантириш, ҳукумат топшириқлари доирасида микромолия хизматларини оммалаштириш ҳамда молиявий хулқ-атворни ўзгартириш бўйича янги лойиҳалар йўлга қўйилди.

Йил давомида 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб жами **16 та**, жумладан **5 та** янги ва **11 та** доимий лойиҳалар доирасида **352 та** таълим тадбирлари ўтказилди.

Лойиҳаларни амалга оширишда **7 та** вазирлик ва идоралар, Марказий банкнинг **14 та** ҳудудий бош бошқармалари, **21 та** банклар, валюта биржаси ва кредит бюрolari билан тизимли ишлар амалга оширилди.

Шундан, тренинг, маҳорат дарслари, очик дарслар, сайёр учрашув ва мулоқот шаклида ўтказилган тадбирларнинг **82 таси** Марказий банк аппарати, **136 таси** Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари, **3 таси** халқаро ташкилот, **131 таси** тижорат банклари ва бошқа идоралар билан ташкил этилиб, тадбирларда **255 609 нафар** аҳоли қатнашди.

Хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаоллари ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида республикамизнинг **157 та** туманида **182 та** семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда жами **16 918 нафар** аҳоли иштирок этди (*тадбир иштирокчиларининг 38 фоизи хотин-қизлар, 46 фоизи ёшлар, 16 фоизи маҳалла фаоллари ва тадбиркорлар ташкил этди*).

Банклар билан биргаликда “Бутунжаҳон пул ҳафталиги” ва “Бутунжаҳон жамғариш куни” доирасида шахсий молиявий хавфсизликни таъминлашга бағишланган оммавий тадбирларнинг умумий қамрови **174 877 нафар** аҳолини, шундан **26 722 нафари** ёки **15 фоизи** мактаб ўқувчиларни ташкил этди.

Банклар ва Истиқболли лойиҳалар агентлиги экспертлари билан биргаликда тадбиркорлик кўникмаларини ошириш, пулларни хавфсиз кўпайтириш воситаларини ўргатиш, молиявий фирибгарлик ва пирамидаларга алданиб қолмасликка қаратилган маҳорат дарсларида **2 135 нафар** ёшлар қамраб олинди;

Республика бўйича ҳар йилги волонтерлар ҳаракати доирасида иқтисодий йўналишда таҳсил оладиган **200 нафар** битирувчи волонтер талабаларга махсус тренингларни ўтиш орқали ноиқтисодий йўналишда ўқийдиган **8 804 нафар** табаларга кибер таҳдидларга қарши иммунитет шакллантириш бўйича тегишли амалий тавсиялар берилди.

Тижорат банклари билан ишчи гуруҳлар ташкил этилиб Тошкент шаҳридаги Республика болалар кутубхонасида “Молиявий саводхонлик клуби” ва А.Навоий номидаги Миллий кутубхонада Анорбанк билан тижорий ҳамкорликдаги “Молиявий билимлар маркази” лойиҳалари ишга туширилиб, **300** дан ортиқ болалар ва ёшлар қамраб олинди.

“Ўзбекистон 24” телеканалида **20 та** теледастурдан иборат “**Молиявий маданият**” лойиҳаси доирасида банк экспертлари томонидан назарий тушунчалар, банк тизимидаги янгиликлар амалий кейслар билан ёритиб борилди.

Банкнинг хизматларидан масофавий фойдаланишнинг осон, қулай ва хавфсизлигини намоёйиш этиш орқали аҳолида молиявий муносабатни ўзгартиришга қаратилган **15 та** видеороликлар ишлаб чиқилди. Мазкур видеороликлар жамланмаси молиявий саводхонлик йўналишида эшитишда нуқсони мавжуд аҳолини ҳам қамраб олишга қаратилган илк ўзига хос лойиҳа бўлди.

Бундан ташқари, 5-11-синф ўқувчиларига муўлжалланган “**Молиявий саводхонлик тўғараги**” лойиҳаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Таълим сифатини ривожлантириш марказининг экспертлари ва **16 та** тижорат банкларининг молиявий кўмаги жалб қилиниб, республика бўйлаб **100 та** мактабнинг **160 нафар** ўқитувчилари билан биргаликда синф гуруҳлари (*5-7-синф, 8-9-синф, 10-11-синф*) кесимида ўқув қўлланма, ўқитувчилар учун методик қўлланма ва ўқувчилар учун машқ дафтари қамраб олган **комплекс ўқув методик материаллари** ишлаб чиқилди.

Ўқув материаллари омонат ва кредит фоизларини ҳисоблаш, шахсий сезилган инфляцияни аниқлаш, банк карталаридан хавфсиз фойдаланиш, банк хизматларини танлаш ва шартноманинг муҳим шартлари, ижтимоий муҳандисликнинг хусусиятлари, молиявий фирибгарликдан ҳимояланиш усуллари каби амалий билимларни ўз ичига олган реал кейслар билан бойитилган.

Ҳисобот йилида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириб боришга муўлжалланган ҳамда халқаро ва маҳаллий ҳамкорлик асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ҳам амалиётга жорий этилди.

Халқаро миграция ташкилоти билан ҳисобот йилида “Марказий Осиё меҳнат миграцияси” ва “Мавсумий ишчиларнинг Марказий Осиёдан Буюк Британияга хавфсиз миграцияси” лойиҳалари доирасида кетиш олди меҳнат мигрантларини шахсий молияни бошқариш, молиявий билимларини ошириш ва қайтган мигрантларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича **2 та** дастур ва **3 та** махсус ихтисослаштирилган ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилди ва ўқитиш ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари** раҳбар ходимлари учун ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, камбағал oilаларнинг даромад топишига кўмаклашувчи рақамли платформаларни тарғиб қилиш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди ва тренинглар ўтказилди.

Ижтимоий медиа (*Finlit.uz веб-сайти, ижтимоий тармоқлар саҳифалари*)да аҳолида тўғри молиявий хулқ-атворни шакллантириш бўйича креатив шаклдаги кенг кўламли тарғибот ишлари орқали аҳоли қамрови қарийб 5,2 млнга, оммавий ахборот воситалари, хусусан Даракчи газетасида мақолалар, Ориат доно радио каналида таълим лойиҳалари доирасида молиявий саводхонлик рукни орқали аҳоли қамрови деярли 2,8 млнга етказилди.

6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2024 йилда Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати (*кейинги ўринларда – Хизмат*) томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро экспертлар билан ҳамкорликда Хизмат фаолиятини такомиллаштириш ҳамда банкларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича фаолиятини тартибга солиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, тижорат банкларида мижозларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва улар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш ва банкларнинг бу соҳада масъулиятини ошириш мақсадида банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган **минимал талаблар такомиллаштирилди**.

Хусусан:

– банклар мурожаатлар билан ишлашда **ўз ички тартибига эга бўлиши** ва уни банкнинг веб-сайтида жойлаштириши;

– мурожаатларни кўриб чиқиш учун алоҳида **махсус тузилмавий бўлинма ташкил этилиши** ва бунда ушбу таркибий бўлинма ходимлари шикоятларни батафсил ўрганиб чиқиш ҳамда истеъмолчилар билан **низоларни ҳал қилишда қатор ваколатларга эга бўлиши**;

– мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича **ички назорат тизимини жорий қилиш** ҳамда ички назоратни амалга ошириш доирасида банкнинг ички аудит хизматига вазифалар белгиланиши;

– мурожаатларни электрон ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида рўйхатга олиш, қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, мурожаатларда кўтарилаётган масалалардан келиб чиққан ҳолда тизимли камчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи **электрон ахборот тизимини жорий этиш** каби талаб ва қоидалар ўрнатилди.

Мазкур янги қоида ва талабларнинг амалиётга жорий этилиши истеъмолчиларнинг мурожаатлари сифатли ва самарали кўриб чиқирилишига ҳамда мурожаатларни умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида банкда истеъмолчиларнинг эътирозини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Айрим сабабларга (*пандемия оқибатида, вақтинча ишини йўқотганда, касал бўлганида ва ҳ.к.*) кўра кредит тўловларини кечиктирган ҳолда ёки қисман тўлаш ҳолатларида кредит ташкилотлари қарздорлар томонидан амалга оширилган тўловларини, биринчи навбатда, жарималар, пенялар ва кредит фоизларини сўндиришга йўналтириши ҳамда кредитлар бўйича қарздорликни ундириш (*шу жумладан кредитни муддатидан олдин тўлиқ қайтариши*) ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин ҳам айрим кредит ташкилотлари томонидан фоизлар ва неустойка ҳисобланишининг давом эттириш каби амалиётларни чеклаш мақсадида:

кредит бўйича амалга оширилган тўловларни биринчи навбатда кечиктирилган асосий қарзни қоплашга йўналтиришни ҳамда суд қарори қабул қилинган кредитлар бўйича фоизлар ва неустойка ҳисобланиши тўхтатилишини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-914-сонли Қонуни қабул қилинди.**

Ушбу ўзгартиришлар истеъмолчиларнинг кредитларни қайтариш қобилиятини яхшиланишига ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан кредит тўловлари билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шунингдек, фуқароларнинг номига фирибгарлик йўли билан уларнинг хабарисиз кредитлар расмийлаштирилиши ҳолатларининг ўсиб бораётгани бу борадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда тегишли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонунга **жисмоний шахсларга ўзларининг номига кредит олишни тақиқлаш имконияти берилишини** назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қонун фуқаролар номига уларнинг хабарисиз кредит ажратилиши ҳолларининг олди олинишини, шунингдек кредит бюrolари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилишини таъминлайди.

Рақамли молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларни ва улардан фойдаланаётган истеъmolчилар сонини юқори суръатларда кенгайиб ва ўсиб бораётганлиги ушбу йўналишда истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши билан боғлиқ масалаларни долзарблигини янада кучайтирмоқда.

Бу борада, бир қанча хорижий мамлакатлар, жумладан, Португалия, Ирландия, Филиппин, Россия ва Малайзия каби давлатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибалари ўрганилди ва рақамли молиявий хизматлар истеъmolчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди.

Мазкур низом билан истеъmolчиларга ошкор қилинадиган минимал ахборотларнинг ҳажми ҳамда ушбу ахборотларни ошкор қилиниши, рақамли хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган платформаларга қўйиладиган талаблар ҳамда рақамли хизматларни тақдим этишда истеъmolчилар билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибига доир қоидалар белгилаб қўйилмоқда.

Банк хизматлари сифатини ва оммабоплигини ошириш мақсадида **Швейцариянинг “Business&Finance Consulting” компанияси билан биргаликда** Ўзбекистонда банкларнинг хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш юзасидан “сирли мижоз” тартибидаги ўрганиш амалиётга жорий этилди.

2024 йилнинг 24 июнь–5 июль кунлари ўтказилган ўрганишларда тадбиркорларга ҳамда жисмоний шахсларга кредит хизматларини тақдим этиш хизматлари сифатини баҳолаш борасидаги **15 та** банкнинг **5 та** ҳудуддаги **73 та** банк муассасаси қамраб олинди.

Ўрганиш натижалари айрим банкларда мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими ҳанузгача тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимлари мижозларга хизмат кўрсатиш стандартларига амал қилмаслиги, банклар ўртасида мижозлар учун рақобат яхши ривожланмаганлиги ҳамда банк муассасаларида мижозни ўрганиш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳисси шаклланмаганлигини кўрсатди.

Мазкур аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш юзасидан Марказий банк томонидан тижорат банклари бошқарувларига бир қатор кўрсатмалар берилди.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишини ривожлантириш бўйича **Жаҳон банки техник кўмак миссиялари доирасида** хорижий консултантлар томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ҳолати баҳолашдан ўтказилди ва унинг натижаларига асосан мазкур соҳага доир назоратни амалга ошириш, самарали ташкилий тузилма фаолиятини шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштириш йўналишлари юзасидан **2025 - 2027 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.**

FinCoNet ташкилотига аъзолик доирасида 9 та давлатнинг (*Испания, Италия, Австралия, Ирландия, Португалия, Бразилия, Россия, Арманистон, Қозоғистон*) молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича регуляторлари билан ўзаро тажриба алмашиш, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш ҳамда келгусида ҳамкорлик қилиниши мумкин бўлган йўналишларни белгилаб олинди.

Шунингдек, Молиявий оммабоплик альянси (*АФИ*) томонидан Сан Салвадор ва Арманистонда ташкил этилган тадбирларда молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси бўйича аъзо давлатлар регуляторлари билан биргаликда бугунги кунда долзарб бўлган масалалар юзасидан ҳамкорликда ўрганишлар олиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича биргаликда ечим ишлаб чиқиш бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Тижорат банкларининг жисмоний шахслар учун мўлжалланган молиявий хизматлари ҳақидаги ахборот порталини (*“bankxizmatlari.uz”*) аҳолига кенг тарғиб қилиш ва порталдаги маълумотларнинг актуаллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ҳар ойлик сайтдан фойдаланувчилар сони 2024 йил охирига келиб 16 мингтани (*ишга туширилган ойга нисбатан +12 баробар*), сайт саҳифаларига ҳар ойлик ташрифлар сони эса 21 мингтани (*йил бошидан бери +10 баробар*) ташкил этади.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари назорат қилиш доирасида ҳисобот йилида Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари билан биргаликдатежорат банкларининг жойлардаги муссасаларида базавий хизматлар кўрсатилишининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши ҳолатлари юзасидан банкларнинг **881 та** муассасасида **1 008 та** назорат тадбирлари амалга оширилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида кредит ва омонат шартлари тўғрисида тўлиқ маълумот бермаганлиги, ушбу хизматлар кўрсатилиши бўйича шартнома намуналари тақдим этилмаганлиги ҳамда банк картаси орқали лозим даражада тўловлар қабул қилинмаганлиги каби аниқланган қоидабузарликларга йўл қўйган **ҳодимларга** нисбатан **319 та** ҳолатда хайфсан, **249 та** ҳолатда молиявий жарима, **75 та** ҳолатда огоҳлантириш ҳамда **4 та** ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилиш каби **интизомий жазо чоралари қўлланилди**.

Шунингдек, 2024 йилда тегишли мутасадди давлат ташкилотлари билан биргаликда фуқаролар мурожаатлари сони юқори бўлган 4 та йирик банкда истеъмолчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳволи ўрганилди.

Мазкур ўрганиш якунларига кўра банк бошқарувлари зиммасига мурожаатлар билан ишлаш бўйича банкнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини банк бошқаруви йиғилишида танқидий кўриб чиқиш, мурожаатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни бартараф қилиш ҳамда келгусида бундай камчилик ва хатоларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли тадбирларни белгилаб олиш юзасидан вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, КАТМ кредит бюросида ҳам банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича тематик ўрганиш ўтказилиб, кредит бюрolari фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

– жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ички тартиб ишлаб чиқиш ва уни веб-сайтига жойлаштириш;

– кредит ахборотидан фойдаланувчилар томонидан кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома тузиш учун кредит бюросига тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар таркибини белгилаш;

– кредит ахбороти субъектининг рейтинг баҳосини ҳисоблаш услублари ва унга таъсир этувчи омилларни кредит ахбороти субъекти ёки кредит ахбороти фойдаланувчиларига уларнинг талабига асосан тушунтириб бериш;

– кредит ахбороти субъектига тақдим этиладиган кредит ҳисоботида қайд этилган маълумотларни истеъмолчиларга тушунарли тарзда акс эттириш амалиётлари жорий этилди.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилиши йўналишига доир **1 580 та** мурожаат кўриб чиқилди. Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш жараёнида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилган **116 нафар** истеъмолчиларга омонат пуллари ва ҳисобварағига тушиши лозим бўлган маблағлар

қайтарилиши, нотўғри ҳисобланган кредит қарздорликлар бўйича мажбуриятлар бекор қилиниши, кредит қарздорлиши учун банк карталаридан асоссиз ундирилган маблағлар қайтарилиши ҳамда ноқонуний ундирилган банк хизмат ҳақи маблағлари қайта ҳисоб китоб қилиниши натижасида уларга жами **2,5 млрд сўм** миқдордаги молиявий йўқотишлари олди олинди.


6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

2024 йилда Марказий банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида кўриб чиқирилиши таъминланди.

2024 йилда Марказий банк аппаратида жами **5 031** та мурожаат келиб тушган бўлиб, унинг 20,4 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 4,6 фоизи Марказий банк электрон почтаси, 47,2 фоизи Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик, идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 6,9 фоизи “ишонч телефони” орқали ҳамда 20,9 фоизи қабуллар давомида келиб тушган.

6.4.1-чизма

Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатлар тақсимланиши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банкка келиб тушган 5 031 мурожаатдан **4 764 таси** ёки 94,7 фоизи бевосита тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ бўлган мурожаатлар ҳисобланади. Мазкур мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича тижорат банкларининг бош офисига юборилиб, натижалари тўғрисида мурожаатчиларга ўз вақтида маълум қилиниши устидан мониторинг ўрнатилди.

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг **4 790** тасига (**95,2%**) белгиланган тартибда тегишли тушунтиришлар берилди ва ижобий ҳал қилинди, 95 та (**1,9%**) мурожаат тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа вазирлик ва идораларга юборилди, 140 таси (**2,8%**) ижро жараёнида ва 6 таси (**0,1%**) аноним мурожаат бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмади.

Марказий банкка келган мурожаатларнинг қарийб 84,2 фоизи кредит, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамда банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласидаги мурожаатлар ҳиссасига тўғри келади.

6.4.1-жадвал

**Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида кўтарилган
масалалар таркиби**

№	Мурожаат масаласи	Сони	фоизда
1.	Банк кредитлари ва кредит операциялари масаласида	2 991	59,5
2.	Тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масаласида	922	18,3
3.	Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласида	322	6,4
4.	Банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар	184	3,7
5.	Банк карталари, терминаллар ва банкоматлар масаласида	132	2,6
6.	Валютани тартибга солиш ва валюта назорати масаласида	115	2,3
7.	Банк омонати ва бошқа депозит операциялари масаласида	98	1,9
8.	Ишга жойлашиш масаласида	79	1,6
9.	Нафақа пуллари олиш масаласида	39	0,8
10.	Банклар ва кредит ташкилотларни ташкил этиш ва тугатиш	26	0,5
11.	Бошқа масалалар	123	2,4
	Жами	5 031	100

Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, ҳисобот йилида аҳолини қийнаётган масалаларни жойида ўрганиб ҳал қилиш мақсадида олис ва чекка ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда Марказий банк раҳбарияти томонидан 56 бор сайёр қабуллар ташкил этилди. Бунда, мурожаатчилар томонидан кўтарилган масалаларни жойида, ҳолис ва тезкор ҳал этиш ҳамда қабулларнинг натижадорлиги ва аҳолининг розилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ташкил этилган 56 та сайёр қабулларда жами 1 000 дан ортик тадбиркорлар, омонатчилар ва фуқаролар билан учрашилиб, **961** та имтиёзли кредит ва банкка оид бошқа масалаларда мурожаатларнинг **733** таси ижобий ҳал қилинди (*178,9 млрд сўм миқдоридида кредитлар ажратилди*), **219** тасига тегишли тушинтиришлар берилди, **1** таси тегишли идораларга юборилди ҳамда **8** таси юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилиб ижроси назоратга олинди.

Мазкур масала ҳар чоракда Марказий банк бошқаруви мажлисларида ва ҳар ҳафтада Марказий банк раиси ҳузурида танқидий муҳокама қилиниб, мурожаатчилар томонидан кўтарилган масалаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ жойида ҳал қилиш ҳамда ходимларнинг касбий малакалари ва шахсий масъулиятини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар бериб борилди.

Тижорат банклари бошқаруви томонидан 2024 йил мобайнида мурожаатларни қонуний ҳал қилмаган, белгиланган муддатларда кўриб чиқмаган, мурожаатлар билан ишлашда хато ва камчиликларга тизимли равишда йўл қўйган 475 та раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан меҳнат кодекси ва ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан (172 та “ҳайфсан”, 289 та жарима, 14 та лавозимидан озод этиш) чоралар кўрилди.

Марказий банк томонидан мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши билан бир қаторда, тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланиб, банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда кредит ташкилотларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар такомиллаштириб борилди.

Жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатларнинг Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва мобил илова дастури орқали электрон шаклда ҳамда “Ишонч телефони” орқали тўғридан-тўғри қабул қилинаётганлиги мурожаатларда кўтарилган масалаларни тезкор аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Банк тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади рақамли хизматлар кўрсатишни кенгайтириш орқали аҳолига янада қулай ва сифатли банк хизматларини таклиф этишдан иборат бўлиб, кредитлашда бозор механизмларига тўлиқ ўтилиши, мазкур йўналишдаги мурожаатлар сонининг камайишига ва кредитлар самарадорлигининг янада ортишига хизмат қилади.


VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

2024 йилда хорижий ҳамкорлар билан пул-кредит сиёсати, тўлов тизимлари, халқаро захираларни бошқариш, молиявий барқарорлик, молиявий саводхонлик ва оммабопликни ошириш, инсон ресурсларини бошқариш, ислом молияси учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш каби Марказий банкнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш юзасидан халқаро алоқалар ва ҳамкорликни янада кенгайтириш чоралари кўриб борилди.

Ҳисобот йили давомида халқаро молия институтлари, хорижий марказий банклар ва бошқа хорижий ташкилотлар билан ушбу мақсадларга йўналтирилган қарийб 370 та (*ўтган йилга нисбатан +18%*) турли даражадаги учрашувлар ўтказилди.

7.1-чизма

2024 йилда ўтказилган учрашувлар



Манба: Марказий банк маълумотлари


7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик

2024 йил давомида Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштириш, юклатилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтларидан жами 16 та техник кўмак миссиялари ташкил қилинди ва 6 та консултив ташрифлар амалга оширилди.

Ушбу техник кўмак дастурлари Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, ички аудит, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўлов тизимлари, халқаро захираларни бошқариш, ислом молияси, молиявий барқарорлик, молиявий саводхонлик ва оммабопликни ошириш, монетар операциялар ва гаров реестри фаолиятини такомиллаштиришга қаратилди.

7.1.1-чизма

2024 йилда Марказий банкка халқаро молия институтларидан жалб қилинган техник кўмак миссиялари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида, ХВЖ ва Жаҳон банкининг қўшма Молия секторни баҳолаш дастурининг (*FSAP*) дастлабки миссияси қабул қилинди. Унда мамлакат иқтисодиётидаги давлатнинг ўрни, банк назоратининг Базель тамойилларига мувофиқлиги, муаммоли кредитлар, банклар барқарорлиги бўйича стресс-тестлаш йўналишларида баҳолашнинг дастлабки хулосалари олинди.

ХВЖнинг Ўзбекистон бўйича миссиясининг мамлакатга **ХВЖнинг IV моддаси бўйича маслаҳатлашув ва оралиқ миссиялари** юзасидан ташрифи мувофиқлаштирилиб, қатор давлат идоралари ва юқори турувчи орган вакиллари билан жорий макроиқтисодий ҳолат, фискал сиёсат, молиявий сектор барқарорлиги, таркибий ислохотлар ва ташқи сектор статистикаси масалалари юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилди ва ХВЖнинг тегишли ҳисоботлари эълон қилинди.

Вашингтон шаҳрида ўтказилган **ХВЖ ва Жаҳон банкининг баҳорги ва йиллик анжуманлари** доирасида хорижий ҳамкорлар билан икки ва кўптомонлама учрашувлар бўйича эришилган келишувлар ижроси таъминлаб келинди.

ХВЖ ва Жаҳон банки **“Швейцария гуруҳи”**нинг Тожикистонда ўтказилган навбатдаги йиғилишида гуруҳга аъзо давлатларда макроиктисодий ҳолат ва ривожланиш истиқболлари юзасидан раҳбарлар ўртасида ўзаро фикр алмашилди. Шу билан бирга, Гуруҳнинг навбатдаги **2026 йилги йиғилишини Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида ўтказиш** юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

“Швейцария гуруҳи” марказий банклари раҳбар ходимлари учун **Австрия ва Қозғистонда ўтказилган минтақавий конференцияларида** ҳозирги даврдаги пул-кредит сиёсатидаги қарорлар, инфляция жараёнлари билан боғлиқ маълумотлар ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилди ва бир қатор келишувларга эришилди.

Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) “Инклюзив молия секторини ривожлантириш дастури”да кўзда тутилган ислохотлар матрицасининг 1-босқичи доирасида Марказий банкка тегишли **9 та** банд вазифалари ижроси таъминланди. Шу билан бирга, ислохотлар матрицасининг 2-босқичида Марказий банкка тегишли **11 та** вазифалар (*асосан молиявий оммабоплик ва микромолия хизматларини ривожлантириш*) белгиланиб, 2025 йилнинг июль ойига қадар ижросини якунлашга келишиб олинди.

Шу билан бирга **ОТБ** кўмагида **микромолия ташкилотлар** фаолиятини халқаро тамойилларга мувофиқ ислох қилиш мақсадида Марказий банкка **доимий халқаро экспертни жалб қилиш** юзасидан дастлабки чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари билан **аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, рискларни бошқариш, таъминот занжири ва савдони молиялаштириш** масалалари юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш борасида учрашувлар ташкил қилиниб, Марказий банкда банк-молия соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат ва хусусий корхоналар мутахассислари учун **халқаро конференция ва семинар-тренинглар** ташкил этилди.

Ҳисобот йилида таркибий бўлинмаларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик кенгайтирилиб, ходимларни амалий кўникмаларини тажриба алмашиш орқали янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар бажарилди.

Йил давомида **20** дан ортиқ хорижий марказий банклар билан ёзма мурожаатлар, онлайн учрашувлар, шунингдек раҳбарият ва экспертлар даражасида ўзаро ташрифлар орқали тажриба алмашиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди.

Минтақадаги марказий банклар билан раҳбарият даражасида жами **17 та** мамлакатга **23 та ташрифлар** амалга оширилиб, пул-кредит сиёсати, банк ва тўлов ташкилотлари назорати ҳамда киберхавфсизлик соҳаларида долзарб масалалар муҳокама этилди ва ташрифлар якунлари бўйича **31 та** келишувларга эришилди.

Натижада Марказий банк мутахассислари турли тажриба алмашиш ва ўз кўникмаларини ошириш имконига эга бўлдилар. Жумладан, йил давомида хорижий марказий банклар тажрибаларини ўрганиш мақсадида жами **9 та**, жумладан:

- рақамли валюта, инсон ресурсларини бошқариш, тўлов балансини тузиш ва прогнозлаш йўналишларида Қозоғистон Миллий банкига;

- пул-кредит сиёсати ва тўлов баланси статистикаси йўналишларида Швейцария Миллий банкига;

- юридик соҳани такомиллаштириш, тўлов тизимлари, киберхавфсизлик ва ички аудит йўналишларида Россия Банкига;

- микромолия, тўлов тизимлари ва финтех йўналишларида Озарбайжон Марказий банкига ташрифлар уюштирилди.

Шу билан бирга, хорижий марказий банклар вакиллари иштирокида Марказий банкда **10 та тажриба алмашинув тадбирлари**:

- **Корея Марказий банки** билан ҳар йиллик Билимлар алмашинуви дастури доирасида тўлов тизимлари ҳамда халқаро захираларни бошқариш соҳаларида қўшма тадқиқот семиналари;

- **Тожикистон Миллий банки** мутахассислари учун молиявий оммабоплик, гендер тенглиги, тўлов тизимлари, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишларида тажриба алмашиш юзасидан ўқув семинари;

- **Швейцария Миллий банки** техник кўмагида ташкил этилган “Марказий банк учун Динамик стохастик умумий мувозанат (*DSGE*) моделини ишлаб чиқиш” мавзусида Чехиянинг OGREsearch халқаро консалтинг компаниясининг навбатдаги миссияси ташрифи;

- **Грузия Миллий банки, Россия Банки ва Қозоғистон Миллий банки** вакиллари билан ходимларни шахсий баҳолаш ва KPI тизимини жорий этиш юзасидан;

- Россия Банки вакиллари билан банк назорати, лойиҳа ва жараёнларни бошқариш соҳаларини янада такомиллаштириш бўйича;

- Қозоғистон Миллий банки мутахассислари билан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари юзасидан;

- Қозоғистон ва Қирғизистон Миллий банклари вакиллари иштирокида Самарқанд шаҳрида **Марказий Осиё микромолия саммити** тадбирлари ўтказилди.

2024 йил давомида хорижий марказий банклар билан банк соҳасига доир вазифаларни самарали бажарилиши ҳамда ўзаро ахборот алмашинуви учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида бир қатор **халқаро ҳужжатлар имзоланди.**

Хусусан, банк назорати ҳамда жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳаларида жами **5 та** халқаро ҳужжатлар, жумладан:

– Тожикистон Республикаси Миллий банки билан кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш бўйича, Қирғизистон Миллий банки билан банк назорати ҳамда жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида битимлар;

– Озарбайжон Марказий банки билан ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми;

– Қирғизистонда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг Марказий (Миллий) банклар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

7.2. Халқаро рейтинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик

2024 йилда халқаро рейтинг агентликлари билан амалий мулоқотларда асосий эътибор мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, умумий макроиктисодий ҳолати, ташқи сектор статистикаси, пул-кредит сиёсатининг йўналишлари каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига қаратилди.

Йил давомида халқаро интеграцион ташкилотлар, хусусан **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)**, **Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)**, **Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)** билан кўптомонлама алоқалар, ҳамда **Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)**га аъзо бўлиш жараёнлари доирасида Марказий банкка тегишли масалалар кўриб чиқилиши таъминланди.

Жумладан, ушбу ташкилотлар билан ўтказилган жами **16 та** учрашув ва йиғилишларда Марказий банк вакиллари иштирок этдилар ҳамда келиб тушган жами **9 та** халқаро ҳужжат лойиҳалари юзасидан Марказий банк ҳулосалари тақдим этилди.

Шу билан бирга, 2024 йил давомида хорижий давлатларга амалга оширилган **олий даражадаги ва расмий ташрифлар** якунлари бўйича келиб тушган жами **38 та** ҳукумат топшириқларидаги йўл хариталарнинг Марказий банкка тегишли **61 та** бандлари ижроси таъминланди.

2024 йил давомида **Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)**га аъзо бўлиш бўйича Марказий банк томонидан:

– икки томонлама музокаралар доирасида **АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Швейцария, Филиппин, Индонезия ва Россия** томонидан жами **16 та** савол келиб тушиб, амалдаги банк қонунчилигига мувофиқ батафсил тушунтиришлар ва ёзма жавоблар тақдим этилди;

– **Женева шаҳрида** мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан Ишчи гуруҳнинг 8-йиғилишида Марказий банк вакиллари ҳукумат делегацияси таркибида иштирок этиб, ЖСТга аъзо давлатлар томонидан келиб тушган тегишли **14 та** саволлар юзасидан тегишли ҳулосалар берилиши таъминланди;

– ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан Вашингтон шаҳрида **АҚШнинг Савдо вазирлиги** вакиллари билан ўтказилган музокараларда Марказий банкка тегишли масалалар, жумладан мамлакатда хорижий банклар филиаллари фаолиятига рухсат бериш юзасидан яқуний позиция ифода этилди;

– мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан Ишчи гуруҳнинг 9-йиғилишида Марказий банк вакиллари онлайн равишда иштирок этиб, музокаралар давомида **АҚШ ва Европа Иттифоқи** вакилларида келиб тушган **2 та** саволлар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзолик доирасида йил давомида жами **8 та** эксперт даражасидаги муҳокамалар ўтказилди ва **3 та** ҳужжатлар юзасидан тегишлилиги бўйича Марказий банк ҳулосалари тақдим этилди.

Хусусан:

– аъзо давлатларнинг **ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталар** улушини босқичма-босқич ошириб бориш масаласи юзасидан Йўл харитасинининг тегишли бандлари ижроси юзасидан;

– ШХТга аъзо давлатлар **Инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Битим ва Концепция** лойиҳаси, ШХТнинг навбатдаги саммити яқунлари бўйича **Остона декларацияси** лойиҳаси бўйича Марказий банк ҳулосалари тақдим этилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзолик доирасида йил давомида жами **3 та** эксперт даражасидаги муҳокамалар ўтказилди ва жами **4 та** ҳужжатлар юзасидан тегишлилиги бўйича Марказий банкнинг ҳулосалари тақдим этилди.

Хусусан, МДХ Ижроия қўмитасининг 2030-йилга қадар Ҳамдўстлик иқтисодий тараққиёт **Стратегиясининг биринчи ва иккинчи босқичларини (2026-2030 йиллар)** амалга ошириш бўйича **чора-тадбирлар режаси**, 2023 йил яқунларига кўра, тайёрланиши кўзда тутилган **МДХ иштирокчи давлатларида банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат**

қилиш соҳасидаги тартибга солувчи режим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси банк тизимида оид маълумотлар Ижроия қўмитанинг йиллик ҳисоботида киритиш бўйича ҳулосалар берилди.

Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзолик доирасида йил давомида жами **3 та** эксперт даражасидаги муҳокамалар ўтказилди ва **2 та** ҳужжатлар юзасидан тегишлилиги бўйича:

– ТДТ аъзо давлатлар ҳукуматлар ўртасида **рақамли иқтисодиёт** соҳасида ҳамкорлик тўғрисида **Битим** лойиҳаси;

– ТДТ аъзо давлатларнинг Марказий (*Миллий*) банклар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги **Меморандум лойиҳаси** юзасидан Марказий банк ҳулосалари тақдим этилди.

Шу билан бирга, 2024 йилда Покистон, Малайзия ва Россия билан **Ҳукуматлараро қўшма комиссияларининг** навбатдаги йиғилишларида тегишлилиги бўйича Марказий банк вакилларининг иштироки таъминланди.

Жумладан, **Россия томони** билан йил давомида жами **8 та ҳужжатлар** юзасидан тегишлилиги бўйича Марказий банкнинг ҳулосалари берилди ҳамда жами **10 дан** ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Жумладан:

– Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида молия ва банк соҳасидаги ҳамкорлик бўйича **Қуйи комиссия** ҳамда иқтисодий ҳамкорлик бўйича **Ҳукуматлараро комиссиянинг** Москва шаҳрида ўтказилган йиғилишлари доирасида раҳбарият ва экспертлар даражасида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида молия ва банк соҳасидаги ҳамкорлик бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди.

Шу билан бир қаторда, Марказий банк раҳбарияти **Марказий банклар ва назорат органлари молиявий тизимининг экологик тозалигини ошириш ҳамжамиятининг (NGFS) Ялпи мажлисида** онлайн равишда иштироки таъминланди.

Марказий банкда “Тадбиркор аёллар учун молиявий кодекси” (*WE-Finance Code*) **жорий** этилди ҳамда халқаро ташкилотлар (*ЕТТБ, ОТБ, WE-Finance Code котибияти*) вакиллари иштирокида аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ва ушбу ташаббусларни муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Марказий банк Банк назорати бўйича Базель қўмитаси (*BCBS*) таркибида ташкил этилган **Базель маслаҳатлашув гуруҳи (BCG)**га аъзо бўлди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан **Хитой Экспорт-импорт банкининг ваколатхонаси** аккредитация қилинди ҳамда **Корея Экспорт-импорт банки ваколатхонасининг** аккредитация сертификати муддати узайтирилди.

VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

8.1. Ташкилий тузилма

Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарат – 29 та департамент, 4 та хизмат, 1 та марказ ва 2 та бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 14 та ҳудудий бош бошқарма ҳамда тасарруфдаги 5 та корхоналардан ташкил топган.

2025 йил 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаларида жами 2 183 нафар, шунингдек, тасарруфидаги корхоналарда жами 2 264 нафар ходим ва мутахассис фаолият юритмоқда.

8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш

2024 йилда ходимлар билан ишлаш тизимида асосий эътибор иш жойида қулай муҳитни яратишга, замонавий ва янгича қарашларга эга ёш ходимларни ишга қабул қилишга ҳамда ходимлар билим ва малакасини хорижий мамлакатларда ташкил этилган турли семинар-тренинглар орқали доимий ошириб боришга қаратилди.

Хусусан, Марказий банк марказий аппарати ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида мавжуд бўлган вакант лавозимларга ишга қабул қилиш жараёнлари очиқ танлов асосида ташкил этилиб, суҳбат жараёни Youtube платформасида Марказий банкнинг тажрибали мутахассисларидан иборат бўлган эксперт гуруҳи томонидан ўтказилиши орқали холислик, шаффофлик ҳамда барча номзодларга тенг имкониятларни яратиб бериш тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Марказий банкда мавжуд бўш иш ўринларини бутлаш мақсадида етакчи олий ўқув юртлари билан мунтазам ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида ёритиб борилади. Мазкур тажриба Марказий банк тасарруфидаги ташкилотларда ҳам йўлга қўйилган.

2024 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларига ишга кириш учун телеграм-бот орқали 13 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 4 217 нафар номзод тест синовини босқичига тавсия этилди ҳамда улардан тегишли босқичлардан муваффақиятли ўтган 323 нафари билан суҳбат ўтказилиб, жами 92 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Марказий банк фаолиятида аънанага айланиб бораётган **“махсус стипендия” дастури бўйича** 2024 йилда республиканинг нуфузли олий таълим даргоҳларидаги банк иши, иқтисодиёт, банкларда бухгалтерия ҳисоби, макроиқтисодиёт, статистика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим олаётган 405 нафар иқтидорли талабалар орасида танлов ўтказилиб, жами **29 нафар энг иқтидорли талабалар** Марказий банк стипендияси билан тақдирланди.

Марказий банкда стипендиатлар учун ҳар кунлик амалий малака ўташлари ташкил этилган, уларнинг иш жойларига кўникишларига шароитлар яратилиб, ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилган.

2023-2024 ўқув йилда Марказий банкнинг махсус стипендиясининг 19 нафар ғолиблари орасидан амалиёт якунлари бўйича 8 нафари тегишли таркибий бўлинмалар тавсияси асосида ишга қабул қилинди.

8.3. Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар

Марказий банкнинг стратегик вазифаларни амалга оширишда юқори салоҳиятли ҳамда малакали ходимларнинг роли муҳимлигидан келиб чиқиб, 2024 йил давомида ходимларнинг касбий билимларини ошириш ва амалий кўникмаларини кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Марказий банк марказий аппаратининг 201 нафар (*ўтган йилга нисбатан +8%*) раҳбар ва ходимлари ҳамда ҳудудий бош бошқармаларининг 7 нафар ходими халқаро молия институтларида ташкил этилган малака ошириш ўқув тадбирларида амалий ва назарий билимларини ошириш имкониятларига эга бўлди.

Ҳисобот даврида Марказий банк ходимлари учун чет эл ҳамкорлари томонидан хорижий давлатларда 129 та ўқув тадбири, жумладан, 88 та ўқув курси, 23 та ўқув семинари, 17 та тажриба ўрганиш дастури ва 1 та узоқ муддатли ўқув дастурлари ташкил этилди.

Хорижий марказий банклар, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган жами 129 та тадбирларнинг 30 таси пул-кредит сиёсати ва макроиқтисодий сиёсат, 18 таси кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, 10 таси халқаро захираларни бошқариш, 10 таси молиявий технологиялар, 9 таси ахборот технологиялари, киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқариш, 9 таси макропруденциал сиёсат, 8 таси яшил иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш ҳамда 35 таси бошқа йўналишларда ўтказилган.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йилда ходимлар иштирок этган 129 та хорижий ўқув тадбирларининг 72 фоизи тўлиқ ҳамкор ташкилот ҳисобидан, 20 фоизи қисман ва 8 фоизи тўлиқ Марказий банк ҳисобидан молиялаштирилган.

Ҳисобот даврида Марказий банкнинг **187** нафар ходими Жаҳон банки, Россия, Туркия ва Қозоғистон давлатларининг марказий банклари ҳамда халқаро молия ташкилотлари томонидан кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, ахборот технологиялари, киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқариш, пул-кредит ва макроиктисодий сиёсат ҳамда раҳбар ходимларнинг бошқарув кўникмаларини ривожлантириш каби йўналишларда ташкил этилган **40** та онлайн ўқув тадбирларида иштирок этишди.

Шу билан бирга, давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармасининг 15 нафар ходими “Ўзбек ҳамда қорақалпоқ адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш” курсларида билим даражаларини оширишди.

2024 йил давомида Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилган қисқа муддатли курсларда марказий аппарат ва ҳудудий бош бошқармаларнинг 40 нафар ходими иштирок этди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкда **86** нафар (*50 та раҳбар ва 36 та мутахассис*) хорижий магистрлик даражасини олган, **26** нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган ва **160** нафар Банк-молия академиясини тамомлаган ходим меҳнат фаолиятини юритмоқда.

Хорижий магистрлик даражасини олган **86 нафар** ходимларнинг **40** нафари Япония, **20** нафари Буюк Британия, **8** нафари Корея ва **18** нафари бошқа хорижий мамлакатларда давлат сиёсати, иқтисодиёт, молия ва банк иши, МБА ва халқаро менежемент каби йўналишларда таълим олишган.

Ҳозирги кунда Япония, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Испания давлатлари олийгоҳларининг магистратура дастурида **17** нафар, докторантура (PhD) дастурларида **2** нафар, Банк-молия академияси **38** нафар, Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактабида **5** нафар Марказий банк ходими таҳсил олиб олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хорижий ва Марказий банкда ўтказиладиган ўқув тадбирлари бўйича барча ўқув материаллари Марказий банк ахборот порталининг билимлар базасига жойлаштирилиб келинмоқда.

8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

2024 йилда молия тизими статистикасини шакллантириш ва халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ҳамда эълон қилинадиган статистик маълумотлар кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси бўйича **“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”** ва **“Молиявий ташкилотлар (молия тизими) шарҳи”**лари Марказий банкнинг расмий веб-сайтида, Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида, шунингдек, ХВЖнинг **“кенгайтирилган Маълумотларни Тарқатишнинг Умумий Тизими”** ҳамда **“Халқаро Молиявий Статистика”** платформаларида даврий равишда эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Мазкур янги шарҳларни даврий равишда шакллантириш ва эълон қилиб борилиши Ўзбекистон молия тизими фаолиятининг ривожланиш ҳолати бўйича кенг қамровли статистик маълумотлар халқаро молия ташкилотлар, хорижий инвесторлар ва бизнес субъектларининг узоқ муддатли стратегик қарорлар қабул қилишига хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатлар молия тизими қамрови ва оммабоплигини акс эттирувчи ХВЖнинг **“Молиявий оммабоплик шарҳи (*Financial Access Survey*)”** статистик платформасида эълон қилинадиган статистик маълумотлар янада кенгайтирилиб, тарихий давр маълумотлари билан тўлиқ қайта шакллантирилди ҳамда ушбу платформага жойлаштирилди.

2024 йилда ХВЖ келишувларининг IV моддаси бўйича ҳисоботида **“Кузатувлар учун маълумотлар монадлигини баҳолаш”** доирасида пул-кредит ва молиявий статистика йўналишидаги маълумотлар сифати бўйича умумий **“В”** ёки ХВЖ га тақдим этилган маълумотлар **“кузатувлар ўтказиш учун етарли”** рейтинг кўрсаткичи билан баҳоланди.

Ушбу рейтинг кўрсаткичи таркибидаги маълумотлар қамрови бўйича – **“В”**, маълумотлар кенглиги бўйича – **“А/В”** ва даврийлик ва муддатлар бўйича – **“А”** рейтинг кўрсаткичи берилган.

Мазкур умумий **“В”** рейтинг кўрсаткичини **“А”** рейтинг кўрсаткичига олиб чиқиш бўйича ХВЖ экспертлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Еврора Иқтисодий Комиссияси, Европа Статистика Ташкилоти ҳамда Европа Эркин Савдо Ассоциациясининг экспертлари томонидан пул-кредит ва ташқи сектор статистикасини шакллантириш, юритиш ва эълон қилиш жараёни, хусусан, меъёрий-ҳуқуқий асослар, маълумотлар манбалари, методологияларнинг халқаро стандартлар ва меъёрларга мувофиқлиги бўйича баҳолашдан ўтказилди ҳамда ижобий ҳулоса олинди.

8.5. Марказий банк фаолиятидаги таҳлил ва тадқиқотлар

Ҳисобот йилида олиб борилган тадқиқот ишларида асосий эътибор глобал иқтисодиётда вужудга келаётган янги феноменлар таъсирида кучайиб бораётган ноаниқликларни, инфляцияга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиб бориш, мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш, шунингдек, ички ва ташқи иқтисодий жараёнларга оид турли макроиқтисодий масалаларга қаратилди.

Хусусан, 2024 йилда Марказий банк фаолиятига оид 15 тадан ортиқ инфляция ва нархлар, молия бозори, ташқи иқтисодий фаолият ва глобал иқтисодиёт, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ҳамда норасмий иқтисодиёт каби соҳаларга оид фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқотлар хулосалари пул-кредит, валюта, банк назорати сиёсатлари бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилмоқда.

Хусусан, инфляция омилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва инфляцияни жиловлашга қаратилган самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш заруриятидан келиб чиқиб, **Ўзбекистонда истеъмол нархлари ўзгаришининг талаб ва таклиф омиллари томондан таҳлил қилиш амалиёти амалга ошириб келинмоқда.**

Хусусан, мазкур тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги пайтда **умумий инфляцияда:**

талаб омиллари – **49,3** фоиз, таклиф омиллари – **50,7** фоиз,

озик-овқат маҳсулотлари инфляциясида талаб омиллари – **49,7** фоиз, таклиф омиллари – **50,3** фоиз,

ноозик-овқат маҳсулотлари инфляциясида талаб омиллари – **51,5** фоиз, таклиф омиллари – **48,5** фоиз,

хизматлар инфляциясида талаб омиллари – **44,7** фоиз, таклиф омиллари – **55,3** фоизни ташкил этади.

Ушбу тадқиқот натижалари, ўз навбатида, амалга оширилган иқтисодий тадбирларни самарадорлигини баҳолаш, инфляция кутилмаларини бошқариш ва истеъмол нархлари ортиши билан боғлиқ хатарларни юмшатиш имконини беради.

Бундан ташқари, макроиқтисодий сиёсатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ҳамда ишсизлик ва инфляция ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи **инфляциянинг тезлашишига олиб келмайдиган ишсизлик даражаси (NAIRU)** баҳоланди.

NAIRU даражасини баҳолаш, ўз навбатида, меҳнат бозоридаги тебранишлар туфайли юзага келадиган инфляцион босимларни юмшатишга қаратилган чораларни ўз вақтида кўриш имконини беради.

Бундан ташқари, **товар ва хизматлар импорти ва экспортига бўлган талаб бўйича эластиклик** таҳлили ўтказилиб, унда барча товар ва хизматлар эластик ва ноэластик гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди ҳамда мазкур шароитларда сўм алмашув курсининг тебраниши экспорт ва импорт ҳажмига таъсир кўрсатиш даражаси ўрганилди.

Нарх ўзгаришига нисбатан импорт товарларига бўлган талаб эластиклигининг ўзгариши таҳлил қилинганда, 2023 йилда эластик бўлган товарлар улуши 2022 йилга нисбатан 3,7 фоиз бандга камайиб, 40,7 фоизни ташкил этганлиги, ноэластик ва доимий характерга эга бўлмаган товарлар улуши мос равишда 2,3 ва 6,0 фоизга ортганлиги аниқланди.

Шунингдек, 2023 йил маълумотлари базасида валюта алмашув курсининг (*АҚШ доллари*га нисбатан) кўшимча 10 фоизга девальвацияга учраши мазкур даврда товарлар импорти ҳажмини 1,3 фоиз бандга камайитириши ва олтинсиз экспорт ҳажмини 2,1 фоиз бандга кўпайтириши мумкинлиги тўғрисидаги хулосалар қилинди.

Тадқиқотлар жараёнларида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида асосий хомашё маҳсулотларига қарамлик даражасини баҳолаш ва экспорт товарларини диверсификация қилиш имкониятларини таҳлил қилишга ҳам алоғида эътибор қаратилди.

2024 йилда **хомашё экспортига қарамлик ҳамда экспорт товарлари диверсификацияси** таҳлили ўтказилиб, маълум бир турдаги экспорт маҳсулотларига қарамлик мамлакат иқтисодиётига қай тарзда таъсир этиши ўрганилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларларидаги ўзгаришлар маҳсулот етиштирувчи уй-хўжаликлари фойдасининг ўзгаришига таъсири **қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи пасайишининг** фермерлар ҳамда аҳолининг мазкур секторда иш билан банд бўлган қисмининг **аҳоли даромадларига таъсири** мавзусида тадқиқотлар амалга оширилди.

Ҳисобот йилида юқорида кўрсатилган тадқиқотлар билан бир қаторда, ички ва ташқи макроиқтисодий ҳолатларга оид, жумладан:

– мамлакатда амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатларнинг самарадорлиги баҳолаб бориш;

– глобал иқтисодиёт юз бераётган янги тенденциялар, жумладан, демографик ўзгаришлар, геосиёсий ҳолат ва фрагментация жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш;

– банк ва тўлов тизимлари бозорида янги инновацион хизмат турларининг кенгайиб бораётган шароитда тизимларнинг барқарор ишлашини таъминлашга оид бошқа кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб, уларнинг натижалари иқтисодий қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаол қўлланилди.

Бундан ташқари, расмий статистик маълумотларга муқобил иқтисодий фаоллик бўйича тезкор маълумотларни олиш мақсадида реал сектор корхоналари ўртасида сўровлар ўтказиш орқали “Иқтисодий фаоллик индекси” ва “Иқтисодий кутилмалар индекси” кўрсаткичлари шакллантириб борилмоқда.


8.6. Ички аудит ва комплаенс-назорат хизмати фаолияти

2024 йилда Марказий банкнинг ички назорат тизимини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга асосан такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилиб, бу борада асосий эътибор Марказий банк фаолиятига доир хатарларни бошқариш тизими ва хатарга асосланган ички аудитни жорий қилишга қаратилди.

Хусусан, ҳисобот йилида “Марказий банкда 2024-2026 йилларда хатарларни бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси”га мувофиқ Марказий банк фаолиятига доир иш жараёнларини таҳлил қилиш асосида операцион, репутацион ва молиявий хатарлар баҳоланди ҳамда Марказий банкнинг Хатарлар реестри шакллантирилди.

8.6.1-чизма

**Марказий банк фаолиятига доир хатарларнинг
турлари бўйича декомпозицияси**



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банк бошқарувининг тегишли қарори билан мазкур хатарларнинг Марказий банк фаолиятига таъсирини ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда бугунги кунда унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банкда хатарларни бошқариш борасидаги мақсад ва вазифаларни, хатарларни бошқариш тамойилларини, хатарларнинг Марказий банк учун мақбул даражаларини, хатарларни бошқаришнинг асосий жараёнлари ва ташкилий тузилишини белгилайдиган **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хатарларни бошқариш Сиёсати”**нинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Хатарларни бошқариш ишларини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш мақсадида ҳисобот йилида Марказий банк **Хатарларни бошқариш бўйича халқаро ишчи гуруҳи (IORWG)**га аъзо бўлди. Мазкур халқаро ишчи гуруҳга аъзолик доирасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида келгусида Марказий банкнинг Хатарлар реестри ва хатарларни бошқариш механизмлари такомиллаштириб борилади.

Ўз навбатида, Марказий банкда **хатарга асосланган ички аудитни жорий қилиш** борасида Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида Марказий банк ички аудит хизмати вазифа ва функциялари **Ички аудитнинг Халқаро стандартлари (GIAS)** талабларига мувофиқлаштирилди.

Бунда, ички аудит хизмати фаолиятининг асосий мақсади сифатида Марказий банк бошқаруви ва раҳбариятини таркибий бўлинмаларга юклатилган вазифа ва функциялар бажарилиши, хатарларни бошқариш ва ички назорат тизимлари самарадорлиги ҳамда активлар бутлиги бўйича хатарлар таҳлилига асосланган ва холис ахборотлар билан таъминлаш белгиланди.

Хатарга асосланган ички аудит анъанавий ички аудитдан фарқли равишда, ташкилот вазифа ва функциялари ижроси билан боғлиқ иш жараёнларининг бажарилишида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва хато-камчиликларни олдини олиш ҳамда камчилик ва заифликларни бартараф этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳисобот йилида Ички аудитнинг халқаро стандартлари (GIAS) талабларига асосан 3 йиллик ички аудит цикли доирасида Марказий банк фаолиятига доир хатарларни бошқариш бўйича ишлар самарадорлигини тўлиқ аудитдан ўтказишни назарда тутувчи **2025-2027 йилларга мўлжалланган ички аудитни ташкил этиш режаси** тасдиқланди.

Мазкур аудит режаси Марказий банк фаолиятидаги хатарларни баҳолаш мезонлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги аудитдан ўтказиладиган таркибий бўлинмалар (*аудит объектлари*) рўйхати ва аудитдан ўтказиш муддатлари уларнинг фаолиятидаги хатарларнинг долзарблиги даражасидан келиб чиқиб шакллантирилган.

Ушбу аудит режасига мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб аудит тадбирларини ўтказиш орқали Марказий банк фаолиятига доир хатарларнинг таъсирини камайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар самарадорлиги, уларнинг етарлилиги ҳамда ижроси ҳолати баҳолаб борилади, зарур ҳолатларда хатарлар қайта баҳоланади ҳамда уларни бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериб борилади.

Шунингдек, Марказий банк ички аудит хизмати фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаб боришга қаратилган **“Марказий банкда ички аудит сифатини таъминлаш ва такомиллаштириш Дастури”** қабул қилинди.

Ушбу Дастурга мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб Марказий банкда ўтказиладиган ички аудит тадбирларининг услубий ёндашувларини, аудитни амалга ошириш, натижаларини ҳужжатлаштириш ва аудит тавсиялари мониторинги жараёнларини ҳар йили ички баҳолашдан ҳамда ҳар 5 йилда ташқи баҳолашдан ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

Ҳисобот даврида Халқаро валюта жамғармасининг навбатдаги техник кўмаги жалб қилиниб, Марказий банк ички аудит хизмати ва бошқа таркибий бўлинмалар ходимларининг хатарларни бошқариш ҳамда хатарга асосланган ички аудит бўйича билим ва амалий кўникмалари кенгайтириб борилмоқда.

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари фаолиятини масофавий ички аудитдан ўтказиш амалиёти кўлами янада оширилди. Хусусан, 2023 йилда аудитдан ўтказилган ҳудудий бош бошқармаларнинг 30 фоизиди аудит тадбирлари масофавий шаклда амалга оширилган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 70 фоизни ташкил қилди.

Масофавий аудит усули аудитни ўтказиш билан боғлиқ харажатларини сезиларли даражада қисқартириш билан бир қаторда аудит объекти фаолиятига доир ҳужжатларни янада кенгроқ ўрганиш ҳамда аудит жараёнини янада самарали назорат қилиш орқали ички аудит тадбирлари сифатининг ошишига хизмат қилади.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк тизимида **коррупциянинг олдини олиш** йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналар ходимларининг манфаатлар тўқнашуви йиллик декларациялари таҳлил қилиниб, Марказий банк тизими бўйича **“Манфаатлар тўқнашуви реестри”** шакллантирилди ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишини олдини олиш чора-тадбирлари амалга ошириб борилди.

Марказий банк томонидан 2024 йилда жами **180 та** тендер ва танлов асосида ҳамда тўғридан-тўғри хўжалик шартномалари тузилган бўлиб, мазкур шартномалар бўйича харидларни амалга оширишда иштирокчиларда **аффилланганлик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларини олдини олишга** қаратилган ўрганишлар ўтказилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Марказий банкка ишга қабул қилишда коррупциявий хавф-хатарлар олдини олиш юзасидан **105 нафар** номзодларнинг маълумотлари ўрганилди. Хусусан, мазкур ўрганишда номзодларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш жойидаги хулқ-атвори, меҳнат фаолиятида юклатилган вазифаларни ҳалол ва холис амалга оширганлиги ҳамда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларни содир этганлиги билан боғлиқ маълумотларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги Қонунида давлат органлари ходимларига белгиланган тақиқлар ва чекловлар юзасидан Марказий банк тизими ходимлари ҳамда ишга қабул қилинаётган номзодларнинг **тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш** ҳамда Марказий банк назорати остидаги **ташкилотлар акцияларига эгалик қилиниши** ҳолатларини очиқ маълумотлар базалари орақали ўрганиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусида Марказий банкнинг **1 992 нафар** бошқарув ходимлари махсус электрон платформа орқали масофавий **ўқув курсида ўқитилди**.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда Марказий банк ходимлари учун **манфаатлар тўқнашувига доир қонунчилик талаблари** борасидаги тарқатма материаллар (*тейбл-тент, буклетлар, календарь*) ишлаб чиқилди ҳамда ходимларга етказилди.

Шунингдек, Марказий банкка қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган вазифалар ва фаолиятни амалга оширишга доир қўшимча **функцияларга доир коррупциявий хавф-хатарлар E-anticor.uz** платформаси орқали баҳолашдан ўтказилди.


Марказий банк тизимида коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир этишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан **78 марта** (*Марказий аппаратда – 6 та, ҳудудий бош бошқармаларда – 50 та, тасарруфдаги корхоналарда – 22 та*) давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида Марказий банкнинг барча ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналарда коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида ходимлар учун коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва талаблари юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этилиб, ходимлар билан профилактик суҳбатлар, тест синовлари ҳамда аноним сўровлар ўтказилди.

8.6.2-чизма

2023-2024 йилларда Марказий банк тизимида ўтказилган коррупцияга қарши ўқув ва тарғибот тадбирлари сони



Манба: Марказий банк маълумотлари

Бунда, таркибий тузилмалар ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланмади.

Шунингдек, Марказий банкда соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими халқаро стандарти ISO 37001 талабларига мувофиқлаштириш юзасидан “Марказий банк тизимида ходимлар томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби” амалиётга тадбиқ этилди.

Мазкур ҳужжатда Марказий банк тизими ходимларига Марказий банк томонидан назорат қилинадиган ташкилотлар ва хўжалик шартномалари бўйича контрагентлардан ҳар қандай шаклда совға ёки меҳмондўстлик белгисини қабул қилиш қатъиян тақиқлаб қўйилди.

Ҳисобот йили якуни бўйича Марказий банк тизимида жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш тизими Коррупцияга қарши курашиш ишларини самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими доирасида юқори баҳога мувофиқ деб топилди.

IX. ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари*
(жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2024 йил	
	ҳажми, млрд сўмда	реал ўсиши
Ялпи ички маҳсулот	1 454 573,9	6,5%
Саноат маҳсулоти ҳажми	885 818,9	6,8%
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	467 041,5	3,1%
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	493 652,0	27,6%
Қурилиш ишлари ҳажми	233 832,9	8,8%
Чакана савдо айланмаси	403 431,8	9,9%
Хизматлар, жами	818 428,3	12,9%
Ташқи савдо айланмаси, млн долларда	65 934,0	3,8%
Экспорт, млн долларда	26 948,2	8,4%
Импорт, млн долларда	38 985,8	0,8%
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн долларда	-12 037,6	х

*Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари

2-жадвал

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари билан амалга оширган экспорт-импорт операциялари*

Давлатлар	Ташқи савдо айланмаси		Экспорт		Импорт	
	млн доллар	улуши	млн доллар	улуши, фоизда	млн доллар	улуши, фоизда
Жами	65 934,0	100,0%	26 948,2	100,0%	38 985,8	100,0%
<i>шу жумладан:</i>						
Хитой	12 486,7	18,9%	2 054,9	7,6%	10 431,8	26,8%
Россия	11 630,3	17,6%	3 682,9	13,7%	7 947,3	20,4%
Қозоғистон	4 277,8	6,5%	1 452,3	5,4%	2 825,5	7,2%
Туркия	2 937,3	4,5%	1 169,3	4,3%	1 768,0	4,5%
Корея	2 000,6	3,0%	39,9	0,1%	1 960,8	5,0%
Германия	1 213,9	1,8%	97,5	0,4%	1 116,5	2,9%
Туркманистон	1 148,2	1,7%	128,2	0,5%	1 020,0	2,6%
Афғонистон	1 134,3	1,7%	1 089,3	4,0%	44,9	0,1%
Франция	1 131,3	1,7%	795,1	3,0%	336,2	0,9%
Ҳиндистон	980,4	1,5%	126,8	0,5%	853,6	2,2%
АҚШ	881,7	1,3%	317,4	1,2%	564,3	1,4%
Қирғизистон	846,4	1,3%	513,3	1,9%	333,1	0,9%
Тожикистон	702,7	1,1%	552,2	2,0%	150,5	0,4%
БАА	649,7	1,0%	249,6	0,9%	400,1	1,0%
Бразилия	589,4	0,9%	163,3	0,6%	426,2	1,1%

*Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.
1. Кредит ташкилотлари, жами*	204	229
<i>шу жумладан:</i>		
Тижорат банклари, шундан:	35	36
Давлат улуши мавжуд банклар	10	9
Бошқа банклар	25	27
Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:	169	193
Микромолия ташкилотлари	84	100
Ломбардлар	84	92
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари	1	1
2. Тижорат банклари филиаллари, жами	696	288
3. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)	1 816	1 720
4. 24/7 шохобчалари	3 723	4 447

*Тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(2025 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Банклар	Актив		Кредит қўйилмалари қолдиғи		Капитал		Депозитлар қолдиғи	
	суммаси	улуши	суммаси	улуши	суммаси	улуши	суммаси	улуши
Жами	769 330	100,0%	533 121	100,0%	114 792	100,0%	308 692	100,0%
Давлат улуши мавжуд банклар	503 187	65,4%	366 731	68,8%	70 175	61,1%	154 511	50,1%
Давлат улуши бўлмаган банклар	266 143	34,6%	166 391	31,2%	44 617	38,9%	154 181	49,9%

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	01.01.2024 й.			01.01.2025 й.			Номинал ўсиш	Ўсиши (алмашув курси таъсири чиқариб ташланганда)
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши	жами	шундан, хорижий валютада	улуши		
Активлар	652 157	291 791	44,7%	769 330	316 440	41,1%	18,0%	15,8%
Кредит қўйилмалари қолдиғи	471 406	212 036	45,0%	533 121	228 718	42,9%	13,1%	10,9%
Депозитлар қолдиғи	241 687	72 171	29,9%	308 692	77 458	25,1%	27,7%	26,3%
Капитал	97 079	395	0,4%	114 792	413	0,4%	18,2%	18,2%

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар	Жами		шулардан:										2 трлн сўм ва ундан юқори	
			100 млрд сўмгача		100 млрд сўмдан 200 млрд сўмгача		200 млрд сўмдан 350 млрд сўмгача		350 млрд сўмдан 500 млрд сўмгача		500 млрд сўмдан 1 трлн сўмгача		1 трлн сўмдан 2 трлн сўмгача	
	банклар сони	миқдори, млрд сўм	банклар сони	улуши	банклар сони	улуши	банклар сони	улуши	банклар сони	улуши	банклар сони	улуши	банклар сони	улуши
01.01.2024 йил ҳолатига														
Жами капитал	35	97 079	0	0,0%	4	0,7%	5	1,3%	4	1,9%	2	1,5%	6	8,1%
шундан, устав капитали	35	68 643	0	0,0%	1	0,1%	10	3,4%	6	3,4%	4	3,3%	7	13,8%
01.01.2025 йил ҳолатига														
Жами капитал	36	114 792	0	0,0%	3	0,4%	0	0,0%	2	0,8%	9	4,6%	7	8,8%
шундан, устав капитали	36	83 666	0	0,0%	1	0,1%	2	0,5%	1	0,5%	18	12,2%	4	6,1%
													10	80,6%

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлар микдори бўйича гуруҳланиши
(2025 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар микдори бўйича гурухлаштирилган тижорат банклари тақсимооти							
			3 трлн сўмгача		3 дан 10 трлн сўмгача		10 дан 30 трлн сўмгача		30 трлн сўмдан юқори	
	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма
Активлар										
Активлар	36	769 330,4	11	9 054,0	7	45 746,4	10	176 288,0	8	538 242,1
Кредитлар	36	533 121,2	11	3 419,8	7	26 462,6	10	112 748,5	8	390 490,2
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	36	177 532,1	11	673,4	7	14 740,0	10	40 959,2	8	121 159,6
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	36	355 589,1	11	2 746,5	7	11 722,7	10	71 789,3	8	269 330,6
Қисқа муддатли кредитлар	36	76 032,7	11	494,0	7	4 523,5	10	13 521,5	8	57 493,7
Ўзоқ муддатли кредитлар	36	457 088,5	11	2 925,8	7	21 939,1	10	99 227,1	8	332 996,5
Миллий валютадаги кредитлар	36	304 403,2	11	3 100,2	7	19 626,3	10	72 390,5	8	209 286,1
Чет эл валютасидаги кредитлар	36	228 718,0	11	319,6	7	6 836,3	10	40 358,0	8	181 204,1
Капитал ва молиявий натижалар										
Капитал	36	114 792,4	11	4 637,6	7	8 400,9	10	27 568,0	8	74 185,8
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	36	0,2	11	0,5	7	0,2	10	0,2	8	0,2
Соф фойда	36	6 965,7	11	-191,2	7	1 554,0	10	3 513,8	8	2 089,1
Активлар даромадлилиги, фоизда	36	0,0	11	0,0	7	0,0	10	0,0	8	0,0
Капитал даромадлилиги, фоизда	36	0,1	11	-0,1	7	0,2	10	0,1	8	0,0
Мажбуриятлар										
Аҳоли омонатлари	36	122 420,6	11	1 069,3	7	11 991,6	10	37 879,2	8	71 480,5
Юридик шахслар депозитлари	36	186 271,7	11	1 994,8	7	11 850,2	10	54 172,8	8	118 253,9

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

млрд сўмда

Асосий кўрсаткичлар	2023 йил декабрь	2024 йил декабрь
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	17,5%	17,4%
Жами регулятив капитал	105 914,5	124 793,2
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	603 944,6	718 557,1
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	14,1%	14,3%
I даражали капитал	84 910,8	102 617,7
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	603 944,6	718 557,1
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати	10,8%	10,1%
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	10 515,5	11 556,7
Жами регулятив капитал	97 079,2	114 792,4
Муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати	3,5%	4,0%
Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	16 621,4	21 185,1
Жами кредитлар ва микроқарзлар	471 405,5	533 121,2
Активлар рентабеллиги	2,6%	1,4%
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	15 155,2	9 654,5
Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача)	593 184,7	703 257,9
Капитал рентабеллиги	14,2%	6,6%
Соф фойда	12 380,0	6 965,7
Жами капитал (давр учун ўртача)	86 923,4	105 182,5
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати	40,8%	38,3%
Фоизли маржа	28 995,8	34 191,8
Ялпи даромад	71 049,6	89 311,8
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати	46,2%	51,9%
Фоизсиз харажатлар	32 836,1	46 334,7
Ялпи даромад	71 049,6	89 311,8
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати	16,2%	18,7%
Ликвид активлар	105 421,1	143 550,1
Активларнинг умумий суммаси	652 157,1	769 330,4
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	37,1%	42,6%
Ликвид активлар	105 421,1	143 550,1
Қисқа муддатли мажбуриятлар	283 846,0	336 726,3
Жами I даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати	14,9%	14,9%
I даражали капитал	97 079,2	114 792,4
Активларнинг умумий суммаси	652 157,1	769 330,4

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари

млрд сўмда

Сана	шундан:							
	Кредитлар			Муаммоли кредитлар			Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	
	Жами	давлат улуши		Жами	давлат улуши		Жами	давлат улуши
		мавжуд банклар	бўлмаган банклар		мавжуд банклар	бўлмаган банклар		
01.01.2024 й.	471 406	333 298	138 107	16 621	13 267	3 354	3,5%	2,4%
01.01.2025 й.	533 121	366 731	166 391	21 185	14 344	6 841	4,0%	4,1%

11-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг
даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд сўмда

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.
Фоизли даромадлар	86 679,1	111 866,4
Фоизли харажатлар	57 683,3	77 674,6
Фоизли маржа	28 995,8	34 191,8
Фоизсиз даромадлар	42 053,7	55 120,0
Фоизсиз харажатлар	13 272,8	22 619,3
Операцион харажатлар	19 563,3	23 715,4
Фоизсиз даромад (зарар)	9 217,6	8 785,3
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	18 413,1	25 939,3
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	4 645,1	7 383,2
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	15 155,2	9 654,5
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	2 775,2	2 690,2
Фойда бўйича тузатишлар	0,0	1,4
Соф фойда (зарар)	12 380,0	6 965,7

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари	2023 йил	2024 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,6%	1,4%
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	14,2%	6,6%
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	4,4%	4,4%
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	6,2%	6,4%
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	5,2%	5,2%
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	4,9%	4,9%

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2024 й.		01.01.2025 й.	
	млрд сўмда	улуши	млрд сўмда	улуши
I даражали капитал	84 910,8	80,2%	102 617,7	82,2%
Асосий капитал	84 865,9	80,1%	102 396,3	82,1%
Қўшимча капитал	44,9	0,0%	221,5	0,2%
II даражали капитал	21 003,7	19,8%	22 175,4	17,8%
Жами регулятив капитал	105 914,5	100,0%	124 793,2	100,0%
Капитал монандлик даражаси, фоизда	17,5%		17,4%	
I даражали капитал монандлилик даражаси, фоизда	14,1%		14,3%	

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	14,9%	17,3%
<i>миллий валютада</i>	12,9%	16,4%
<i>хорижий валютада</i>	17,3%	18,7%
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	164,8%	193,8%
<i>миллий валютада</i>	157,0%	178,4%
<i>хорижий валютада</i>	167,9%	200,8%
Соф барқарор молиялаштириш меъёри (минимал талаб - 100 фоиз)	111,8%	115,3%
<i>миллий валютада</i>	111,8%	115,4%
<i>хорижий валютада</i>	111,9%	115,5%
Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти (минимал талаб - 25 фоиз)	87,4%	112,3%

14-жадвал
Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича таснифи

Кўрсаткичлар	01.01.2024 й.		01.01.2025 й.		Ўтган йилга нисбатан
	млрд сўмда	улуши	млрд сўмда	улуши	
Жами кредитлар	471 406	100,0%	533 121	100,0%	13,1%
Саноат	140 152	29,7%	153 389	28,8%	9,4%
Қишлоқ хўжалиги	47 255	10,0%	50 303	9,4%	6,5%
Қурилиш соҳаси	12 275	2,6%	12 960	2,4%	5,6%
Савдо ва умумий хизмат	32 516	6,9%	38 130	7,2%	17,3%
Транспорт ва коммуникация	34 342	7,3%	32 808	6,2%	-4,5%
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	4 067	0,9%	4 213	0,8%	3,6%
Уй-жой коммунал хизмати	2 345	0,5%	2 324	0,4%	-0,9%
Жисмоний шахслар	148 621	31,5%	177 532	33,3%	19,5%
Бошқа соҳалар	49 833	10,6%	61 463	11,5%	23,3%

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва депозит сертификатлари таснифи

млрд сўмда

Сана	Жами	муддат бўйича:				1 йилдан юқори
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача	
01.01.2024 й.	241 686,6	85 197,6	6 300,7	30 028,0	34 951,7	85 208,6
<i>улуши</i>	100,0%	35,3%	2,6%	12,4%	14,5%	35,3%
01.01.2025 й.	308 692,3	99 094,0	11 667,6	32 312,1	46 259,8	119 358,9
<i>улуши</i>	100,0%	32,1%	3,8%	10,5%	15,0%	38,7%

Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2024 йил		01.01.2025 йил		Ўтган йилга нисбатан
	млрд сўмда	улуши	млрд сўмда	улуши	
Пул массаси (M2), жами	212 086,1	100,0%	277 064,6	100,0%	130,6%
шу жумладан:					
муомаладаги нақд пуллар (M0)	45 607,7	21,5%	53 328,5	19,2%	116,9%
нақд пулсиз маблағлар	166 478,4	78,5%	223 736,1	80,8%	134,4%
шундан:					
миллий валютада	164 428,4	77,5%	220 115,7	79,4%	133,9%
чет эл валютасида	47 657,7	22,5%	56 948,9	20,6%	119,5%

Резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2024 йил		01.01.2025 йил		Ўтган йилга нисбатан
	млрд сўмда	улуши	млрд сўмда	улуши	
Резерв пуллар, жами	82 875,5	100,0%	90 739,6	100,0%	109,5%
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	54 628,3	65,9%	64 915,0	71,5%	118,8%
банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	25 054,5	30,2%	22 734,2	25,1%	90,7%
банкларнинг мажбурий заҳиралардаги маблағлари	2 843,5	3,4%	0,0	0,0%	-100,0%
Марказий банк мижозларининг депозитлари	349,2	0,4%	3 090,4	3,4%	885,0%

18-жадвал

**Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган
банк пластик карталари сони**

Худудлар	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.	Ўтган йилга нисбатан
Жами	46 205 950	61 996 419	134,2%
Қорақалпоғистон Республикаси	522 652	2 405 396	460,2%
Андижон вилояти	3 279 025	3 834 804	116,9%
Бухоро вилояти	696 152	2 427 159	348,7%
Жиззах вилояти	408 518	1 607 896	393,6%
Қашқадарё вилояти	909 870	3 391 066	372,7%
Навоий вилояти	457 377	1 510 160	330,2%
Наманган вилояти	824 920	2 884 431	349,7%
Самарқанд вилояти	1 535 589	3 637 466	236,9%
Сурхондарё вилояти	538 980	2 440 806	452,9%
Сирдарё вилояти	302 747	1 074 576	354,9%
Тошкент вилояти	1 171 737	3 171 100	270,6%
Фарғона вилояти	1 412 217	4 012 900	284,2%
Хоразм вилояти	551 101	2 177 565	395,1%
Тошкент шаҳри	33 595 065	27 421 094	81,6%

19-жадвал

**Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига
ўрнатилган тўлов терминаллари сони**

Худудлар	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.	Ўтган йилга нисбатан
Жами	429 334	426 225	99,3%
Қорақалпоғистон Республикаси	6 760	21 488	317,9%
Андижон вилояти	41 301	24 766	60,0%
Бухоро вилояти	9 925	31 727	319,7%
Жиззах вилояти	5 095	13 176	258,6%
Қашқадарё вилояти	12 208	26 671	218,5%
Навоий вилояти	7 720	18 152	235,1%
Наманган вилояти	9 954	21 230	213,3%
Самарқанд вилояти	15 315	34 132	222,9%
Сурхондарё вилояти	5 397	18 938	350,9%
Сирдарё вилояти	3 997	11 710	293,0%
Тошкент вилояти	15 269	34 492	225,9%
Фарғона вилояти	20 173	37 155	184,2%
Хоразм вилояти	7 976	20 716	259,7%
Тошкент шаҳри	268 244	111 872	41,7%

**Республика ҳудудларида ўрнатилган банкомат
ва инфокиосklar сони**

Ҳудудлар	01.01.2024 й.	01.01.2025 й.	Ўтган йилга нисбатан
Жами	26 655	29 909	112,2%
Қорақалпоғистон Республикаси	566	1 570	277,4%
Андижон вилояти	1 629	1 418	87,0%
Бухоро вилояти	733	1 790	244,2%
Жиззах вилояти	411	961	233,8%
Қашқадарё вилояти	1 092	1 292	118,3%
Навоий вилояти	318	825	259,4%
Наманган вилояти	1 076	1 538	142,9%
Самарқанд вилояти	978	1 875	191,7%
Сурхондарё вилояти	744	1 310	176,1%
Сирдарё вилояти	226	663	293,4%
Тошкент вилояти	1 737	2 780	160,0%
Фарғона вилояти	1 436	2 332	162,4%
Хоразм вилояти	724	1 526	210,8%
Тошкент шаҳри	14 985	10 029	66,9%

21-жадвал

**Тўлов терминаллари орқали
амалга оширилган тўловлар суммаси**

млрд сўмда

Худудлар	2023 йил давомида	2024 йил давомида	Ўтган йилга нисбатан
Жами	254 719,1	326 735,2	128,3%
Қорақалпоғистон Республикаси	3 297,8	2 501,3	75,8%
Андижон вилояти	14 085,1	15 320,6	108,8%
Бухоро вилояти	3 603,4	3 552,8	98,6%
Жиззах вилояти	1 680,3	1 641,1	97,7%
Қашқадарё вилояти	5 429,0	4 366,8	80,4%
Навоий вилояти	3 112,4	3 218,2	103,4%
Наманган вилояти	3 049,2	2 213,9	72,6%
Самарқанд вилояти	6 868,8	5 433,6	79,1%
Сурхондарё вилояти	2 770,2	2 124,6	76,7%
Сирдарё вилояти	1 013,9	1 036,0	102,2%
Тошкент вилояти	4 975,7	5 577,3	112,1%
Фарғона вилояти	6 866,6	7 550,4	110,0%
Хоразм вилояти	3 261,5	3 324,4	101,9%
Тошкент шаҳри	194 705,4	268 874,2	138,1%